

ЧЎЛПОН  
асарлар

I  
ЖИЛД

# ЧЎЛПОН

Абдулҳамид Сулаймон ўғли

## асарлар

*Тўрт жилдлик*

### I ЖИЛД

Шеърлар  
Мансуралар  
Шеърий хатлар

*Қайта нашр*

Тошкент  
«Akademnash»  
2016

**УЎК: 821.512.133-1**

**КБК: 84(5Ў)6**

**Ч-85**

**Ч-85**

**Чўлпон, Абдулҳамид**

Асарлар. 4 жилдлик Ж. I / Чўлпон – Қайта нашр; – Тошкент: Akademnashr, 2016. – 368 б.

ISBN 978-9943-4299-4-9

УЎК: 821.512.133-1

КБК: 84(5Ў)6

*Чўлпон – кўп асрлик ўзбек адабиёти тараққиётига улкан ҳисса қўшган ижодкорлардан бири. У қисқа умр кўрганига қарамай, адабиёт ва санъатнинг турли соҳаларида самарали ижод қилиб, катта адабий мерос қолдирди.*

*Чўлпон шеърӣ асарларининг ушбу тўлиқ наشري китобхонларга манзур бўлади деб ўйлаймиз.*

**Таҳрир ҳайъати:**

Наим КАРИМОВ,

Дилмурод ҚУРОНОВ,

Санжар НАЗАР

**Тўплаб нашрга тайёрловчи:**

Наим КАРИМОВ

## ЧЎЛПОН ҲАҚИДА СЎЗ

Йиллар ва даврлар ўтгани сайин замонавий ўзбек адабиёти тараққиётига улкан ҳисса қўшган ижодкорлар биздан – XXI асрда яшаётган авлодлардан тобора узоқлашиб боради. Ҳозирнинг ўзидаёқ Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон сингари улуғ адибларни кўрган, улар ҳақида хотираларни ёзиб ва айтиб юрган кишилардан бирортаси қолмади. Бинобарин, бу ажойиб сиймолар билан янги авлодларни боғловчи занжир ҳалқалари батамом узилди. Энди авлодлар миллий адабиётимизни янги ва юксак довоиларга олиб чиққан улуғларни фақат асарлари ва улар ҳақида ёзилган илмий-мемуар адабиёт орқалигина кашф этиб борадилар. Бу ҳам, аслида, чакки имконият эмас. Лекин шудринг титраб-сесканиб турган бир тутам райҳон ёки бир дона атиргулни ҳидлаш ва улардан завқ-шавқ олиш бошқа-ю, на баҳорий таровати, на муаттар бўйи ва на тарам-тарам ранги қолмаган райҳон ёки гулни ҳидлаш, улардан дилафрўз бўлиш бошқа.

Абдулла Қодирийнинг ҳам, Фитратнинг ҳам, Чўлпоннинг ҳам асарларида ўтган асрларда яшаган кишилар ва рўй берган воқеалар тасвир этилган. Улар ижодида, хусусан, Чўлпон лирикасида бугун ҳам ўзининг бадиий латофатини йўқотмаган, бинобарин, ҳозирги шеърият мухлисларининг дил торларини чертиб юбора олувчи шеърлар билан бирга «қора» ва «кирли» ўтмиш лавҳалари мужассамланган, яъни ҳозирги китобхонларнинг эстетик эҳтиёжидан олис манзумалар ҳам оз эмас. Аммо шу манзумаларни-да ўз даврида шеърият мухлислари қизғин кутиб олиб, улардан балқиб турган дардда ўз изтироблари тасвирини кўриб таскин топганлар. Комил Яшин сингари издошлар, Юнус Мақсудий сингари мухлислар эса Чўлпоннинг ўнлаб шеърларини ёд олиб, улардаги бадиий гўзаллик сирла-

рини биз – ёш замондошларига тўлқинлана-тўлқинлана нақл қилардилар. Чўлпон улар учун, замондошлари учун бениҳоя улуг шоир эди.

\* \* \*

XIX асрнинг 90-йиллари... Мустамлакачилик... Миллий парокандалик... Иқтисодий-маиший ва маданий қолоқлик...

Шундай нохуш шароитда жаҳолат ва бидъат шумғиялари бўй чўзади. Ижтимоий-инсоний ҳуқуқлари поймол этилган омма аросат водийсида рўзғор ташвишлари билан яшайди...

1917 йил февраль инқилоби рўй берган кунларда ҳам ҳаёт шу тарзда оқиб турган эди. Жамият февраль воқеаларидан сўнг хийла ижтимоийлашиб, турли фирқалар пайдо бўлган ва ҳар бир фирқа ўзининг сиёсий ҳаётдаги мавқеини кўтариш истагида саъй-ҳаракат қиларди. Шундай кунларнинг бирида Андижондаги уламолар ва бойлардан иборат фирқа аъзолари шаҳарнинг шинам биноларидан бирида тўпланиб мажлис қуришади. Тўрда банорас тўн кийган, бошига қозондек салла ўраган, кўзлари бежо жовдираган бақалоқ бир киши ўтирарди. Мажлис раиси йиғилганларга мурожаат қилиб: «Азиз биродарлар! Бу муҳтарам зот тушларида Каъбатуллони кўрибдилар. Бу киши калиман тоййиба келтириб мусулмон бўлдилар. Энди ҳар бир мусулмон учун фарз бўлган Маккаи мукаррамага бу зотнинг йўл харжи учун иона тўплаб берайлик! Бу савоби беназирдир...» – дейди.

Унинг сўзлари тугар-тугамас ташқарида ўзи сингари ёшлар ўртасида лол бўлиб турган бир йигит мажлис раиси олдига отилиб келиб ҳаяжон билан дейди: «Уламо ҳазратлари, боён жаноблар! Бир ўрис амалдорни мусулмонликка қабул қилиб, унга қанчадан-қанча сармоя сарф қилиб ҳажга юборганларинг билан, сафларинг кенгаймайди. Дини ислом мустаҳкамланмайди. Ундан кўра ўша йиғилган сармояни оч-юпун халққа сарф этсаларинг-чи! Улашилаётган аталага кимнингдир оғзи тегиб, кимгадир у ҳам насиб этмай, бечора халқ қирилиб кетаётибди-ку. Халқни ўйланглар, ахир, тақсирлар!...»

Бой-бадавлат кишилар орасидан ҳам, муҳтожликда турмуш тебратаётган кишилар орасидан ҳам бирор кимса бу йиғилишнинг бемаънилигини айтолмаган бир пайтда ўн тўққиз яшар бир йигитнинг Андижонни ётқизиби-турғизадиган бойлар ва уламолар олдида шундай сўзларни айтиши том маънода жасорат эди. Отасининг бойлар сафида бўлиши ва ҳақ сўзлари учун ундан дакки ейиши муқаррарлигига қарамай, Абдулҳамид Сулаймон ўғли – бояги ўн тўққиз яшар йигит – шундай хатти-ҳаракатга журъат этганди.

Шу воқеадан уч йил аввал, 1914 йилда, «Садои Туркистон» газетасида унинг «Туркистонли қардошларимизга» деб номланган шеъри чоп этилган ва у бир тўда бойлар ва уламоларга эмас, балки бутун Туркистон аҳлига мурожаат этиб унинг юмуқ кўзларини очмоқчи, мудроқ ҳолатидан уйғотмоқчи бўлганди. Ўшанда ҳали 16 ёшга тўлмаганди. У шу йили «Садои Туркистон» газетаси идорасида тошкентлик атоқли маърифатпарвар Мунаввар қори Абдурашидхонов ва унинг сафдошлари билан танишади. Улар андижонлик йигитнинг миллат ва Ватан дарди билан ёнаётган шоир бўлажagini сезиб унга «Чўлпон» деган тахаллусни берадилар.

Шоир адабиётдаги илк қадамидан бошлаб мудроқ ватандошларини Тонг юлдузи янглиғ уйғотишга киришди ва ўзбек адабиёти тарихига «халқни уйғотган шоир» сифатида кирди.

\* \* \*

Абдулҳамид Сулаймон ўғли 1898 йили Андижонда газлама савдоси билан шуғулланувчи Сулаймон баззоз оиласида дунёга келди. Унинг отаси Андижондан Оренбургга қадар бўлган кенгликда тижорат ишлари билан шуғулланган, шаҳарнинг Миркомилбой, Аҳмадбек ҳожи, Қипчоқбой сингари машҳур бойлари даражасидаги савдогар эди. Абдулҳамид Сулаймон баззознинг ёлғиз ўғли бўлганлиги боис, у фарзандини савдога ўргатмоқчи бўлди. Аммо шоиртабиат йигитдан савдогар чиқмаслигига кўзи етгач унинг бирор мадрасада мударрис бўлиб хизмат қилажасига умид боғлади. Шу сўнгги орзуси йўлида куйиниб

фарзанди тарбиясига алоҳида эътибор берди. Абдулҳамид 11 – 12 ёшларида Қуръони Каримни хатм қилди. Отаси ёллаган муаллимлар қўлида форс, араб, турк ва рус тилларини, ҳатто мусиқа илмини ҳам ўрганди; Андижон мадрасасида таълим олди. Қавм-қариндошларининг бир қисми Ўшда истиқомат қилгани сабабли, болалик ва ёшликдаги дўсти Шарафиддин Салоҳиддин ўғли билан бирга ўша ердаги рус-тузем мактабида ҳам таҳсил кўрди.

Энг муҳими, отаси замонасининг тараққийпарвар кишиларидан бири бўлгани боис бошқа мамлакатларда рўй бераётган воқеалардан, хусусан, шу мамлакатлардаги савдо-сотиқ ишларидан хабардор бўлиш мақсадида бир неча хорижий газеталарга ёзилганди. Абдулҳамиднинг дунё ҳақидаги, Шарқ ва Ғарб мамлакатларидаги халқлар ҳақидаги тасавури ва билими шу нашрлар ёрдамида шаклланиб борди. Агар биз Абдулҳамиднинг Исмоил Гаспринский номига ёзилган ва «Таржимон» газетасининг 1913 йил 27 ноябрь сонисида эълон қилинган мактубига назар ташласак, унинг ўша йилларда «Шалола», «Турк юрди», «Шаҳбал», «Вақт», «Иқбол» ва, табиийки, «Таржимон» газетасини ҳам муттасил ўқиб боргани маълум бўлади. Бўлажак шоир шу газеталардаги мақолаларни ўқиб Андижон аҳлининг ҳаёти билан, айтайлик, қримтатар ёки турк халқининг ҳаётини, Шарқ халқлари ҳаёти билан Ғарб халқларининг турмушини қиёслаш имконига эга бўлди. Шу жараёнда ўзи мансуб халқнинг аянчли ҳолатда яшаётганига амин бўлди. Бу мудҳиш ҳаёт тарзини ўзгартириш учун халқни маърифатлаштириш лозим деган жадидона хулосага келди. Абдулҳамид 1914 йилдан устозлари сингари маърифатпарварлик рояларини тарғиб қилувчи асарлар ёзишга шиддат билан киришди.

Шоирнинг отаси Сулаймон баззоз илм-маърифатдан узоқ киши бўлмаган. У бир сўзли, чўрткесар оталар тоифасидан бўлганига қарамай, дилида шеъриятга меҳр туйғулари жўш уриб турган. Шу туйғулар даъвати билан ҳажвий шеърлар ёзиб, Бимий, Маҳжурий, Зокирий сингари андижонлик қалам

аҳлининг мушоараларида қатнашган. Унинг «Расво», «Волаи Расво» таҳаллуслари билан ёзган ҳажвий шеърлари ҳатто кичик бир «девон»ни ташкил этган.

Абдулҳамидда адабий истеъдоднинг уйғонишида, балки, шу ҳолнинг ҳам ўрни йўқ эмасдир. Балки, замондошлари Чўлпонни «туғма шоир» деб ардоқлаганларида ота-боболаридан қон орқали ўтган шу илоҳий ҳолатни ҳам назарда тутишгандир...

\* \* \*

1914 йил... Шу йилдан ўзбек шеърини осмонда «Чўлпон» деган митти юлдуз чарақлай бошлади. Шу йили у «Садон Туркистон» газетасида шоир сифатида «Туркистонли қардошларимизга» шеърини, носир сифатида «Қурбони жаҳолат», «Дўхтур Муҳаммадиёр» ҳикояларини, публицист сифатида «Мактаб» мақоласини, мунаққид сифатида эса «Адабиёт надири?», «Муҳтарам ёзувчиларимизга» мақолаларини эълон қилди. Бадиий ижоднинг бу тўрт турига мансуб асарларнинг барчасида Чўлпоннинг ижодий дастури ўз ифодасини топганди. У шу йилдан бошлаб то машаққатли ва фожиали ҳаётининг сўнгги нафасига қадар мазкур дастур асосида халққа ва адабиётга ҳалол хизмат қилди. Унинг учун адабиёт енгил-елпи ҳазиллар билан халқнинг кўнглини олувчи майдон эмас, балки унинг мудроқ кўзларини улуғ ва эзгу гоёлар ипаги билан очувчи, уни ҳур ва эркин ҳаёт учун курашга сафарбар этувчи, ўзини англашига, ўзининг ҳақ-ҳуқуқларини танишига, яхшироқ турмуш кечирishiга ёрдам берувчи восита эди. Шоир ана шу воситадан, ана шу қудратли қуроладан катта маҳорат ва назокат билан фойдаланди.

Чўлпон мураккаб тарихий даврда яшади. У дунёга келгани ва қўлига илк бор шоирлик қаламини олганида, мамлакатимиз мустамлакачилик занжирлари билан ўралган, жаҳон тамаддуни тараққиётига муносиб ҳисса қўшган халқимиз эса огир ижтимоий, иқтисодий ва маданий шароитда яшаётганди. Адиб шундай шароитда ўзини мазлум халқни уйғотишга бурчли деб билди; эрк ва ҳуррият гоёларини баланд пардаларда куйлади.



1917 йили Петроградда февраль инқилобининг содир бўлиб, романовлар сулоласининг тахтдан ағдарилиши ундаги мовий орзуларнинг рўёбга чиқишига сўнмас умид уйғотди. Аммо «оқ мустамлакачилар» ўрнини зудлик билан эгаллаган «қизил мустамлакачилар» бу орзуларнинг ушалишига имкон бермади. Аксинча, қизил аскарлар казаклар ва дашноқлар кўмагида ўзбек халқининг бошига бало тошларини ёғдирди. Чўлпон шу йилларда «Бузилган ўлкага» сингари оташин шеърлар ёзиб энди халқни «қизил мустамлакачилар»га қарши курашга ундади.

Большевиклар тузумига қарши миллий-озодлик ҳаракати бошланди. Аммо «босмачилик ҳаракати» номи билан аталган бу ҳаракат кўп ўтмай боши берк кўчага кириб қолди. Қўрбошилар бирлашиш ва халқ манфаатини ҳимоя қилиш ўрнига бир-бирларига чоқ қазиш билан овора бўлдилар. Большевиклар эса «босмачилар»га қарши кураш баҳонасида халқни қириш ва талаш йўлига ўтди. Чўлпон шундай даҳшатли шароитда Шўро давлати билан муроса қилишдан ўзга чора йўқлигини сизди. Шу ҳол унинг ижодида ҳам ўз аксини топа бошлади. У ҳатто октябрга, большевикларнинг инқилобий байрамларига бағишланган шеърлар-да ёзди. Лекин у большевизм Шарқ халқларининг, хусусан, ўзбек халқининг бошига битган бало эканини билиб-сезиб яшади. 1938 йил 4 октябрда НКВД ходимлари қўлида ҳалок бўлганида ҳам уни шу ишонч тарк этмаганди.

Чўлпоннинг ушбу жилддан ўрин олган шеърларини ўқиганимизда масаланинг шу томонини ёдда тутишимиз ва бу дунёдан фарёд чекиб ўтган шоирга таъна тошларини отмаслигимиз лозим.

\* \* \*

Чўлпон бор-йўғи қирқ йил умр кўрди. Шу қисқа умрнинг катта қисми тазйиқ ва таҳдид остида кечди. ГПУ-НКВД ходимларининг доимий назорати ва қамалиш хавфи остида яшаган Чўлпон 20-йиллар ўрталаридан эркин ижод қилиш

имконига эга бўлмади. Айғоқчилар унинг ҳар бир қадамини назорат қилибгина қолмай, ёзган янги асарларини ўғирлашдан ҳам тоймадилар. Уларнинг бундай хатти-ҳаракатларидан озор чеккан шоир қўлёмаларини ёстиқ ичига солиб шу ёстиқни ўзи билан бирга олиб юрадиган бўлди. Буни сезган айғоқчилар шу ёстиқни ҳам ичидаги барча қўлёмалари билан ўғирлаб кетдилар. Чўлпон НКВД ходимларининг қўлига тушиб, қариндош-уруғларига озор етказмаслиги учун, саодатсиз ҳаётининг сўнгги кунларида Андижонга бориб ота хонадонига яширган қўлёмаларини ёқиб кул қилиб қайтди...

Чўлпон асарлари қўлёмаларининг шундай фожиали тақдирига қарамай, ундан катта адабий мерос қолган. Шу мерос орасида 1 роман, 1 қисса, 20 дан зиёд ҳикоя ва очерк, 300 дан зиёд шеър, бир неча драма, 60 дан зиёд публицистик ва адабий-танқидий мақолалар бор. Бундан ташқари, Чўлпон таржимон сифатида шундай баракали ишлаганки, унинг У.Шекспир, А.С.Пушкин, Н.В.Гоголь, И.С.Тургенев, Иван Франко, А.П.Чехов, Л.Андреев, М.Горький, А.Серафимович, Р.Тагор, А.Лоҳутий сингари шоир ва ёзувчиларнинг машҳур асарларини қачон таржима қилиб улгурганига ақл бовар қилмайди. Ҳолбуки, қанд хасталигига мубтало бўлган, ҳаётнинг ҳузур-ҳаловатларидан маҳрум шоир умрининг сўнгги йилларида қўли ишга бормаётганини кўп бор дўстларига айтган.

Ўтган асрнинг 50-йиллари охирида Шўро давлати томонидан қатағон қилинган бир гуруҳ ёзувчилар «оқлана» бошладди. Лекин Чўлпоннинг «оқланиши» ғоят офир кечди. Унинг 1921 йили ёзган «Бузилган ўлкага» сингари шеърларини дастак қилиб олган кимсалар оташин шоирнинг «оқланиши»га узоқ йиллар давомида тиш-тирноқлари билан қаршилик кўрсатиб келдилар. Фақат 90-йиллар арафасидагина Чўлпонни ёзувчи сифатида ҳам «оқлаш» имконияти туғилди.

Ўтган давр ичида улуг шоирнинг бир неча асарлари нашр қилиниб, улар том маънода ўзбек халқининг бадиий мулкига айланди. Лекин Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида нашрга тайёрланган Чўлпоннинг ўн жилдлик

асарлари ҳанузга қадар дунё юзини кўрмай турибди. Шояд, «Академнашр» раҳбариятининг ёрдами, Чўлпон жамоат фонди, шоирнинг жияни Хотамжон ҳожи Мирзахўжаев саъй-ҳаракати билан тайёрланган ушбу тўрт жилдлик Чўлпон «Асарлар»-нинг нашр этилиши унинг ҳам йўлини очиб юборса...

Чўлпон бутун умрини халқимизнинг мустамлакачилик кишанларидан халос бўлиб, эмин-эркин яшаши ва миллий тараққиёт йўлига чиқиб олишига бағишлаган, миллий адабиётимизни юксак довонга олиб чиққан улуғ шоир, ёзувчи, драматург, адабиётшунос ва санъатшунос олим эди.

Чўлпондек улуғ ижодкорлар хотирасини ардоқлаб, улар яратган дурдоналардаги руҳий ва маънавий гўзаллик ҳамда бадий латофатдан баҳраманд бўлиш авлодларнинг шарафли бурчидир.

**Наим Каримов,**  
*филология фанлари доктори,*  
*профессор*

*Шеърлар*  
*Мансуралар*  
*Шеърий хатлар*

## БАҲОР АВВАЛЛАРИ

Қоронғу қиш қора кун, қора тунларин устимиздан кўтариб чиқиб кетди. Чиройлик ёруғли, иссиқ офтоб (шоирларча айтганда) нозлик қиздай кулиб турадир. Қишнинг зулминдан қочиб узоқ ерларга кетган қушлар энди келиб, яна устимизда учуб ва қанотларин қоқушиб юрмоққа бошладилар. Улар ҳозирда ҳаммаси ўзларининг болалари учун уялар солмакда ва оғизларига чўплар топиб дарахт устлариға ташумоқдалар. Уларнинг ширин овозлари қулоқларимиздан кируб бутун руҳимизға таъсир қила бошлади. Шул тариқа баҳорнинг шафқатли ва марҳаматли офтоби қишнинг зулмиға голиб келгонга ўхшайдир. Энди қишда қоп-қора меҳмонхоналарнинг ўртасига гуруллатиб ўтти ёқиб, ўт атрофида ўтуруб, ҳар хил беҳуда гаплар ила қишни ўткарган деҳқон тоға ва акаларимиз эрта билан туруб, елкага кетмонни солиб, бир қўлға қумгон, чой, нон олиб, йўл бўйи ашула қилиб ишламоқ учун далага кетадурлар. Шунга ўхшаш қишда зинталиқ меҳмонхоналарда қалин кўрначалар устида, катта ўчоқлар олдида чиройлик-чиройлик болаларга каклику кабобларни қилдируб, ўзларини кўнгиллари тортгон дўстларини чақириб, ҳалиги ширин кабоблардан ейуб, қиш ичи семириб чиққан бойларимиз ҳам ёздаги сурукға пул истаб банкға қараб югурадилар.

*Ш е ь р:*

*Миллат гами ҳам қарз, гами эсга тушарму?*

*Кўрна қалин, пишса кабоб, бўлса жувонлар.*

Қиш ичинда мактабларда тиришуб, тирмашуб ўқиган шогирдлар баҳорнинг келаётганига севиниб ва онинг латиф шамолига қараб: «Эй баҳор! Эй ёз! Тез кел, қиш ичи ўқуб, ўқуб зерикдик биз ҳам имтиҳон вақтига яна тирмашуб, дарсларни тайёр қиламиз. Сен ҳам латиф шамолларинг ва шафқатли офтобинг ила тез кел!

*Ш е ь р:*

*Шогирд тиришуб қиш ичида яхши ўқирса,  
Ёз вақти юрар сайр этиб жумла жаҳонлар.*

Бу муносабат ила қиш ичида ўқутуб зериккан муаллим ҳам имтиҳонни ўтказгандан кейин бўлатурғон саёҳатнинг плонини тайёрлаб турадур.

*Ш е ь р:*

*Муаллим имтиҳон яхши чиқиб турса гар мақбул,  
Саёҳатни плонин кўрсатур ул вақт ҳамёнлар.*

Мударрисларимиз қишда тушган тўн, чойларни ҳисобламакда, шаҳарлардаги қоп-қора самоворлар очилуб, хуш ёқмас халқ самоворларга йиғилмакдадурлар.

*Ш е ь р:*

*Ичинг чой, ўтиринг беҳуда гийбат сотиб, эй халқ,  
Келур қиш бир вақт, қолмас сизга бу давру давронлар.*

## ТУРКИСТОНЛИ ҚАРДОШЛАРИМИЗГА

Илму маърифат ҳам ҳунардин қолди маҳрум бизни халқ,  
Маърифатсизлик балосига йўлиқгон бизни халқ.

Бир киши миллатпараст ўлса, деюрлар «дахрий» деб,  
Бир киши миллатни сўкса, иззат айлар бизни халқ.

Мақтаб ўрнига очилди ҳар маҳаллада майхона,  
Нафрат этмак нари турсун, шоду хандон бизни халқ.

Мақтаба йўқ бир тийини, тўйга минг сўмлаб берур,  
Чораси мушкул касалга мубталодир бизни халқ.

Ибрат олмайдир бошига шунча кулфат келса ҳам,  
Мисли бир калтак йўқотган кўрга ўхшар бизни халқ.

Кўр-да фарқ айлар тўғри ила нотўғрини,  
Тўғри йўлга бошласанг-да, эгри хоҳлар бизни халқ.

Ҳар шаҳарда ихтилофдин, «жиққамуш»дин сўз бўлур,  
Иттифоқдин сўз очилса, мисли қуён бизни халқ.

Орзу қилмас ўғлими мактабда айлай тарбия,  
Тўй қилуб, карнай чолурни орзу айлар бизни халқ.

Бошқа миллатлар солурлар ҳар маҳалда мадраса,  
Онларнинг аксига солгон чойхоналар бизни халқ.

Бошқалар бонка очуб, савдо қилуб пул топса-да,  
Топганини шунда берур, оч-яланғоч бизни халқ.

Кес сўзингни, эй қалам, бас, шунча фарёдинг етар,  
Кўб бақирсанг, оғизга тошларни отгай бизни халқ.

## УМИД

Кезар эдим Туркистоннинг боғларини,  
Турли мева билан тўлган боғларини,  
Кенг саҳросин, чўлистонин сайрон эдуб  
Тинглар эдим турк халқининг оҳларини.

Қорли тоғда арча бўлиб ўсар эдим,  
Турк қавмини қўлтуғима қучар эдим,  
Қозоқ, қирғиз, ўзбекларни қолдирмайча  
Ғарбга тоба оққуш бўлиб учар эдим.

Саҳродаги карвонларни жияр эдим,  
Юк ўрнига ўсмирларни туяр эдим.  
Шарқлиларга ғурурланиб кўкрак керган  
Маорифнинг ўртасина қўяр эдим.

Ошар эдим, кўк қопусун очар эдим,  
Туркистонга илм нурин сочар эдим.  
Чўлистонин, саҳроларин нурга қоплаб,  
Роҳатланиб мана шунда яшар эдим.

Олтой тови бўйларинда юрар эдим,  
Тиёншонга оқ чодирни қурар эдим.  
Туркистоннинг ўтканларин кўриб турғон  
Хон тангридан<sup>1</sup> шу сўзларни сўрар эдим:

«Айт-чи менга, қайда сенинг ўтканларинг,  
Шарқдан Ғарбга шовлаб оққан улуғ шонинг?  
Куну туни илм учун жонин берган,  
Қайда кетди, қайга учди эранларинг?»

<sup>1</sup> Хон тангри – Тиёншон тоғининг энг баланд нуқтаси (*Чулпон изоҳи*).



# МАЪРИФАТПАРВАР БОБОМИЗ ИСМОИЛ ҒАСПИРИНСКИЙ ҲАЗРАТЛАРИ ҲАҚИНДА ТАЪЗИЯНОМАМИЗ

Муттақои аҳли ислом эрдингиз,  
Миллатимиз йўлида жон эрдингиз.

Эй бизи уйғотгучи устодимиз,  
Ифтихори равнақи исломимиз.

Эскиларни қилдингизким тор-мор,  
Жойингиз жаннатда бўлсун барқарор.

Олтмиш бешда сиза етти ажал,  
Бу ажал нўш этказубдур бемаҳал.

Миллатинг порлоқ чароғи ўчти, оҳ,  
Биз жужуқларни бобоси кўчти, оҳ.

Эй Ҳамидий, қил дуони доимо,  
Васфингга ожиз эрурмиз оҳу оҳ.

## ҚИЗИЛ БАЙРОҚ

*Низомиддин Асомий ўртоққа*

Қизил байроқ!..

Ана, қандай силкиллайдн шамолда,  
Гўё уни саломлайди қибла ёқнинг шамоли.  
Камбағалга на саодат уни кўрмак бу ҳолда,  
Ҳам ҳаққи бор камбағалнинг, чунки ўзининг моли.

Уни олиб чиқмоқ учун қоронғудан ёруққа  
Дарёлардай оқмадими камбағалнинг қонлари?  
Уни олиб бермоқ учун мазлум, ожиз бу халққа  
Қолмадими Сибирларда ишчиларнинг жонлари?

Сиз, буржуйлар, кибор синфлар, яқин келманг байроққа,  
Сиз эмасми илгаридан унинг қонхўр душмани?!  
Энди қора яқин келмас нурлар сачратган оққа,  
Кўпдан энди ўтиб кетди қораларнинг замони!

Қизил байроқ – қип-қизил қон, у қон – ишчилар қони,  
Кибор синфлар, у қонларни тўккан золим жаллодлар.  
Мазлумларнинг энг севгани – ишчиларнинг азони,  
Қулоқларни беркитинглар, кибор синфлар – қаллоблар!..

Ай ол байроқ, сен мазлумлар устларида силкилла,  
Сенинг учун қонлар тўккан, жойлар берган мазлумлар.  
Ишчилардан, аскарлардан, мазлумлардан саломлар,  
Золим бойлар, буржуйлардан дардлар, ғамлар, аламлар.  
Фаришталар, малаклар ҳам ризвонлардан таъвият  
Қаламимдан, қоғозимдан ҳам ўзимдан мўжаббат!

# ЎЗБЕКЛАР ҲАМ ТУРКИСТОН

## Ўзбеклар

Улуғ Туркистон, сенга не бўлди?  
Сабабу вақтсиз гулларинг сўлди?

Ажал келмасдан нега сен ўлдинг?  
Салқин қабрга нечун кўмилдинг?

Ёшлик вақтингда даврон сурмийча,  
Тинчу роҳатлик бир-да кўрмийча,

Қабрга кирув замонинг тугил,  
Сенинг йўқлиққа очина кўнгил.

Сенинг элларинг вайрон бўлдилар,  
Бутун бу олам ҳайрон қолдилар.

Ўзбекнинг эли тамом бузулди,  
Олғи кунина умид узулди.

Буюк товларинг қорлари битди,  
Кўллар, дарёлар – бари-да кетди.

Зўр-зўр саҳролар ишдан чиқдилар,  
Чаманзорларинг чўллик бўлдилар.

Гулистонингда булбул сайраминий,  
Бошқа қушлар ҳам бурлиб қарамий.

Не учун булай бизлар бузулдик?  
Ҳайвон ратина нега тизилдик?

Алла инқироз бизга келами?  
Ўзбек элининг ўти сўнами?

Айт-чи бизларга бунинг сабабин,  
Сиздан кутабиз бунинг жавобин.

## Туркистон

Азиз болалар, сўзни тинглангиз,  
Меним айтканни яхши онглангиз.

Мен бу ўринда ҳозирга ётдим,  
Вақтли кунин-да етканин кутдим.

Йўққа бурчулманг, ҳеч бир ўлмадим,  
Вақтлиғина бунда йиқулдим.

Яхши эшитам сизни товушни,  
Ичимда сезам улуғ бир ишни.

Сиздан сўрийман баъзи бир сўзни,  
Сизлар берингиз шунгор жавобни.

Меним қолдиргон ҳайрат ишларим,  
Алда борларми мадрасаларим?

Онда шогирдлар алди ўқийми?  
Фисқ-фасодни олар қилмийми?

Мадрасаларда мударрис борми?  
Адолат бирлан дарс айталарми?

Замон керагин олар билами?  
Илло, бўлмаса йўққа юрами?

Нечик ҳукм эта халққа қозилар?  
Ўзбекнинг элин биларми «бий»лар?

Алда борларми ҳимматли бойлар?  
Фақирлар учун шафқатли оғойлар?

Ўзбекнинг эли иттифоқдами?  
Йўқса, ўз ора ниқ нифоқдами?

Жавоб берингиз ушбу сўзларга,  
Тўғри айтсангиз, раҳмат сизларга!

## Ўзбеклар

Улуғ Туркистон, йўқдир сўзимиз,  
Сенинг олдингда қора юзимиз.

Сени пичротган бизлар(дур) бадбахт,  
Бизга яхшилик бўлмас(дир) ҳеч вақт.

Мадрасаларинг, ҳайрат ишларинг,  
Сенинг қолдирган зўр неъматларинг,

Олар бариси хароба бўлган,  
Ўзбек эли-да бори-да битган.

Зўр мударрислар ҳеч бир кўринмий,  
Халқнинг ҳожатин олар ўтамий.

Шогирдлар бўлса беграк тек ёта,  
Умрлар ўта сотиб сафсата.

Қозилар, бийлар адолатсизлар,  
Олар зулмидан қон тўла кўзлар.

Ҳайрот ияси халқда кўринмий,  
Ондай кишилар бир-да билинмий.

Иттифоқсизлик беграк кучайган,  
Ўз ора даъвий тағин кўбайган.

Улуғ Туркистон, сизга жавоб шул,  
Энди бизларга ёрдамчимиз бўл.

Ҳурматли бобо, чиқ-чи бизларга,  
Ишониб бизлар келдик сизларга.

Бу инқироздан бизни қутқар-чи,  
Бўл-чи бизларга ўзинг йўлбошчи.

Тўзмади бобо, турди ўрнидан,  
Учли бўркини бошига кийган.

Бурилди, боқди ўзбекларина,  
Читди юзини бекзодаларина.

Деди: «Турингиз, бирга бўлингиз,  
Ғарб сафарина бирга юрингиз».

Кетдилар бирга йироқ сафарга,  
Худо йўл берсин туркистонийларга.

Оқ бўз отини минди Туркистон,  
Сувсиз саҳролар бўлди гулистон.

Белинда камар, қўлида байроқ,  
Улуғ Туркистон, йўлинг бўлсин оқ!

## ОЗОД ТУРК БАЙРАМИ

Кўз очинг, боқинг ҳар ён!  
Қардошлар, қандай замон!  
Шодликка тўлди жаҳон!  
Фидо бу кунларга жон!

Н а қ а р о т:

Туркистонлик – шонимиз, туронлик – унвонимиз,  
Ватан – бизнинг жонимиз, фидо ўлсун қонимиз!

Бизлар темир жонлимиз!  
Шавкатлимиз, шонлимиз!  
Номусли, виждонлимиз!  
Қайнаган турк қонлимиз!

Н а қ а р о т.

Бўлди кенглик, зўрлик йўқ,  
Берилди бизга ҳуқуқ!  
Тараққийга йўл очуқ!  
Жаҳолатга йўл ёпуқ!

Н а қ а р о т.

Мухторият олинди,  
Ишлар йўлга солинди,  
Миллий маршлар чолинди,  
Душман ўртансун энди!

Н а қ а р о т.

Шодлик, хурсандчилик чоғлар,  
Кетсун юракдан доғлар,  
Ватан боғиндан зоғлар!  
Селкулласун байроғлар!

## Н а қ а р о т.

Хуррият – байроғимиз,  
Адолат – ўртоғимиз,  
Хурсанд бўлган чоғимиз  
Мевалансун боғимиз!

## Н а қ а р о т.

Турк бешиги – Туркистон!  
Ери олтун, тоғлари кон!  
Болалари қаҳрамон!  
Ватан учун берур жон.

## Н а қ а р о т:

Туркистонлик – шонимиз, туронлик – унвонимиз,  
Ватан – бизнинг жонимиз, фидо ўлсун қошимиз!



## ШУЛАЙ ВИТАМИЗ!

Севиклим.

Акрин, акрин тонг отадир, қичқиралар тинмайча ҳар тарафда кўп отачлар. «Ётма, тур, уйғон!» – деюб кимдир айта қулоғима, ё билиб, ё билмийча:

– Суюкли жонинг сенинг ёлғиз, нечук қолғон? – деюб.

Эй шулай акрингина тонг ота, кўк юзиндаги у оқ юлдузлар бирин-бирин йўқолалар. Отачлар – Худойнинг сўфи махлуқлари – аллақаерлардан қичқиралар:

«Эй бандалар, туриб Худойнингизга ибодат қилингиз, шундай бир вақтда, яқтилик қоронғуликға голиб келган вақтда, сиз нега уялмийча юқлайсиз? Бу тонг сизга тилаган нарсангизни бера: шоирга шеър, ошиққа ишқ ва унинг суйганини: музикантга мунгли куйлар илҳом эта...

Айтингиз, биродарлар! Тилаганингизни тобарсиз».

Мана шу вақтда менга жинми, парими, ниқдийдир бир нарса мени танибми, танимийчами сўйлий:

«Тур сен ўрнингдан! Суюклигингга хат ёзарға тилайдир эдинг. Ёз, мана сенга ёзарға вақт. Сенинг ул суюклигинг аллақаерларда сенинг аламлар, дардлар билан маъюс бўлиб ўзи ёлғиз ўлтира. Сендан «ҳаёт суви» кута, бермийсинми?» – дей.

Суюклим!

Унутмаған бўлсанг билурсинг, менга қачондир айтган эдинг: «Сен мени унутарсанг», – деб. Ул сўзларингни ҳали мен ҳеч бир ҳарфин-да унутмадим ҳам унутмажакман. Нега олой бўлғач, мен сени, ўзингни нечук унута оларман, сени унутув мени битувим эмасми?

Шулай. Сен айтарсан: «Нега алай бўлғач келмадинг?» – деб. Менинг қора муҳитда, тор турмушда эзилувимни ўзинг бик гўзал биласан. Шунга кўра энди ул сўзни-да айталолмассинг... энди икибизга не қола? Энди икибизга: сен анда, мен бунда гуриб ҳар икибизга-да куярга, эзиларға, битарғагина қола... Бошқача йўл йўқ...

Авф эт, суюклим!

Хўш, суюклим, мен ёзувдан тўқталам, битди кучим, мен ёзолмим, мен чидолмим, қўлларим дирр-дирр қолтирий. Душманим ким? Мен билолмим. Мен олам кимдан ўчим? Йўқ умид, кутган умидим бик йироқда ялтирай. Умид йироқ бик, қачон ётабиз? Бизга бир йўл тик, шулай битамиз!

*Сенинг: «Х.С.»инг*

\* \* \*

Келди қарға, очди оғзин, қичқириб ғоғолади,  
Кўзларини ўйнатиб кимдир бировни излади.

Мен яқин бордим: «Йўқми суюкликдан хабар?»  
«Мен, – деди, – ўйнаб келардим, бир хабар бўлса агар».

Ерга эгдим бошларимни, сўлди тўлган юзларим,  
Қарғани учганлигин кўрди бу бахтсиз кўзларим.

Ўйна-ўйна, ўйна, денгиз, қийнама шов-шув қилиб,  
Қайғу вақтинда азоб берма юракларни тилиб.

## ШАРҚ НУРИ

*Мулланур Воҳидов руҳига*

Сўнг даврда йўқсул Шарқнинг тарихи  
Бир бет бўлсин оқ сатрни кўрмади.  
Дунё тарихини ёзган муаррих  
Яхшиликка қаламини бурмади.

Шарқнинг қайси бурчагини қарасанг  
Йўқлик, ўлим, зулм, қарғиш кўрардинг.  
«Томуғ» деган сўзни билмак истасанг  
Шарқни бошдан-оёққача юрардинг.

Бир замонлар ер юзинда ўз бошли  
Улуғ, шонли, маданият тугдирган  
У гўзал Шарқ, ширин тупроқ сўнг замон  
Бўлди четлар панжасида кўзёшли...

Унинг бундай қизғоничли ҳолига  
Ҳар кимдан кўп қон йиғлаган сен эдинг,  
Уни эзган йиртқич қўлли маъзинга  
Сен улуғ ёв, сен мужассам кин эдинг.

Инсонликка саодатнинг бирдан-бир  
Тўғри йўлин кўрсатгучи Маркеди,  
Бироқ Шарққа қутулишнинг йўлини  
Кўрсатгучи улуғ доҳий сен эдинг,  
Сендек киши Шарқ элига танқисди.

Пок сийнангга ўқ отувчи душманлар,  
Ўйламаки, бир ўзингнинг душманинг;  
У душманлар бутун Шарқнинг душмани.  
Кўпдан ичиб келган қонларин унинг.

Кун ҳам Шарқдан, ой ҳам Шарқдан чиқадир,  
Бироқ бир сен Фарбда чиқдинг ва ботдинг;  
Шунинг учун меним шарқлик руҳимда  
Ажиб мудҳиш, қўрқунч туйғу уйғотдинг.

Шарқнинг куни кирса булут остига,  
Сенинг сўнук кунларингни ўйлайман,  
Ботиб борган ойга қараб: «Ай йўқсул,  
У улуғ нур сенмасму?» – деб сўрайман.

Эҳтимолдир, сени ҳар бир нарсадан  
Азиз кўрган, у сен суйган, йўқсул Шарқ,  
Руҳларингни ой ўрнига қўйгандир,  
Балки, бизнинг кўзларимиз қилмас фарқ...

Менинг шарқлик кўзим сенинг руҳингни  
Шарқнинг ҳар бир бурчагида кўрадир,  
Тўғри, сенинг у шарқсуяр руҳларинг  
Ал-Ҳумрода, саройларда юрадир.

Энди ундан учиб ўтди Мисрнинг  
Сирлар тўлиб оққан Нили бўйига;  
Нилни бўйлаб келиб кирди у руҳинг  
Фаллоҳларнинг қашшоқларча тўйига.

Ундан ўтиб Суриянинг Шомига  
Аср кўрган кўчаларни айланди;  
Шу минутда Ҳимолая тоғида  
Ҳинд қизига йигитликка сайланди.

Кеча кўрдим уни: Будда ёнида  
Риёзатнинг фойдасини ўқурди;  
Ўтган куни Нишопурда – боқчада  
Хайём билан ишқий шеър тўқурди.

Ўтган ҳафта Чин-Мочиннинг юртида  
Конфуцию фалсафасин эшитди.  
Бу ҳафтада Эрон бориб Зардуштга  
Нича билан қалайсиз деб тегишди...

Ҳиндистонда Бедил билан юрганин  
Менинг шарқлик кўзим аниқ кўрмишди;  
Аламутининг тепасида юрганда  
Меним руҳим орқасида юрмишди...

Шунинг учун суяр сени бутун Шарқ,  
Сен Шарқмисан, Шарқ сенмидир, билофарқ.

1919

## ЎЗБЕГИМ

Сўлқиллаб келасан, ўзбегим,  
Маърифат отига отланиб,  
Бир мири топган боладай  
Оғзингни иржайтиб... суюниб!

Дунёда ҳамма халқ қизиққан  
Гавҳардек бебаҳо от эдинг.  
Хуррият бўлганда сен келдинг  
Минайин семирган отга деб.

Оғзингга «маллалар» бир тепди  
«Маърифат ҳаромдир сартга», – деб...  
Оғзингдан қон келди, йиғладинг,  
Кўзингдан заҳарли ёш келди.

Кўраман: охирда минибсан,  
Чарчаган бўлса-да, отингга.  
Тангрига шукр қил, юра бер  
Кўз солиб, ўнгингга, чапингга!

Тез тузат, оҳ... мана бир хатонг:  
Отингни чопасан шаҳарда.  
Қишлоқда фақирлар кутади –  
Кечада, кундузда, саҳарда!

Билгилким, ҳаётинг, томиринг,  
Ўзбегим, камбағал қишлоқда.  
Қишлоқда чопасан отингни,  
Чопишинг беҳуда тошлоқда!..

## ГҮЗАЛ

Қоронғу кечада кўкка кўз тикиб  
Энг ёруғ юлдуздан сени сўраймен.  
Ул юлдуз уялиб, бошини букуб,  
Айтадур: «Мен уни тушда кўрамен.  
Тушимда кўрамен – шунчалар гўзал,  
Биздан-да гўзалдир, ойдан-да гўзал!»

Кўзимни оламен ой чиққан ёққа,  
Бошлаймен ойдан-да сени сўрмоққа,  
Ул-да айтадирки: «Бир қизил яноққа  
Учрадим тушимда кўмилган оққа!  
Оққа кўмилганда шунчалар гўзал,  
Мендан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!»

Эрта тонг шамоли сочларин ёйиб  
Ёнимдан ўтганда сўраб кўрамен.  
Айтадир: «Бир кўриб йўлимдан озиб  
Тоғ ва тошлар ичра истаб юрамен!  
Бир кўрдим мен уни – шунчалар гўзал,  
Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!»

Ул кетгач, кун чиқар ёруғлик сочиб,  
Ундан-да сўраймен сенинг тўғрингда.  
Ул-да уятдан бекиниб, қочиб  
Айтадир: «Бир кўрдим, тушдамас ўнгда,  
Мен ўнгда кўрганда шунчалар гўзал,  
Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!»

Мен йўқсил на бўлиб уни севибмен,  
Унинг-чун ёнибмен, ёниб-куйибмен,  
Бошимни зўр ишга бериб қўйибмен,  
Мен суйиб... мен суйиб кимни суйибмен?  
Мен суйган «суюкли» шунчалар гўзал,  
Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!



## ЯНГИ ШАРҚ

Эски Шарқнинг бўйнидаги қулликнинг  
Занжирларин узуб ташлар Янги Шарқ.  
Шарқ халқининг бўйнидаги зўрликнинг  
Асосларин бузуб ташлар Янги Шарқ.

Шунинг учун Ҳиндиқушнинг арслони –  
Кўҳ Сулаймон қоплонлари – афғонлар  
Қўлларига олуб қилич, найзани  
Ҳинд йўлинда оқиздилар ол қонлар...

Шунинг учун Ҳимолоё эрлари –  
Ҳинд юртининг арслонлари турдилар;  
Қутулсун деб золимлардан ерлари  
«Золимларга ўлум!» – дея юрдилар...

Шунинг учун Чаноққалъа бўғози  
Яна қайтуб турк қонига ботмакда;  
Шунинг учун турк боласи – бир ғози  
Қизил қоннинг ўртасида ётмакда...

Шунинг учун Нил бўйининг деҳқони –  
Фаллоҳлари тўп остинда қирилди;  
Маликаси ҳинднинг, Миср хоқони  
Қон устинда Нерун каби керилди...

Шунинг учун турк бешиги – Туркистон  
Уйқусиндан кўзин очди, уйғонди.  
Юрагинда турк ишқи бор ҳар бир жон  
Ғазабиндан илон каби тўлғонди...

Қон ичинда сузмакдадир Эски Шарқ,  
Қон устиндан тулуъ этар Янги Шарқ!

## **КИМ ХОР?**

*(Ҳажвий)*

Бу замонда, биродарлар, ким жуда хор,  
Ўлум кутуб кеча-кундуз ким кўб йиғлар?

Буржуй хорми? Йўқ, биродар, буржуй кўб тинч.  
Не десанг, Николайнинг пулидир зич!..

Чинувникми? Чинувник ҳам жуда роҳат,  
Ҳар кун қилур «паматник»ка ул ибодат...

Яна роҳат: самоварчи, айрончиси,  
Кабобчиси, мевачиси, найрангчиси,

Извошчиси, саржинчиси, ўтинчиси,  
Ҳаммадан хор мусулмоннинг «4»инчиси!..

# ШАМОЛ НИМАДАН ПАЙДО БЎЛАДУР?

(Эрмак-кулги)

## 1

Бир шаҳарда, бир мажлиска шул шаҳарнинг ёшлари,  
Эл бошида туратурғон раҳбарлари, «бош»лари  
Йиғилдилар эл қайғусин қайғулашмоқ ўйида,  
Қайғулашиб дардларига даво топмоқ кўйида.  
Бири элнинг бир ғамини айтмакчийди мажлисда,  
Яна бири даво топиб бермакчийди. Шул кечда  
Улус учун, балки, бир зўр ишни бошлаб юборуб  
Қоларларди ўзларига шонли бир ном қозониб...

## 2

Дастурхонга келди ҳар хил мева-чева, қанд, асал,  
Аличадан, клубникдан бўлғон қиём, ҳолвайтар.  
Ундан кейин кабоб келди товоқларда гердайиб!  
Орқасидан ёғлиқ палов: «Мен ҳам кейин қолмай!» – деб..  
Аҳли мажлис таомларга истайини кўрсатди,  
Гуллик, гўзал товоқларни қалтиратди, титратди.  
Бир товоқни сиз кўрсангиз: ранги бутун ўчувди,  
«Биз ҳам энди кетамиз», – деб ширин жондан кечувди...

\* \* \*

Ош вақтида шу ёшларнинг энг биринчи сардори,  
Шоирларнинг, адибларнинг энг машҳури, номдори,  
Бир афанди ҳеч тўхтамай ҳар хил сўзлар сўзлади,  
Сўзлашида, ҳеч шубҳасиз, шуҳрат йўлин кўзлади...  
У дедик: «Биродарлар, бизда йўқдир ҳеч нарса,  
На ҳикоя, на-да рўман, на тиётр, на саҳна!  
«Санъат» деган нафис нарса халқимизга қоронғу,

На музиқи, на пиону, на-да рақса, на танго!..  
Кўп таассуф, ҳеч нарса йўқ... йўқ, ўртоқлар, ярамас!  
Элнинг мундай қолишига эр виждони унамас!  
Бу ишларни ишлайтурган фақирингиз – мана мен  
Улусимни бу қизғончли ҳол ичида қўймаймен.  
Бирг шимарлаб ишга кирсам, кўрасизким, бир йилда  
Танимаслиқ бир ўзгариш вуқуъ бўлиб бу элда..  
Кансертчимизни кўрганда ашулачи Шаляпин  
Ямай олмас, гаранг бўлур, синиб қолғон қанотин..  
Саҳнадаги тараққийға шошиб қолар Қориеф,  
Эманский, «Арабли»лар, кулдургучи Валиеф..  
Айта берсам тамом бўлмас, мақтағондай бўлмасун,  
«Мақтанди» деб душманларим эрмак қилиб кулмасун...»  
«Йўқ, йўқ, – деди бир афанди, – йўқ, йўқ, ўртоқ, йўқ асло,  
Мақтанишмас сўзларингиз, тўғри сўзлар... ва, илло,  
Душман сўзлар, сўзлай берсун, суяксиз тил ўзида,  
Бир чақалик маза йўқдур юз минг оғиз сўзида...»

### 3

Дастурхонлар йиғилди-да, ошлар кетди орадан,  
Сўз сўзлашиш адоқ бўлди энди ҳар хил «қора»дан,  
Энди навбат келди ҳар хил илмий, фанний баҳсларга,  
Уйқу келди, қайғу чўкди... мажлисдаги ёшларга!..

### 4

Шул вақтда кўп соқоллик, боши йўғон, пакана,  
Юм-юмалоқ, тиши кемшик, майда сўзлик, бачкана  
Бир афанди сўз бошлади юз ўгириб адибга,  
Сўзларининг биттаси ҳам тўғри келмасдан эпга..  
«Ука, – деди, – бир сўроғ бор, шунга жавоб берсангиз,  
Шамол недан бўлғонини бизга таъриф қилсангиз».  
Адибимиз ўйланмоқчи бўлиб бошни қашлади  
Ва дедиким: «Ер курраси тўхтамасдан айланар,

Айланишга кеча-кундуз, ойу йиллар боғланар.  
Ер куррамиз, шундай қилиб, айланадир, юрадир,  
Шул айланиш, юришликдан шамол пайдо бўладир!..»  
Аҳли мажлис «тўғри топди» адиббекнинг сўзини,  
«Тўғри айтган» адиббек ҳам пиланглатди кўзини...  
«Шамол недан бўладир?» – деб сўрасангиз агар сиз,  
Ул мажлиснинг ҳар фардидан дарҳол жавоб олурсиз.  
Ул дегайким: «Ер куррамиз тўхтамасдан юрадир,  
Шул юришлик қувватидан шамол пайдо бўладир...»

## 5

Шундан кейин илмий баҳслар керак бўлмай қолдилар,  
Зиёлилар уйга қараб йўлларини олдилар...

## МЕНИНГ ТОВУШИМ

(«Чигатой гурунги» учун)

Қайғу тенгизинда ботуб борамен,  
Қутқазгундай кучлар борми ё йўқми?  
Сўнгги тинишимга етуб борамен,  
Қайтадурган ўчлар борми ё йўқми?

Қоп-қора латтадан ўлик кўйлаги,  
Қип-қизил чўғдан-да ўлим ётоғи,  
Гўрга кўймоқ учун шайтон билаги,  
Сўнгги чангқовимга заҳар бор доғи...

Суйганим ерина – ялмоғиз кампир,  
Ўртоқлар ўрнига шерлар, қоплонлар,  
Тилим занжирланмиш, дерларки: «Гапур!»  
Кўнгилнинг физоси қоп-қора қонлар!

Бирмунча йилдирки қулдай ишладинг,  
Энди озроқ бўшаб, жиндак дам олай.  
Тонг отмай туриб кунни кечлатдинг,  
Кеч бўлса-да, ўзим бир ёлғиз қолай!

«Саодат, яхшилик шу!» – десанг, ишониб  
Ўзим ўз бўйимни бойлаб берайин.  
Тўғрилиқ қуёши чиққанда бўшалиб  
Ўз учмоҳимга ўзим кирайин!..

Йўқ, бўлмас!.. Қаршимда янадан милтиқлар,  
Найзалар қайрала бошлади.  
Кўр ана душманни, ҳисобсиз кўб ўқлар  
Бағримга ирғита бошлади!

Кўр, ана аждарлар, илон ҳам чаёнлар  
Ўт пуркуб, заҳарлар сочдилар.  
«Бағрида кир йўқ», – деб ишонган ёронлар  
Танамдан жирканиб қочдилар...

Қон тўккан, бош кескан, уй йиққан бўлсанг сен  
Эй банда, кел бери, мунда кир!  
Чиндан-да каромат эгаси бўлсанг сен,  
Тур, қўзғал, эй малъун пир...

## ЮРИШ МАРШИ

*Истиқболдаги қизил турк  
зобитларина совга*

Ҳайда, юр, қардош, тоғ дема, тош дема,  
Қизил Турон учун мол ва бош дема!  
Ҳар бир қадамингда қип-қизил қонлар-ла,  
Онанг Турон кутади улуғ шонлар-ла!

Кўп йилги ҳасратлар, қайғулар кўнглина,  
«Кел, қутқар, ўғлим!» – деб ёлинур сенга.  
Бутун умиди сен озод ўғлинда,  
Қутқармай солма қилични қинга!..

Сийнасига ёвларнинг панжалари ботмиш,  
Нозли тани мажруҳдир, қон оқар... ётмиш –  
Оқ тортар, фарёди юракдан чиқадир,  
Кечмишда савлати дунёни йиқадир!..

Кўтар байроғингни, ўйнат қиличингни,  
Солдир душманингга ҳайбатлар сочуб.  
Қаршуларсан роҳат кундуз ҳам кечангни,  
Қизил Туроннинг ёпиқ бахтини очуб!..



## ҲОЙ ОЧ КАМБАҒАЛ!

(Русчадан)

Ҳой, сен, оч камбағал,  
Чиқ ертўладан!  
Шодлик куни келди,  
Кўрмайсанми сан?  
Найзани қўш милтиққа,  
Ўрдага тўғрила тўпни,  
Бошла ҳужумни!  
Тут ўққа,  
От! –  
Ғайрат кўрсат!..  
Эшитасанми, тезотар  
«Трр-трр» тариллар...  
Зувиллаб учмоқда шрапнал...  
Ол тўғри ва сокин мўлжал  
Қасрларга!  
Зеро, улар  
Оғирингга тажассум ҳайкал...  
Кўрасанми, бир тўп ишчилар  
Кавлай бошладилар хандақ,  
Ортиқ мумкин бўлмади чидамақ:  
Қўзғалишдилар!..

\* \* \*

Азиматли пойтахтнинг кўчасига чиқдик биз,  
Қўлимизда даҳшат билан ўйнар найзамиз!..  
Калисонинг осмонга боши тегар тоқлари  
Эрмак қилуб бизни кулди...  
Азиматли қасрларнинг улуғ-улуғ равоқлари,  
Гўзал ёруғ ойналари

... тишланди, хира бўлди...

Ғазаб билан устимизга ҳадеб ўқни ёғдирдилар,  
Аллақайда, йироқ ерда... гуриллатиб зарб бердилар.  
Йироқлардан эшитилди: ихтилолнинг фарёдлари,  
Огоҳликка урадургон жомнинг ҳазин оҳ-додлари.

\* \* \*

Саройларда бойлар бўлса хавфлариндан титрадилар,  
Пўплар бўлса тахт олдиндан бизга лаънат юбордилар...  
Ҳам илоҳлар, ҳам азизлар урсун дея бизнинг ҳақда  
Ҳадеб тилак тиладилар.  
Бизнинг устда сайҳа билан ёрилдилар шрапналлар,  
Тошларни ҳам парчалади теккан ўқлар,  
Бир ҳафта.  
Энг охирида  
Биз енгдик-да!..

\* \* \*

Ҳой, оч камбағал,  
Ғалаба байрамини шодлик билан ўткар!  
Кечмишда ғазаб, фалокат,  
Айт «Ҳуррият ашуласи»ни!  
Қизил байроқ –  
Юқорироқ!  
Малаклар қилур хитоб:  
«Чиқар офтоб,  
Чачар шўъласини!..»

---

\* Ўқиб бўлмади.

## ЎЧ...

*Табибим Муҳаммад Саидга бағишлаб*

Олайтирма кўзларингни, дажжол,  
Зўр оғзингдан оташ сочма, аждар,  
Малъун душман, сен-да қилма жанжал,  
Кучлик ўчим қўймас сизни, ҳайдар...

Таним заиф... қоним йўқ... мен хаста,  
Шунинг учун қутурарсиз, эркин...  
Қувватланар... қонга тўлар ... хаста,  
Эзар сизни, янчар... келар бир кун!

Муҳаммад Саид!

Юракдаги амалимининг юлдузи  
Сенинг эзгу қўлларингда нур сочди,  
Хаёлимнинг қора кийган ҳур қизи  
Парда тўсган юзин сенга очди!..

## ҲУКМ КУНИДА

*(Золимлар ҳукми олдинда турган  
қизил можар қардошларимиз учун)*

Кенг, эркин, ҳур Можаристон  
Ёвларнинг кириши бирлан  
Бўлди бир қаро зиндон,  
Ўлтирди тахтга шайтон...

Ундаги мазлумлар, бечора –  
Камбағал халқ учун ёнғон  
Қаҳрамон эрларни... оҳ, ана, бир қара,  
«Ҳокимлар» олдида турғон...

«Ҳокимлар» олдида турғон,  
Юзлари қайғули, маъюс...  
Ўйлама, «ўлимдан қўрққан»,  
Ўйлама, сўйлама, тек, суст!..

Улар ҳеч қўрқмаслар ўлимдан,  
Уларга яшамак, ўлмак –  
Энг оддий бир нарса... йўлиндан –  
Номусдир, жиноят – қайтмоқ!  
Номусдир!

Маҳзундир...  
Маъюсдир...  
Қайғули... юзлари,  
Негаким байроқлар тушди,  
Бўш қолди орқада муқаддас излари...  
Ҳокимлик «олтин»га кўчди...

Кўнгиллар ўйлайдир бу аччиғ ўйларни,  
Йиғлайдир ёш тўкиб бу кўзлар.  
Фақирлар қонинда бўлаётқон тўйларни  
Кўрганда сўладир юзлар.

Юзлари қайғули, кўзлари ёшлидир,  
Ўзлари қаҳрамон, дадил,  
Қурамас ўлимни – дўстлари саслидир,  
Дунёни титратар у эл...

Эй ҳоким,  
Эй хоқон,  
Эй қирол,  
Эй шайтон,  
Ҳукм этар,  
Қутулар  
Кунингдек бу кун.  
Тантананг, дабдабанг олмасин ёддан:  
Ўч олиш куни бор, у кун!

Ул кунда тўқулуб кўп қонлар, кўп жонлар  
Сенинг-чун этилур қурбон.  
Охирда ёлқирар юлдузлар, имонлар –  
Покланар, оқланар виждон!  
Қутулар энди шўрингдан, зулмингдан,  
Эй шайтон,  
Инграган инсон!..

## ҚИЗИЛ БАЙНАЛМИЛАЛ

- Ҳаво бузуқ!..
- Кўк юзида қоп-қора
- Кўмир каби қатор-қатор булутлар;
- Иблисларнинг кўзларидай оп-ола ёнган нима?
- Олтин ўчоқда ўтлар...

Ҳаво бузуқ ... Тўғри, Шарқнинг ҳавоси  
 Неча йилдир жуда ёмон бузилган;  
 Уни бузган оппоқ қўллар жафоси  
 Ёзмишига қора чизиқ чизилган...  
 Кўк юзида қатор-қатор чизилган  
 Кўмир каби булутлари – ёт эллар;  
 Ул элларнинг қуллигида эзилган  
 Шарқ эллари... бузуқ, қуруқ кўп ерлар...  
 Шарқ эллари асир каби ишлайлар  
 Бир ҳовуч ҳам келмайдиган халқ учун;  
 «Бир ҳовучлар» казо-казо хашлайлар  
 «Маданият топган», – деганлар учун...

Шарқли киши қатиқ еса, нон топмас,  
 Нон тополса, қуруқ нон бор, чойи йўқ;  
 «Бир ҳовучлар» емагига ном топмас,  
 Бойликларни сиғдиришга жойи йўқ...  
 Шарқда, мана, бир оила ичида  
 Олти-етти киши очдан ўлмишдир.

Ана, қара ёш боғчанинг ичида  
 Кўп чечаклар очилмасдан сўлмишдир.

Қара, Ғарбни: базмгоҳ-ла боғчалар  
Қизил юзли одамлар-ла тўлуғдир...  
Унда маъбуд қаторида оқчалар,  
Шунинг учун оқчалилар улуғдир...  
Ресторанлар, боғчаларда бузуқлик,  
Исрофларнинг охири йўқ, чеки йўқ;  
Ҳар бир ерда поклик ҳамда тузуклик  
Қисқа мақол – «Саодатнинг беки йўқ».  
Шарқ элига қутулишга йўл йўқми?  
Унга ҳеч ким шафқат кўзин солмасми?  
Ғарблиларда инсоф, виждон ҳеч йўқми,  
Бирор қувват бу зулмни олмасми?

– Илгарида бўлмаса ҳам, энди бор  
Ғарб устида бош кўтарган улуғ куч.  
Ул кучдирки, мазлумларга йўл очар,  
Золимларга наъра тортар:  
– Ўч, ўч, ўч!

Бир йилдирки кўк юзида туғилди  
Қизил қонлар орасидан «қизил ой»,  
Бир тарафдан қаҳр, зулмат қувилди.  
Шарқни яна ул «қизил ой» қутқаргай...  
Ортиқ етар эзилганинг, аё Шарқ,  
Қанот қоқиб ойга қараб юксал;  
Асирликдан қутулмоққа зўр шарт:  
– Қўлда яроғ, тилда «Байналмилал».

## ТОНГ

«Сайра, – дедим, – қайғу чеккан ай булбул,  
Кўнглингдаги қайғу-ҳасратларингни.  
Булбул деди: «Тонг отсин-да, ерни  
Ясантисин маним маъшуқам: Гул!»

«Эй чўзанақ, – дедим, – жонсиз ётма,  
Қанотчангни визиллатиб учгил –  
Учиб гулзорларга бориб тушгил!»  
Деди: «Ғофил, тонг отгунча шошма!»

Дедим: «Ялқов деҳқон, олиб кетаман,  
Юр далага қўш ҳўкизни ҳайдаб!»  
Ётган ердан деҳқон бошин чайқаб  
Деди: «Ҳеч ким бормас, олдин тонгдан!»

«Уйғон, – дедим, – тўлғон, – дедим, – ай Шарқ,  
Занжирларни узиш вақти келди.  
Эрк олишга «вақт»лаган боди,  
Шунинг учун тўлқинланди кўп халқ.

Бу кун кураш, талашдурким, бундан  
Енгиб чиққан бир умрлик эркин.  
Енгилганлар бу курашда лекин  
Йўқ дунёга сурурлар элдан!»

Шарқ дедиким: «Сен ўргатма бизга,  
Биз ўргандик уни кечмишлардан.  
Елкадаги оғир занжирлардан:  
«Тўлғон!» – деган буйруқ бўлди бизга.

Кўп қўзғолдик, кўп тўлғондик, бироқ  
Оғир занжирларни узолмадик.  
Қўлимиздан келмай қолди йўртмоқ,  
Зўр тўсиқни ошиб ўтолмадик...



Энди бизга кутмоқ керак бўлди  
Бахтимизнинг эшик очишин.  
Амалимиз бизга шуни деди:  
«Кутинг ёруғ тонгнинг отишин!»

Бу ишлардан ўтди бир неча йиллар,  
Чиқиб янги эллар, эскилар битди.  
Эрklarини олди қўлга кўп эллар,  
Кўп элларнинг эса давлати кетди.

Денгиз тўлиб, қайнаб тўлқинлар сочди,  
Бўкирди қутурган арслонга ўхшаб.  
Кўпларга қўйнида қабрлар очди,  
Ўкирди неча йил қонсираб, чанқаб...

Кўп тахтлар йиқилиб, синди кўп тожлар,  
Тож-тахт эгалари қонларга ботди.  
Охири зўр келиб қашшоқлар, очлар,  
Қизил тонг устида эрк тонги отди.

Ҳали ҳам ухласа Шарқдаги эллар,  
Ҳали ҳам ўзгага қул бўлиб турса,  
Нима дер, «хўб» дерми, айтингиз, эрлар,  
Ўроғин кўтариб Азроил келса?

## ХАЁЛИ

Кўнгилдаги муҳаббатнинг учқунин  
Хаёлимнинг бир бурчига беркитдим.  
Ул учқуннинг кучлигидан сийнамда  
Ҳеч тузалмас, оғир яра бор этдим.

Қулоғимга: «ол бахт» деб эшитилган  
Азонларни шайтоний деб ўйладим;  
Шунинг учун бахт берган малакка  
Турли-туман афсоналар сўзладим...

Сочларини ўйнаб туриб эшитди  
Ва дедиким: «Афсоналар беҳуда!»  
Бул сўзлари қулоғимга етишди:  
«Оқдим, – деди, – қонли, зардобли сувда...»

«Оқ-оқ, – деди афсоналар султони, –  
Сенинг тахтинг, бахтинг унда кутади;  
Ул зардобли, қонли сувлар остида  
Қора кийган жонинг жилва этади».

Кет, эй шайтон, босирқадим... қўрқаман;  
Кет-кет. Қилич синган, қалқон тешилган.  
Кўрасанми? Мен эзилган, ётаман,  
Устимга-да бало тоғи йиқилган.

Сўнгги нафас, охирги дам, эй малак,  
Кел, бир қара, сўнгра йиқилсун фалак.

## ШАРҚ ҚИЗИ

*Синглимга*

Айталарким, совуқ, ғамли қора қиш  
Ўтиб кетиб, келмиш чиройлик баҳор.  
Гулга ошиқ бўлиб сайрар эмиш қуш,  
Гул ҳам ул қушларга нозланиб қарар.

Айталар талада ер бети тамом  
Кўм-кўк духобадан кўйлақлар киймиш.  
Хўрозлар чақириб, юзин очса тонг,  
Сабонинг лабини ошиқлар эммиш...

Ҳар кимда бир шодлик, ҳар кимда бир руҳ,  
Ҳар ким кулиб қарар эмиш дунёга.  
Ҳатто чол-бобойлар айталармиш: «Уҳ,  
Чиқиб юрсанг эди ёзги ҳавога!»

Фақат мен бир ўзим, Шарқнинг бир қизи,  
Баҳор келганини кўрмай қоламен.  
Узун, қора қишнинг кетмасдан изи  
Унинг дўсти – кузни кутиб оламен.

Меним учун ёруғ дунё роҳати –  
Тўрт девор ичида кўзлар ўйнатмоқ,  
Меним учун улуг шодлик соати –  
Телба кўкрагимда ўйлар уйғотмоқ...

Мен бир Шарқ қизимен, Шарқнинг ўзидек  
Бутун таним, жоним – хаёл уяси,  
Меним қора кўзим кийик кўзидек  
Белгисиз овчининг ўқин кўргуси.

Айталарким, ёзда ҳар бир жони бор  
Эркин нафас олар, шодланар, яйрар.  
Айталарким, Шарқда боғлиқ хотинлар  
Ул ёруғ дунёга на замон кирар?..

## ТАБИАТГА

*Саидалихонга бағишлаб*

Кел, малак, кел, кел, пари, кел, кел, ўпай бир эркалаб,  
Кел, қуёш чиққунча ўптир... кел, кел, ўпай бир эркалаб!

Кел, қучоқлай, кел, қўлингни, бармоғингни бир кўрай,  
Кел, кўзингга кўз солай, кел, кўрай, сўнгра ўлай...

Келма, келма, эй пари, сен, танларинг нурдир сенинг,  
Танларинг нур, юзларинг нур, тенгларинг хурдир сенинг...

Ёқти ойлардан қуйилган ёғдулардандир танинг,  
Кўк юзида барча юлдузлар суюнчингдир сенинг...

Кўланкангдир боқчаларга турли гулларни сочар,  
Кўз қарашингдир сенинг элга саодатлар очар...

Ўйнашингдир ўйноқи юмшоқ шамолни қўзғатар,  
Тўхташингдир дунёда барча ҳаётни тўхтатар.

Сўзлашингдир боқчаларда барча қушни сайратар,  
Бир табассум қилмоғингдир барча жонни яйратар.

Куйлашингдир уйқуда қотган жаҳонни ўйнатар,  
Уйқудан турган жаҳон ул куч биландир тўйи этар...

Қайғуриб қолган чоғингдир барча жонлар қайғурар,  
Ҳар томонда қайғу, ҳасрат, ҳар азиз жон «оҳ» урар.

Кўк юзини қоп-қора, маъшум булутлардир ўрар,  
Ул булутлардир ёруғликнинг юзин қоплаб турар.

Ул булутлар устига отдек миниб девлар чопар,  
Ҳар урушда қамчини ўтлар ёнар, чақмоқ чақар.

Ул булутлар чопсалар девлар билан осмон бўйи,  
Унда бошланса жин, алвасти, шайтонлар тўйи,

Кўк гуриллар, сел ёғар, дўллар қучар, тўфон босар,  
Қум кўчар... Тоғлар қадар қумлар кўчар... йўлни тўсар...

Зўр денгизлар наъра тортар... жон сўрар, тўлқин чопар,  
Катта тўлқинлар келар-да, майда тўлқинлар қочар...

Майда тўлқинлар «ўлим» рақсин этарлар куйлашиб,  
Сўнгра қиргоққа чиқарлар жонлиларни йўқлашиб...

Келма-келма... мен фақир... бечора... йўқсил бир киши,  
Мен каби йўқсил кишининг ёғдуларда не иши?..

## ПЎРТАНА

Пўртана қўзғолди, пўртана юрди,  
Пўртана ўзини қирғоққа урди;  
Пўртана олдида бир кема кўрди:  
Ичида зич одам... ўйнатди, сурди!

Ул кучлик, ул ботир, ул қўрқмас, юраклик,  
Ул мағрур керилган ҳам мажнун, ҳовлиқма;  
Фарёд дер қирғоқлар, ундан шу туғролиқ,  
Шаҳардек кемалар унга бир «луқма»!..

Ул ўзи қон ичар, жон олар бўлса-да,  
Бағрида севгиси кучли;  
Бўкириб, ўкириб, югуриб юрса-да,  
Гўзални суювга ўчли...

Сув қизи:

                    чиройли, сочлари қоп-қора,  
Бўйнидан сочилган, тарқоқ.  
Кўзлари дил тортар, четроқдан бир қара,  
Илиндинг... раҳмсиз ул тузоқ...

Кўзлари кийикни кўр қилди, кўрмадинг,  
Сўзлари булбулни тутқун;  
Юзлари ойларни ботирди, билмадинг,  
Булутлар остига қочиб кирди кун!

Ана шул гўзални, ана шул малакни,  
Йўқ, янглиш... фалакни  
Пўртана кўксида сақлар:  
Ерлар сарф этар ғайратни, эмакни,  
  иш қилиб малакни  
  Йўқ... жаҳон, фалакни,  
Оқ кўпик ичида оқлар!

Баъзида ҳисобсиз оқ кўпик ичига  
Султондек тутқизар уни;  
Дам кўкка иргитиб, дам тортар кўксига,  
Шу йўлда ўйнатур қизни,  
Кулдириб у нурли юзни,  
Суйдириб у оҳу кўзни,  
Қул қилиб сизни ҳам бизни...

Кўпиклар... у оппоқ, саноқсиз кўпиклар  
Юлдуздек жимирлаб туралар;  
Кўпиклар... у кичик, чиройлик кўпиклар  
Ошиқнинг кўнглидан уралар...

Қичқирар, бўкирар, ўкирар йўлбарсдек,  
Югурар, сакрар, отилар девдек.  
Олдида ҳеч тўсиқ, ҳеч моне қўймасдек  
Интилар ўнг-сўлин кўрмай!..

Кўтарса бошини, кўкларга тегадир,  
Булутлар, чақмоқлар даҳшатда;  
Эгса ул бўйнини кўп вақт эгар –  
Сув тегин кўрасан ваҳшатда.

Жонворлар қўрқадир... даҳшатда титрайдир,  
Балиқлар ўлимни куталар;  
Кучлиги кучсизни ютмайдир, ситмайдир,  
Қўрқувдан оғулар юталар!..

Денгиз тинч, қўрқув йўқ. Қиёмат ухлайдир,  
Пўртана жимжитдир – ўйда.  
Шамолни пўртана қўзғатмай сақлайдир,  
«Қўзғалмоқ» деган сўз йўқ унда.

Бу маҳшар, қиёмат, пўртана. Тўлқинлар –  
Ҳаммаси йўқсилнинг кўнглида,  
Бир дамда дунёни куйдурур вулқонлар,  
Ожизнинг у ўтлик дилида...

Ўйна, эй тўлқинлар, пўртана, даҳшат сол,  
Қирғоқлар титрасин қўрқиб,  
Кўк юзи, ер ости тинч бўлса, ваҳшат сол  
Дарёдан сув ташлаб, пуркиб!

Бу менинг кенг кўнглим ғавғони, жанжални,  
Тўполон, қўзғалиш, чувалаш,

исёни, тўфонни

Суядир; шунинг-чун дунёни, жаҳонни,

тоғ ва тош –

Ҳаммасин ағдармоқ истайдир,

ёнадир, куядир...

Ўйна, эй пўртана, тўхтатма, қувват ол,

Чоғ келгач эриниб ётма, ухлама,

бўлмасин йўқлама.

Кўп эзган душмандан,

паст жондан

Ўчни ол, ўчни ол, ўч ол!..



## УЛУҒ БРИТАНИЯНИНГ БУ КУНГИ ҲОКИМИЯТИГА

Темза буйларига беш-ўнта  
Тоғлардай ҳайбатли зиндонлар солинг!  
Риёкор бўлмаган, ҳақ деган эрни  
Зулм қўли билан зиндонга солинг!

Ланкастар шаҳрининг кўчаларида  
Полис навкарлари тинмай айлансин.  
Ишладим, ҳаққимни сўрайман деган  
Ҳар ишчи занжирга сиқиб бойлансин!

Қиличлар, милтиқлар, пулемёт, тўплар  
Токай амрингизга бўйин эгади?  
Токай ҳақ сўзлаган миялар, бошлар  
Дорларнинг ипига бориб тегади?

Токай иғво билан, алдашлар билан  
Миллион-миллионларни асир қиласиз?  
Токай англамаган, хом мияларга  
Жаннат ваъдаси-ла таъсир қиласиз?

Ўн қават, юз қават зиндонларингиз  
Ўзингиз учун ҳам тор катак бўлур!  
Риёкор сўзлаган у тариқ тиллар  
Яна ўзингизга қарши ўгрилур!

Мазлумлар, эзилган, хор бўлганларнинг  
Ғазаб оловлари бир кун туташар!  
«Интиқом! Интиқом!» – деган наъралар  
Тўлқиндай қутуриб Темзадан ошар!

Ўшанда Темзанинг сувлари қадар  
Қутуриб ошишлик бизда ҳам бўлар.

## УЛУҒ ЙЎЛДА

Йўлимизда чўллар, сувлар, денгизлар,  
Босувчисин таниб бўлмаслик излар.  
Шул изларни босиб, денгизлар кечиб,  
Буюк амал билан борамиз бизлар.

Юракдаги сақлаб борган амаллар  
Йўллардаги денгизлардан улуғроқ;  
Эзилганлар тилак тилар бу йили  
Бурунгидан тўлуғроқ.

Маҳкам қилиб боғланилган камарлар,  
– Тезрак!  
– Қанот!  
Қушлар янглиғ учайлик.  
Кенг чўллардан, денгизлардан кечайлик,  
Шарқнинг эски чигалини ечайлик!

## ЁРУҒ ЮЛДУЗГА

*(Ҳазар эсдалиги)*

Гүзал юлдуз, нурли юлдуз, тез сўзла  
Оталарнинг тарихдаги хатосин;  
Шул хатодан осуғланиб ёвларнинг  
Эл кўксида сурган ишрат, сафосин.

Сўзла, англлат ўтгандаги турмушнинг  
Бутун қонли, шонли, жонли ерларин.  
Кўз олдимда жилваланур юрт учун  
Жонлар бериб, қонлар тўккан эрларин.

Ўйнат, қўзғат, тўлқинлантир, ҳовлиқтир  
Кенг Ҳазарнинг кўм-кўк, юмшоқ сувларин.  
Сўзлаттириб чарчат, ҳорсин, чарчасин,  
Тери оқсин, кўкка чиқар буғларин.

Кўпиклантир, майда, оппоқ кўпикдан  
Кўйлак кийдир, ясантир сув бетларин;  
Ул сувлар-ла пардоз қилдир, кийинтир  
Тоғли, тошли қирғоқларин, четларин.

Нега жимсан, нега жавоб бермайсан,  
Нега кўзинг қизаринди, ёшланди?  
Нега юзинг сўлган каби юмшарди?  
Нега сенда бир талваса бошланди?

Биламен мен, сўзламайсан шунинг-чун –  
Сўзлайдирган яхши сўзинг йўқ эрур.  
Оғиз очсанг, йўқсил элни эзмакка,  
Қон қилмоққа ҳасратларинг кўп эрур.

Маили, маили, қандоқ аччиқ бўлса ҳам,  
Тўғри сўзни яширмасдан сўзлай бер.  
Ҳар қанчалар юрак ёрғич куй бўлса,  
Ботир бўлиб секингина куйлай бер.

Ўтганларнинг заҳари ҳам бу кунда  
Кўнгилларга тегмай ўтар кабидир.  
Кечмишларнинг йиғиси ҳам шу кунда  
Йўқсил дилни суюнтирар кабидир.

Фалокатлар кўрган ота-боболар  
Истиқболнинг қимматини билмаган.  
Эл ва юртни сақлар учун сўнг хонлар  
Тузуқкина чора, тадбир қилмаган.

Биз, йўқсиллар, бошқаларга қул бўлиб,  
Чет оёқлар томонидан эзилдик.  
Ҳар ярамас, ҳар бузуқнинг тагида  
Алам ортган, жабр кўрган биз эдик.

Етар, бўлди. Мени гапга солдинг-да,  
Ўзинг унда тинглабгина турасан.  
Яна, тагин таъсирланиб сўзимдан  
Оҳ-воҳ қилиб ўзни ҳар ён урасан.

Сўзла, сен-да тилларингни ўйнатиб,  
Эски алам ичра бизни олиб бор.  
Яшрин ётган пардаларни, зулматни,  
Қараб турма, нуринг билан йирт-юбор.

Ялинтирма, бошқаларга ялинган  
Каби сен ҳам ялинтирмоқ истайсан;  
Эзилганни эзишликка сен, гўзал,  
Озроқ шарм, озроқ ҳаё қилмайсан.

Сўзла, англат, гўзал юлдуз, тез сўзла,  
Мен-да сенинг чиройингни сўйларман.  
Ҳазардаги кўпикларга бирлашиб  
Сени мақтаб ширин куйлар куйларман.

Оғиз очдинг, товшинг келди, эй юлдуз,  
Сўзла, сўзла, ёт киши йўқ, иккимиз...

## **ҚАЛАНДАР ИШҚИ**

*(Эски тартибда)*

Муҳаббатнинг саройи кенг экан, йўлни йўқотдим-ку,  
Асрлик тош янглиғ бу хатарлик йўлда қотдим-ку.

Карашма денгизин кўрдим, на нозлик тўлқини бордир,  
Ҳалокат бўлғусин билмай қулочни катта отдим-ку.

Ажаб дунё экан бу ишқ дунёси, аё дўстлар,  
Бу дунё деб у дунёни баҳосиз пулга сотдим-ку.

Унинг гулзорида булбул ўқиб қон айлади бағрим,  
Кўзимдан ёшни жў айлаб аламлар ичра ботдим-ку.

Қаландардек юриб дунёни кездим, топмайин ёрни  
Яна кулбамга қайғулар, аламлар бирла қайтдим-ку.

Муҳаббат осмонида гўзал Чўлпон эдим, дўстлар,  
Қуёшнинг нурига тоқат қилолмай ерга ботдим-ку.

## ТОРТИШУВ ТОНГИ

Енгган қўшин бошлиғидек гердайиб  
Ботган қуёш булутларнинг остидан  
Бош кўтариб чиқмоқ учун тириша!  
Шунинг учун бери ёқда иржайиб

кулишувлар,

Унга қарши, қаршидан  
Йиғлов, сиқтов, товуш, ғавғо, хархаша.

Суюнингиз:

кўпдан бери зиндонда

Қуёш кўрмай, захлаб қолган кўнгиллар.

Чиқар кунлар етди сизга ундан-да,

Мунда ечиб юборилгач тугунлар.

Қайгурингиз:

кишанларни ясовчи

усталар,

Бошқаларни тубанлар деб атовчи

хўжалар,

Сизнинг учун ёз бошининг қоридек

Эрув кунлар келадир,

Сизнинг учун алвастининг зоридек

йиғлар кунлар келадир...

Чиқадирган қуёшни сиз беҳуда

Этак билан тўсмоқ учун тиришманг;

Аҳмоқ бўлиб Азроилнинг олдида

Жон талашинг, то ўлгунча беришманг.

## МАҲМУДХҶЖА БЕҲБУДИЙ ХОТИРАСИ

Белгисиз қабрингни қора тушларда  
Амалимнинг шамин ёқиб изладим.  
Қизил ва пок қонинг исларин сочгач,  
Кучсиз кўйи юришимни тезладим.

Амалимнинг юлдузиким кўз тикди  
Қора, жирканч, ўлим кони – ерларга.  
Савол бердим: «Йўқотганим қайда?» – деб  
Ўзимни ҳам ютмоқ бўлган эрларга.

Қўлиндаги тутам-тутам гулини  
Қабринг топиб, сочмоқ учун тиришди.  
Гул ўрнига заҳар тилар муҳитда  
Унинг қилган бу ишлари бўш ишди.

Мен-да ожиз у муҳитнинг олдида  
Қабринг топиб, кўз ёшимни тўкмакка  
Ҳамда аччиқ ҳиддатим-ла ул ерда  
Оқ каллалик қора девни сўкмакка.

Шунинг учун юлдуз каби ярқираб  
Элда қолган исминг билан турамен.  
Шул исмни эслаб чизган йўлингдан  
Йироқ кетмай, қимирламай юрамен.

Азиз отам, қўлимдаги гулларнинг  
Мотам гули эканини билмайсен.  
Шодлик гули кўпдан бери сўлганин  
Ер остида пок руҳинг-ла сезмайсен.

Ана, сочдим қалбимдаги гулларни,  
Термак учун чақирамен қулларни...

## ПАРЧА

Мақтадим, күкка күтардим сизни мен,  
Энди менга сизга етмаклик қийин.  
Мақтамоққа бир киришгач мақтайин,  
Түхтасам сўнгги тинимда түхтайин...



## ШАРҚҶА КЎПРОҚ

(Муҳсинга)

Ёниб турган қизил ўтнинг учқунин  
Шарққа кўпроқ, Шарққа кўпроқ туширинг.  
Устидаги эски, кечмиш устунин  
Тупроқ қилиб йўқликларга учиринг!

Олдиндаги тўғри йўлдан юрмасдан,  
Чапидаги эгри йўлдан кетганни;  
Устидаги қизил нурни кўрмасдан,  
Ёруғликда йўл адашиб кетганни;

Қаршисида дўсти туриб душманга  
Кўл қовуштириб салом бериб турганни;  
Қонлик маъданлардан чиққан олтинга  
Асил ҳақиқатни отиб... сотиб турганни

Тўғри йўлга, ай бошчилар, еталанг,  
Йўқсул Шарқни қонхўр Ғарбдан асровчи  
Қизил ўтни кучайтиброқ ёндиринг,  
Ёғдулари эл устунини қопласин;  
Чанқоқларни ёғдусига қондиринг,  
Чурик, занглик кўксларни покласун!

Тўрт ёғимда пишқирадир қизил қон!  
Ҳар нарсани қизил кўргим келадир;  
Қизилхўрга қовушмоқчи асир жон  
Тўғри йўлни ул, албатта, биладир...

Қизил гулни гувиллатинг, ловлатинг,  
Шарқда кўпроқ «қизил ўчоқ» порлатинг!..

# КЎМАКЧИЛАР

(Эрмак)

*«Қримдаги англиз тўралари  
Англияга қочалар».*

*«РусТА»*

Қримда Врангель турганда  
Зўр эди англиз турмуши.  
Шод эди керилиб юрганда,  
Погунлар осилган елкаси.  
Врангель янчилик-тарвайғоч,  
Тўралар шошилиб қочалар.  
Орқадан қизиллар қувлағоч,  
Погунни дарёга оталар.

**АЙ ҚАШШОҚ!..**

Түрт ёқдан ёв билан ўралган йўқсул,  
Ёвларни сомондай совурдинг.  
Тинч турмуш, тинч ишга очиб йўл,  
У йўлда бағрингни қовурдинг.

Кузатган армонларга  
етмакка бел боғлаб  
Кўп офир кунларда чидадинг,  
Йўлингни мўлжаллаб,  
хўп билиб, хўп англаб,  
Бошқага алданиб кетмадинг.

Қон тўкиш кунлари тўхталди,  
ай қашшоқ,  
Қўлингда ўйнасун кетмон ва ўроқ!..

## ЁШ БОЛАЛАР

Ёвга боғлиқ қўлларимиз ешилди,  
У қўлларни энди ишга соламиз.  
Бу кун жуда ғайрат билан ишлагач  
Келгусини роҳат қарши оламиз!

Биз ишлаймиз!

– Биз чарчаган кўмакка,  
Ким етушар, муни яхши ўйлайлик;  
Зўрлар учун ҳар нарсани берганда  
Кичикларни эсдан йироқ қўймайлик!

Чунки бизлар қариб, кучдан кетганда,  
Ўрнимизга у кичиклар келурлар.  
Биз уриниб қилолмаган ишларни  
Биздан кейин шу кичиклар қилурлар.

Билингизким, кичикларни яшатмоқ  
Ёлғиз боғлар, боғчаларда мумкиндир.  
Келгусининг турмушига уларни  
Тайёрловчи боғчаларда ўюндир.

Ёш болалар – келгусининг дурлари,  
Кичкиналар – тирикликнинг гуллари!

## УЙҶУ

(«Бормайман» деди» куйица)

Жим туринг, шовқинламанг, уйқу ичида ул пари,  
Юрма, тек тур, ай шамол, юрсанг-да юр бир оз нари!

Кўкда бир тўп қиз – малак уйқу куйини бошлади,  
Илгари чалган тирик, жонли куйини ташлади.

Бош учида айланар бир тўп фаришта жимгина,  
Кўк элининг тангриси ой ҳам қарайдир тинчгина.

Ул алас кўзлар юмилган... куйни ёндиргачгина,  
Кўп гўзал кўзларни юмдиргач, уялдиргачгина...

Чарчаган, толган умидсиз кўзларим тўймай қарар,  
Ҳар қарашда кўнглима минг турли ўйлар солар...

Бу ётиш, бу уйқу, бу қандай ширин, қандай гўзал,  
Жонланар, юз кўрсатар синган ва ястанган амал.

Бу ётиш, уйқу на ерда, на хаёлий кўкда бор,  
Бу гўзал сирли томоша менда, мен ўксукда бор.

Жим туринг, шовқунламанг! Уйқу ичида ул пари,  
Кўзларим тўймай қарар, борлиқ кўринма, тур нари...

## КАМПИРНИНГ ТҮЙЧИСИ

– Мен бир умр бундай совуқ кўрмадим,  
Жуда қаттиғ... – деди кампир чолига.  
Чол чарчаган кўзларини кўтариб  
Оғиргина қараб олди ёнига...

– Ёмон совуқ... – деган сўзни айтди-да,  
Чол ўзининг уйқусига берилди.  
Кампир яна сўз бошлагач, эриниб  
Узунгина бир эснади, керилди...

– Уйқу келди, кампир, бошга болиш бер,  
Чарчаганман, бир тўхтамай сўйлайсан.  
Кундуз этик шилиб кетган кишини  
Кеч тинчгина дам олишга қўймайсан...

Сўнгра кампир чидолмади: чолига  
Аччиғланиб кўзларини югуртди;  
– Шу совуқда Тўйчи болам қаерда:  
Музлагандир, ўйламайсиз сиз, – деди.

Чолга бирдан жон кирдими, ўрнидан  
Ирғиб туриб остонадан ҳатлади.  
Ўз уйида шу иш билан ўзининг  
Гуноҳини бир даража оқлади...

Эшик совуқ... бир тўхтамай совуқ ел,  
Қарға янглиғ уча-уча ўйнайди;  
Бироқ чолнинг юрагида зўр кўрқув,  
Зўр ошиқув туйғулари қайнайди.

Меҳридилнинг болалари ҳаммаси  
Гўристоннинг ҳовлисига тўпланган.  
Шу совуқда парво қилмай ўйнайлар,  
Юраклари ўйин билан ўтланган...

Чол қалтираб, титраб келди, олдида  
Қизил анор юзлар билан Тўйчиси;  
Шундан кейин тинди камшир, йўқолгач  
Юрагини тирнаб турган қайғиси...

Бир сандалнинг теграсида учови  
Қатор-қатор тизилишиб ётдилар;  
Ташда совуқ эркаланиб ўйнаркан,  
Чарчаганлар уйқусига ботдилар...

## ТИЛАК ЙЎЛИДА

(Чарогонларга)

Кетган йўлим тўғри йўлдир, кетаман,  
Қандай тўсиқ-моне бўлса, ўтаман:  
Мен кетаман, тилак дея кетаман,  
Ҳеч тилаксиз қуруқ танни нетаман?

Тилак йироқ, ёғдуси-да кўраман,  
Ой кетарман, йил кетарман – етаман.  
Туйғум унинг изларига урилмас,  
Бу йўлларда, балки, шафқат этаман.

Яна «тилак-тилак» дея кетурман,  
Бир жон экан, майли, қурбон этурман.



## КАПАЛАК

Озроқ тўхта, учмай тур, ҳой капалак,  
Қанотингдан чимдим тутай, қиз – малак!

Тусинг худди онам менга тикдирган  
Ипак кўйлак янглиғ кўм-кўк чиройлик!  
Қанотларинг онам боққа эктирган  
Райҳон, жамбил япроғидай ёқимлик!

Сени тутиб озроқ ўйнай, ўйнатай,  
Қисиқ, бўғиқ кўнглим озроқ яйрасин.

Ўртоғимга савлат қилиб кўрсатай,  
Менга келиб мақтамасин сирғасин.  
Йўқ, тўхтама, визил-визил уча бер,  
Ер юзида ҳамма эркин, йўқ асир!..

## КУРАШ

Чақиргувчи, ўкиргувчи бир товуш  
Ботирларнинг жон сўраган товшидир.  
Йиқитгувчи, ағдаргувчи қўзғолиш  
Яқиндаги зўр курашнинг бошидир.

Тентаклардек борар ерин билолмай  
Унда-бунда ўзни урган душмандир.  
Кенг юракда тура олмай, сиғолмай  
Тошиб кетган йўқсилдаги имондир.

Улуғ, қаттиқ ағдаргувчи бу кураш,  
Ё бор бўлиш, ё йўқ бўлиш:  
Йўқ яраш!





\* \* \*

Милтираган хира чироқсен, йўқсил,  
Ер қаттиқроқ келиб урса, ўчарсен.  
Ёр алдаган севгучининг руҳидай  
Бир лип этиб йўқликларга кўчарсен.

\* \* \*

Хаёл, хаёл... Ёлғиз хаёл гўзалдир,  
Ҳақиқатнинг кўзларидан қўрқамен.  
Хаёлдаги юлдузларким амалдир,  
Оловимни алар учун ёқамен.

Гўзал хаёл, кел, бошимда гул ўйнат,  
Маним истак-тилагимни эркалат!

## ЮРТ ҚАЙҒУСИ

Юртнинг чексиз кўкларинда қанот ёйган қора қуш!  
Бу кўринган қизилликлар – нур ўйнаши, бу бир туш!..

Ўликларнинг суяклари шақиллашиб чопалар,  
Чопалар ва эл кўксиндан юксак ўрин топалар...  
Йўқсиз элдир, подачисиз пода каби ташланган,  
Ойидан-да, кунидан-да эрта ва кеч таланган...  
Ёв кўзлари олов каби тўрт бурчақда ялтирар,  
Эл бошинда бир тўп маймун... япроқ каби қалтирар...  
Айрилиқлар уя солган узун йўлга қара бир,  
Тандан эмас, кўзлариндан қонлар тўкар ботир ер...  
У қонларни даво дея кўкрагимга томизма,  
Фоҳишанинг юпқа ипак кўйлагини кўрсатма,  
Кўнгилдаги яраларни «кавсар» билан ҳўл этма!  
Қара, бузуқ сочларингда қон йиғлаган «нурлар» бор,  
У нурларнинг инглайиши яраларни қонатар...  
Қатор турган ўксикларнинг кўнгиллари оппоқдир;  
Улардаги қора кафан, эй маймунлар,  
Сиздаги тилаклардан соф, покдир.  
Эл кўксига шам ёқғали топилмасми синиқ тош?  
У эзгу шам ёқилмаса, ҳеч тўхтамас қонли ёш.  
Қўлларига гугурт тутган у йўлбосар маймунлар  
Шамни ташлаб гугурт билан ўйнайдир...

Юртнинг сўнгсиз кўкларинда қанот қоққан қора қуш,  
Йўқсил элни ташлаб кел-да, энди мени бир оз қуч!







# КЛЕУПАТРА УЙҚУСИ

## 1

Клеупатра Нилнинг бўйида  
Ўз қўли билан нилуфар узди.  
Гўзал чечакни, ёзуқсиз гулни  
Ишдан чиқарди, турмушин бузди.

Бир тўплам қилди, бир ипак бирлан  
Бошига осиб уйқуга кетди.  
Ул ухлаганда бутун Мисрда,  
Бутун ўлкада уйғоқлик битди...

Жим тур, фаришта, қанотинг қоқма,  
Фиръавннинг қизи тинчлаб ухласин!  
Унинг юзидан, гўзаллигидан  
Ошиқнинг кўнгли бир ором олсин!

Унинг ётиши – куннинг ботиши!  
Қоронғиликда юлдузлар ўйнар.  
Бутун ошиқлар, кўнгли ёниқлар  
Гўзал ўйларни шул чоқда ўйлар.

Тубан қараб юр, Нилнинг сувин кўр:  
Қандай чиройли, лимиллаб оқар.  
Фиръавн қизидай, илон изидай  
Буралаб оқар, қимирлаб оқар...

## 2

Клеупатра! Уйғонди нега?  
Нега ул чоғсиз уйқусин очди,  
Унинг кўзидан, гўзал юзидан  
Уйқу, қизиллик, тўлинлик қочди?

Ана, қўлини гулга узатди,  
Боқ, ипни узди... гуллар қўлида!  
Оқ...ғижим қилди, ерга ташлади,  
Кўп йўқсил гуллар қурбон йўлида!..

– Нега ташлади?

– Гул сўлган эди...

Шунинг-чун золим ерга ташлади!  
Ўзини кўр, бир маст илон янглиғ  
Жойида ётиб тўлғоқ бошлади.

Бор, эй йигит, сен Нилнинг бўйидан  
Золим қизи-чун нилуфар келтир!  
Золим қизини бу сирли кечда  
Кўп уринтирма, тезроқ тинчлантир!

Бир тўплам гулни бошига осса,  
Яна уйқуга очса қучоғин,  
Йўқса бу золим ҳеч боса олмас  
Юрагидаги севмаслик доғин...

### 3

Қўй, сен қўзғолма.... менинг кўксимда  
Кўз ёшим бирлан ўсган чечак бор,  
Шуни берарман, бир ҳидлаш бирлан  
Севгига ботиб бир умр ухлар!..





## МЕН ҚОЧМАДИМ

*Тошкентдаги ўртоқларимга*

Мен қочмадим! Нега мени «қочди» деб  
Йўқга мунча шовқин-сурон қилдингиз,  
Қучоғини «ўзлиги»га очди деб  
Оқ исмимга қора занжир илдингиз?

Мен «ўзлик»дан кўпдан бери узилиб  
«Кўплик» ичра ботиб кетган танамен.  
У «кўплик»нинг қайғусида чўзилиб  
Қулоч отиб сузиб юрган яна мен.

Мен янгилар ўлкасидан синмаган  
Бир қанотни тақиб олиб қўзғалдим.  
Шу йўлимда япроқлари сўлмаган  
«Ёш ёғоч»нинг соясида тўхталдим.

Икки кўзим ялт-юлт этиб кўкимдан  
Тилагимнинг юлдузини қарайдир.  
Чоғ-чоғ йиғлаб ўтиб кетиб ўнгимдан  
Қора булут унинг юзин қоплайдир.

Бироқ яна унинг юзи кўриниб  
Кўзларимни қамаштириб қўядир.  
Қилич ботиб, ханжар дилга уриниб,  
Унга яна қайси қараш тўядир?

Мен қочмадим! Мен тилакни излаймен,  
Қанот кучлик, борган сари тезлаймен!

# УЛУҒ ЙЎЛОВЧИГА

*А.М. руҳига*

*Дунёга ишлар учунгина келганман.*

*(Ўз сўзи)*

Боқчаларда гуллар сўлди, сезмадим,  
Ўстирганлар етим бўлди, сезмадим,  
Кўнгилларга қора тўлди, сезмадим,  
Сездим сенинг кетганингни кўнгилдан...

Кетган йўлинг йироқ йўлдир, кети йўқ,  
Бошланиши: қуруқ ва кенг бир бўшлиқ.  
Тугалиши: яна чексиз бир йўқлик,  
Бироқ қайтмоқ йўқдир тушган йўлингдан.

Кетдинг, бироқ изларингда кўз қолди,  
Тилларингдан айтилмаган сўз қолди,  
Ўксиз бўлиб ётлар эмас, «ўз» қолди,  
Чуқур маъно истаб эски сўзингдан.







## БУЗИЛГАН ЎЛКАГА

*Достон*

Эй тоғлари кўкларга салом берган зўр ўлка,  
Нега сенинг бошинг узра қуюқ булут кўланка?

Учмоҳларнинг кавсаридек покиза,  
Садафларнинг донасидек топ-тоза  
Салқин сувлар тоғдан қуйи тушаркан,  
Томчилари ёмғир каби учаркан,  
Нима учун йиғлар каби инглайлар?  
Ёв борми деб тўрт тарафни тинглайлар?  
Табиатнинг ўтини йўқ ўтида,  
Шарақ-шарақ қайнаб чиққан булоқлар  
Ҳар қоронғи, қўрқинч туннинг бетиди  
Шифо истаб келмасин дер қўноқлар.  
– Бу нега?

Айт менга.

Кўм-кўк, гўзал ўтлоқларинг босилган,  
Устларида на пода бор, на йилқи,  
Подачилар қайси дорга осилган?  
От кишнаши, қўй маъраши ўрнига  
Оҳ, йиғи.

– Бу нега?

Туморчалар, ҳамойиллар тақинган,  
Далаларда лола барги ёпинган,  
Тоғ-тошларда ўйин қилган,  
Чопинган  
Гўзал қизлар, ёш келинлар қаерда?  
Жавоб йўқми кўклардан-да, ердан-да,  
Хароб бўлган элдан-да.  
От минганда қушлар каби учгувчи,  
Эркин-эркин ҳаволарни қучгувчи,  
От чопганда учар қушни тутқувчи,

Учар қушдай ёш йигитлар қаерда?  
Тоғ эгаси – сор, бургутлар қаерда?

Сенинг қаттиқ сир-бағрингни кўп йиллардир эзганлар,  
Сен безсанг-да, қарғасанг-да, кўкрагингда кезганлар.  
Сенинг эркин тупроғингда ҳеч ҳаққи йўқ хўжалар  
Нега сени бир қул каби қизғанмасдан янчалар?  
Нега сенинг қалин товшинг «кет!» демайди уларга?  
Нега сенинг эркли кўнглинг эрк бермайди қўлларга?  
Нега тағин танларингда қамчиларнинг қулиши?  
Нега сенинг турмушингда умидларнинг ўлиши?  
Нега ёлғиз қон бўлмишдир улушинг?  
Нега бунча умидсиздир туришинг?  
Нима учун кўзларингда туташгувчи олов йўқ?  
Нима учун тунларингда бўриларнинг қорни тўқ?  
Нима учун ғазабингни уйғотмайди оғу-ўқ?  
Нима учун борлигингда бу даража бузғинлиқ?  
Нима учун ўч булути селларини ёғдирмас?  
Нима учун куч тангриси бор кучи-ла солдирмас?

Кел, мен сенга қисқагина дoston ўқий,  
Қулоғингга ўтганлардан эртак тўқий.  
Кел, кўзингнинг ёшларини сўриб олай,  
Кел, ярали танларингни кўриб олай, тўйиб олай...  
Нима учун ағдарилган, йиқилган  
Оғир тожнинг заҳар ўқи кўксингда?  
Нима учун ёвларингни бир замон  
Йўқ қилгундай темирли ўч йўқ сенда?

Эй ҳар турли қулликларни сиғдирмаган ҳур ўлка,  
Нега сенинг бўғизингни бўғиб турар кўланка?

## АМАЛНИНГ ҶЛИМИ

Кўнглимда йиғлаган малаклар кимлар,  
Шарқнинг оналари, жувонларими?  
Қаршимда инглаган бу жонлар кимлар,  
Қуллар ўлкасининг инсонларими?

На учун уларнинг товушларинда  
Ўтган асрларнинг оҳанги йиғлар?  
На учун ёзмишнинг ўйнашларинда  
Ҳар юриш кўнглимни наштардек тифлар?

Кенглик хаёллари учдими кўкка,  
Бутун умидларни ёвларми кўмди?  
Мангу тутқинликка кирдими ўлка,  
Хаёлда порлаган шамларми сўнди?

Кечанинг жон олғич қоронғилиги  
Нажот юлдузини хаёлми билди?  
Шунча тутқунларнинг ҳақи, ҳақлиги  
Бир ҳовуч тупроққа қурбонми бўлди?

Оҳимнинг ўтидан чиққан шуълалар  
Шарқнинг кўкрагида бир жой топмасми?  
Кўксимдан қисилиб чиққан наъралар  
Ухлаган дилларга силжиб оқмасми?

Ҳар кеча кўкларда ўйнаган юлдуз  
Айтар эди менга: «Эрклик юлдузи –  
Тутқинч эллар учун само кундузи,  
Кўнгилда қолғуси унинг бир изи».

У бир из кўзимнинг нурларидан ҳам  
Юксақдир, мен уни ўпмак истаймен.  
Агар топилмаса, бу юртлардан ҳам  
Кўчиб йироқларга кетмоқ истаймен.

Йиғлаган, инграган амал қизими?  
Кўкдаги юлдузлар унинг изими?

## ЁНҒИН

*Таланмаган, йиқилмаган ер йўқ,  
Гўдаклар найза бошида...*

*(Хабар)*

Нега меним қулоғимда тун ва кун  
Бойқушларнинг шумли товши бақирар?  
Нега меним борлигимга ҳар ўйун  
Ва ҳар кулги оғу сепар, ўт қўяр?

Кўнглим каби йиқик уйлар, қишлоқлар  
Бойқушларга бузуқ кўксин очганми?  
Ота-она, таниш-билиш, ўртоқлар  
Юртни ташлаб тоғ ва тошга қочганми?

Шундай катта бир ўлкада ёнмаган,  
Йиқилмаган, таланмаган уй йўқми?  
Бир кўз йўқми қонли ёши томмаган,  
Бутун кўнгил умидсизми, синиқми?

Подаларнинг яйловида бўрилар  
Қонга тўйгач увлайларми кўплашиб?  
Йиқиклардан ўликларни тўплашиб  
Ўтми қўяр алвастилар, парилар?

Табиатнинг бутун ёмон томони  
Шу ўлкага фақат жилва қилдими?  
Мўминларнинг оқ виждони, имони  
Шам сўнгандай тинсизгина сўндими?

Қиличларнинг тилларидан қизил қон  
Булоқларнинг суви янглиғ тошдими?  
Яланг бола, яланг гўдак-маъсум жон  
Найзаларнинг бошларидан ошдими?

Кенг яйловга ўтми кетди, ёндими?  
«Маданият» истагига қондими?

## КЕТДИНГ

*Рахматулла Султоновга*

Йўлдошим, зим-зиё бўлдинг-да, кетдинг,  
Бор эдинг, йўқолдинг, ўлдинг-да, кетдинг,  
Гул эдинг, очилмай сўлдинг-да, кетдинг,  
Йўқлик денгизига тўлдинг-да, кетдинг.

Қичқириб орқангдан югурдим, чопдим,  
Ғариблар мазорин истадим, топдим,  
Кўрай деб сўнг чоғда телмуриб боқдим,  
Сен эсанг юзингни бурдинг-да, кетдинг.

Элингнинг тилаги етимми қолди?  
Бошига қайғини ўлимми солди?  
Жонингни тангриси севибми олди?  
Айтмадинг, оғзингни юмдинг-да, кетдинг.

Боқчангга ёш қўллар экалар гуллар,  
Очилмоқ истайдир лола, сумбуллар,  
Фироқ куйларини куйлар булбуллар,  
Сен бўлса йўқликка урдинг-да, кетдинг,  
Кўкармай, яшармай қурдинг-да, кетдинг.

## ЎЛИМДАН КУЧЛИ

(Қитъа)

- Ўлим, сендан кучли бошқа куч борми?
- Тарафингдан бир марҳамат бўлганми?
- Мендан кучли, мендан қувватлилар бор:
- Мана, мендан ҳеч қўрқмайлар одамлар.

## ИШҚ ЙЎЛИ

*(Эркин шеър)*

Сабрнинг косаси тўлгандир,  
Бу оғир айрилиқ тўйдирган.  
Оҳ, қанча ғазаблар бўлгандир,  
Гўзалим, хабаринг бўлмаган.

Оч, ахир, очгилким кўксингни,  
Бир нафас ўзимни унутай.  
Унутмоқ бутунлай ўзликни,  
Оҳ, шундай нажотни мен топай.

Кечалар, кечалар... оҳ, сенсиз ва ойсиз  
Бир кеча менга худди бир йилдир.  
Қайтариб айталар: «Кечалар рўёсиз –  
Олдингда...» кўп оғир бир йўлдир.

Эй дарвиш, бу йўлда биргина йўлчисен,  
Кета бер, бир куни сўнгига етарсен.

## ЯНА ҚОР

Яна қор. Оқ кафан ўралди яна,  
Яна кўк қуйди ерга парларини.  
Қарғанинг тиллари буралди яна,  
Яна қиш чорлади «нафар»ларини.

Қоп-қора дев каби булут йиғини  
Қоплаб олди яна қуёш юзини.  
Ётқизиб ёз ботир енгиш туғини,  
Уйқудан очмади сира кўзини...

Кутдилар ёз қизи – «Баҳорой»нинг  
Янги кунда ясалгуси тўйини.  
Ёз каби турли гулга кўп бойнинг,  
Дедилар, бўлгуси чечак ўйини.

Қариган Қиш бобой чидолмасдан  
Тўй кутилганда қилди бир босқин.  
Нега эргашди унга қорли бўрон?  
Кўп қўпол эрди, асти ул озгин.

Бир фақат қарғалар қор устида  
Қоғлашиб Қиш бобойни олқайлар.  
Тўнгдирувчи заҳар совуқ тунда  
Бева-бечоралар ёмонлайлар.

Ҳар етим кўзда томчи-томчи заҳар,  
Ҳар фақир уйида инглайиш ва йиғи.  
Ҳар сариф юзида сўнгги шуъла сўнар,  
Ҳар томон, ҳар тарафда бир қайғи.

Яна қиш... Қор кафан ёпилди яна,  
Қарғага тўй... ўйин топилди яна.



## ЯШАЙИШ

Оғир-оғир ва фақат қайғидан йироқ уйқу  
Нечун узоқларга қочдингки, кўп ёмондир бу.

Кўзим очилди, бироқ кўрмадим гўзалликни,  
Кўнглимда ёш ила кўрдим бутун тубанликни.

Йўқ эмас эди гўзаллик билан чиройлилик,  
Фақат улар тубида жилваланди ҳайвонлик.

Кулиб қарар эди дунёси гоҳ-гоҳлари,  
Фақат кулишар ичинда фиғон ва оҳлари.

Нечун очилди кўзим, қайга қочди уйқуларим?  
Бу уйғонишда тўлиб-тошди, ошди қайғуларим.

## ГҮЗАЛ ФАРҒОНА

Эй гүзал Фарғона, қонли күйлакингдан айланай,  
Тарқалиб кетган қора ваҳший сочингга боғланай.

Ваҳший бир ўрмон киби бағрингни босмишдир қамиш,  
Кўзларингда ҳеч кўрунмас бир олов, бир ўт ёниш.

Кенг, чўзуқ яйловларинг ёвларга очмиш кўксини,  
Бир қаро парда босибдур тупроғингнинг устини.

Кўзларинг сўлган, ўлук руҳинг билан боқдинг менга,  
Қуртилишнинг юлдузи асло кўринмасми сенга?

Ул баланд зўр тоғларинг нега тўсолмас ёв йўлин?  
Йўқмидир ўткур қилич кесмоқға ёвларинг қўлин?

Биз бутун ожиз, заиф, бағри эзилган сан учун,  
Бул қадар қонлар тўкулди ул дахидур сан учун.

Йиғлама, юртим, агар-чи бул кунингда йўқ баҳор,  
Келгуси кунларда бахтинг юлдузи ўйнаб қолар.

## ГЎЗАЛ ТУРКИСТОН

Гўзал Туркистон, сенга не бўлди?  
Саҳар вақтида гулларинг сўлди.  
Чаманлар барбод, қушлар ҳам фарёд,  
Ҳаммаси маҳзун, бўлмасми дил шод?

Билмам, не учун қушлар учмас боғчаларингда?

Бирлигимизнинг тебранмас тоғи,  
Умидимизнинг сўнмас чироғи,  
Бирлаш, эй халқим, келгандир чоғи,  
Безансин энди Туркистон боғи.

Қўзғол, халқим, етар шунча жабру жафолар.

Ол байроғингни, қалбинг уйғонсин,  
Қуллик, асорат – барчаси ёнсин.  
Қур янги давлат, ёвлар ўртансин,  
Ўзиб Туркистон, қаддин кўтарсин!

Яйра, яшна ўз ватанинг гул боғларинда.

**КУЛМАК ИСТАДИНГ...**

На учун кулмак истадинг, гўзалим?  
 Йўқса, сўлмоқди лабларингнинг иши...  
 На учун тишларингни беркиниши  
 Бу йўли битмак истади, малагим?

Сенки кулмак билан вужудимни  
 Баъзида севгига кўмар эрдинг:  
 Сўнгра бирдан яна чўкар эрдинг  
 Эски, беҳуда, кенг хаёлларингга.  
 О, қўлимни бир ол-да қўлларингга,  
 Кўкка беҳуда қўйма дудимни!

Севги – дард, севгувчи-да бир тентак.  
 Сен-да тентакдан эътироз этасан,  
 Қочасан; оҳ, фақат одош кетасан,  
 Истагинг бормиким, бориб етасан?  
 Қайда бўлсанг-да, фирт бўғар севмак;  
 Севгидан қочмоқ истасанг, гўзалим,  
 Ташла, беҳуда ўйдир ул, азалим.

Менга бир кулмак истадинг, малагим,  
 Кулки, кулсин кулолмаган тилагим!..

## ЁТОҚДАН

Оғриқ олди, қайғу олди, зор олди,  
Сўниқ кўзли, бағри эзик ёр қолди.

Қайда қолди мулла Бозор девона,  
Қулоғимга ўқир эди афсона:  
Эзгу жойга оқ от билан кирганни,  
Дил каъбасин ўқлар билан бузганни.

Йиқиқлардан, қабрлардан товушлар:  
Ўликларнинг саломини ўқийлар.  
Борлиғимни қўрқинч ўтлар ҳовучлар,  
Хонақоҳлар фано тўри тўқийлар.

Сирли сирдан қилдай бўлсин хабар йўқ,  
Йўқса, ул-да ўтганлардек сўндими?  
Оқ деб, пок деб юрганларда дил бузуқ,  
Йўқса, фано майсалари ундими?

Алам олди, фироқ олди, қон олди,  
Амал қолди... Кўзи ёшли жон қолди!..

## ҚИЗАРИШ

Нечун қизарди юзинг қип-қизил анор янглиғ?  
Дилингда ўйноқи бир шарпа ўтдими шошилиш?  
Кўзингда кучли ҳавасларнинг излари қолмиш...  
Қизармоғинг, йўқ эса, сирли эсгами боғлиқ?

Қизарганингда лабингдан-да бир тилак учди,  
Унинг қанотлари кўнглимга ғамли ел урди,  
Ўйимни ул тилагинг бирга илгари сурди  
Ва кўкда бир тўда алдамчи севгилар қучди...

Нечун, нечун яна кўзларда томчилар ўйнар?  
Нечун, нечун бу аламларни кўммадинг бирга?  
Нечун уларни ташладинг сўнг кўниқ – гўрга?  
Нечун юзинг яна сўлғин, нечун узун ўйлар?

Лабингда биргина сўз бор, фақат дея олмайсан,  
Нечун, уни демакка кечмишингми қўймайдир?  
Нечун мени кўрганда энди сўзлай олмайсан?  
Нечун сенинг қарашинг ўйга ҳеч тўёлмайдир?

Бир оз... бир оз сўзла. Англатиб бер сен,  
Лабингда мангу ёпиқ қолмасун у биргина сўз,  
Гўзал чечакдек очилсун сўник ва сўлғун юз  
Ва мен-да дардингга бир чора, бир шифо топайин.

Лабингда қолса у сўзлар яна ўшал қизариш,  
Яна кўнглингда ҳароми ва ўйноқи шарпа;  
Яна сўлиш ва ўчиш... мангу, доимо қарғиш,  
Битар, кетар шу балолар... лабингга жон кирса!

Нечун юзингда қизил чўғ каби ёниш, қизариш?  
Ярарми менга-да билмак, нечун, нечун бу иш?..

## ОҒРИГАНДА

Бўғиқ, қисиқ, асабий бир кўнгил билан тун-кун  
Тўшакда, ўйлар орасинда инграниб ётмак  
Оғир... қийин...

– Бу ётишнинг сўнги, сўнги келсун!

Ёзилмаганми бу тунлар сўнгида тонг отмак?

Кўзимда эрта ва кеч бир йиғин хиёл очилар,  
Хаёл билан кўраман: кўк юзи булутли каби,  
Бутун кўнгил ва юраклар оловли – ўтли каби,  
Булут кўзидан эса ерга оғу – ёш сочилар.

Менинг ўйимми қора? Ёки юрт кўкида булут,  
Қуюқ булут тўдаси қонли ёш тўкиб йиғлар?  
Меним бу хаста дилимни яна нечун тиглар?  
Меним-да кўксима ёқмоқми истар ул бир ўт?

Бўғиқ, қисиқ бу кўнгил кучли ўт билан ёнадир,  
У ўт орасида юртнинг хаёли жонланадир...

## ҚИШ КЕЧАЛАРИ

(Русчадан)

Болалар, сизларга  
Кўп яхшидир қишки тун.  
Эринибгина ётасиз,  
Танча иссиқ, чўғ қизгин.

Гоҳ-гоҳ чиқиб танчадан  
Қувалашиб ўйнайсиз.  
Эсга тушган ўйиннинг  
Ҳеч бирини қўймайсиз.

Шовқин қилиб, бақриб  
Чақирасиз, чанглайсиз.  
Энг сўнг ётиб кампирнинг  
Чўпчагини тинглайсиз.

Ташқарида қор-бўрон,  
Заҳар тўкар қора қиш.  
Ундан қўрқиб тўхталмас  
Сизда ўйнаш ва кулиш.

Аммо бу хил севинчлар  
Ҳаммада ҳам бўлмайдир.  
Ҳамманинг ҳам боласи  
Қишда ўйнаб-кулмайдир.

Ер юзида жуда кўп  
Йўқсил, етим болалар.  
Бечоралар нонга ҳам  
Яхшигина тўймайлар.



Баъзиларнинг ёш чоғда  
Оналари ўлгандир.  
Шундоқ қилиб, ёшлиқдан  
Гул юзлари сўлгандир.

Улар учун на танча,  
На ўтин бор ва на чўғ.  
На чўпчаклар айтгали,  
На севгали киши йўқ.

Шундоқларни кўрсангиз  
Кўнгилларни кўтаринг.  
Ё ака, ё ука деб  
Бирга туринг, бир юринг.

## ЎТЛИ СУВ

Зўр денгизнинг тўлқинлари бағрида  
Юз йилларнинг қонли, қўрқинч изи бор.  
Юмшоқ сувдан бириктирган оғзида  
Шафқат билмас исёнларнинг сўзи бор!

Қандай мағрур аҳмоқларким, тинч ерда  
Тот олурлар уни қарғаб сўкмакдан.  
Йўлчи бўлиб йўлга чиққач бу ерда  
Жон берарлар даҳшатидан қўрқмакдан.

Қора булут кўзларидан кўп чоқлар  
Ҳовуч-ҳовуч янги кучлар оладир.  
Ай тинч ерда кулар юзли ўйноқлар,  
Сизга ёлғиз қовоғини соладир.

Саватингиз, хуржунингиз, кўрдиким,  
Кўз ёшлари, қайғилардан тўлмишдир.  
Учиб ўтган йўлчилардан сўрдиким,  
Қўлингизда жон йигитлар ўлмишдир.

Кўпирар ул, ҳовлиқар ул, тошар ул,  
Гўрингиздан наъра тортиб ошар ул!

## СЕВГИ ВА САЛТАНАТ

Кенг талада кийик ўйнар,  
Кийик кўзин йигит ўйлар,  
Кийик кўзи кўнгил тортар,  
Ошиқ кўрса, дарди ортар.

Кийик кўзи ўйноқ бўлмас,  
Йигит қанча боқса тўймас,  
Ёш йигитнинг ишқи ўлмас,  
Кетса... сира қайтиб келмас.

Севсанг севгин ёшлигингда,  
Чин севгига бошлигингда,  
Бир севгидан сўнгра севмак  
Севгини алдамоқ демак.

Ўрдаларда севги бўлмас,  
Шаҳзодалар сева билмас.  
Севги, асли, яйловларда,  
Ҳунармидир ов-овлар-да?

Тангри севги яратгандир,  
Яйловларга тарқатгандир.  
Ўрдалари бек хонларнинг  
Уясидир ёмонларнинг...

## ШУ КУНДА

Истагингга етар экан, қанотларинг синдими,  
эй кўнглимнинг булбули?  
Сенга қарши кулиб турган гўзал чечак тиндими,  
ташладими бир йўли?

Ҳаво ёрган кўкрагингни севги ели тилдими,  
қон тўлами ҳар томон?  
Кўзларингга айрилиқнинг ипларини илдими?..  
Шу қилиғи кўп ёмон.

Ё эркинлаб ҳидлагали бермайларми гулингни,  
тўсаларми йўлингни?  
Гул ўзими кўзларингдан кўзларини қочирди,  
йўқликларга ёширди?

Шу юлинган парларинг-ла учолмассан, йўқсил қуш,  
У умидлар ҳавосидан энди бир оз тубан туш!..

## БИНАФША

Бинафша, сенмисан, бинафша, сенми  
Кўчада оқчага сотилган?

Бинафша менманми, бинафша, менми  
Севгингга, қайғингга тутилган?

Бинафша, нимага бир озроқ очилмай,  
Бир эркин кулмасдан узилдинг?

Бинафша, нимага ҳидларинг сочилмай  
Ерларга эгилдинг, чўзилдинг?

Бинафша,  
Айт менга,

Кимлардир уларким,  
Игнани бағрингга санчалар?

Бинафша,  
Бир сўйла,

У қандай қўлларким,  
Узарлар, ҳидлайлар... янчарлар?

Бинафша, шунчалар чиройли юзинг бор,  
Нимага узоқроқ кулмайсан,

Бинафша, шунчалар тортгучи тусинг бор,  
Кўнглимга исриклик тўкмайсан?

Бинафша, йиғлама, бинафша, кел бери,  
Қайғингни қайғимга қўшгил.

Бинафша, сенинг-чун кўкрагим – эрк ери,  
Бу ердан кўкларга учгил!

Бинафша, гўзалим, қайғилим, келмайсан,  
Қайғинг зўр, қайғимни билмайсан,

Менга бир кулмайсан!..

## КЎКЛАМ ҚАЙҒИСИ

Ай қоронғи, узун қишнинг хаёли,  
Кўклам чоғи кўзларимда ўйнама!  
Айрилиқнинг чидаб бўлмас малолли,  
Кўкат, майса юзларида қайнама!

Бир оз... бир оз кўнгил берай кўкламда  
Шафтолининг гўзал, қизил юзига.  
Бир оз... бир оз алданайин кўнглимда  
Бош чиқарган йигитликнинг сўзига.

Қаршимдаги кулиб турган юмшоқ қиз  
Кўм-кўк майса ўртасида бир гулдир.  
Кўп йиғладим... ёшларимни қатор чиз  
Ва қаршимда гўзал қизни бир кулдир!

Кўклам чоғи... сайроқ булбул сайрамас,  
На учунким танбуримнинг тили йўқ.  
Ул гўзал қиз чин қараш-ла қарамас,  
На учунким умидимнинг йўли йўқ.

Тилларимда ҳар кўкламнинг қўшиғи,  
Юрагимда ҳар гўзалнинг севгиси.  
Кўзларимда ҳар қайғидан бир йиғи,  
Юзларимда алданишнинг белгиси...

Ёлғиз менми кўклам чоғи йиғлаган?  
Ёлғиз менми ҳар умидда алданган?  
Ёлғиз менми кўкрагини тиғлаган?  
Ёлғиз менми севинч билан бўлмаган?

Ай кўкламнинг кўз тортгучи келини,  
Нима учун йиғлатасан бир мени?..

## БАРГ

Жонланди, яшарди, кўкарди қарашим,  
Ўзимда бир турли эркинлик сезаман.  
Кўнглимда қолмади шу топда ғам-ғашим,  
Умиднинг ипаклик қилини чўзаман.

Шу чоғда, шу боғда ҳар нарса юмшоқдир,  
Ҳар нарса кўкарган, ҳар нарса яшнайдир.  
Шу боғда, шу чоғда ҳар нарса ошпоқдир,  
Қуёш-да нурини ҳовучлаб ташлайдир.

Ариқда сувларнинг ўйноқи қўшиғи  
Шохларда ухлаган баргларни уйғотди.  
Айниқса, шамолнинг у юмшоқ шўхлиги  
Шохларда баргларни титратди, ўйнатди.

Қип-қизил қанотли капалак йўлида  
Учратди чиройли чўзанак қизини.  
Капалак тикилгач, у қизча қўлида  
Ушлаган япроқ-ла беркитди юзини.

Олтинли қўнғизни болалар ушлашиб  
Ип билан кўкларга учуриб ўйнайлар.  
Қулликни севмаган йўқсилни кучлашиб  
Нимага ўзининг эркига қўймайлар?

Лабларим шу тунда чанқаган, қизарган:  
Кавсарнинг сувидан шароблар истамас.  
Фаришта қилиқли, малика қизлардан  
Чанқовни босгувчи бир ўпич сўрамас.

Кўклардан малаклар қиз бўлиб тушсалар,  
Яна мен ўтларни қўйнимга қўймаймен.  
Қўйнимга тўлсалар, қўйнимдан тошсалар  
Гулларнинг ҳидлари... мен сира тўймаймен!

Ўпмаймен шу чоғда фаришта – малакни,  
Ўпамен булоқда титраган бир баргни...

## СЕНДАН ЙИРОҚДА

Йироқлашдим, узоқлашдим бир неча кун сендан,  
  ҳол сўраб кўр мендан:  
Нега мунча оғир келди бу йироқлик менга,  
  англатайин сенга!

Чунки сенинг қаршингда мен айрилиқни ўйламай  
  кўзларингга тикилдим,  
Ўзлимга, борлигимга баҳо қўймай, сонламай  
  ерга қадар эгилдим.

У кўзларнинг тошқинида балиқ каби сузганмен,  
  айрилиқни ўйлайми?  
Бошқа дунё, бошқа ўйдан боғланишни узганмен,  
  сенга қараб тўяйми?

Мана, энди бир неча кун сендан йироқ қолдим-да,  
  қайғуларга кўмилдим,  
Айрилиқда – қайғу ичра улушимни олдим-да,  
  кўзларингни хўп билдим!

Энди сенга кўнгил дардин буткул очиб берайми,  
  истайсанми сен шуни?  
Истамасанг, қистамайман... олдин сени кўрайми,  
  сўнг айтайми мен уни?

Яхши, энди қанотимни ростлайин,  
Учиб бориб олдин сени топайин,  
  сўнг дардимни очайин!..



## **ВИЖДОН ЭРКИ**

*(Тутқинларга)*

Ай тутқинлар, ай эзилган,  
Ай қийналган йўқсил эллар,  
Ай умидсиз, ай чизилган  
Дор олдиға... оппоқ диллар!

Ай бевалар, бечоралар,  
Ай боғланган кишанларга.  
Ай эрк учун оворалар,  
Кўп ялинманг сиз уларга!

Бўрилардан омон кутмак  
Тентакларнинг ишидир ул.  
Ҳар монеъни ҳатлаб ўтмак –  
Турмушда энг тўғри бир йўл!

Зулм олдида ҳар бир нарса,  
Эҳтимолки, бўйин эгар.  
Агар зулм авжга келса,  
Кўк боши-да ерга тегар.

Ҳайвонларга, инсонларга  
Золим эга бўлмай қолмас.  
Фақат эркин виждонларга  
Эга бўлмоқ мумкин эмас!

## ШАРАФЛИ ХИЗМАТ

*Ўзбек саҳнасининг қимматли санъаткори  
М.Саъдия Тўташга*

Эй йўқсиллар саҳнасида энг қимматли санъаткор,  
Эй занг босган кўнгилларни оқартувчи малика!  
Букун сени кўнглим бутун борлиғи-ла олқишлар,  
Фақат қанча олқиш, ҳурмат қилинса-да, оз сенга!

Ўзбек қизи ўз оғзи-ла айтолмаган сўзини  
Сенинг ўткир тилинг билан эшиттирди элига.  
Ўзбек қизи сил оқартган, сўлғин, ғамли юзини  
Сен орқали кўрсатди-да қутултириш йўлига.

Букун юртнинг ҳар ерига ўзни тиккан йигитлар  
У қоп-қора пардаларга: «Йиртил, энди бас!» – дейлар!

Эй пардалар, чимматларнинг остидаги қайғуни  
Тирик, жонли шакли билан эл кўзига кўрсатган,  
Эй деворлар орқасида йиғлагувчи чолғини  
Қулоқларга эшиттириб, шафқат ҳисси кўзғотган,

Эй санъатнинг энг ҳаваслик, энг берилган малаги,  
Букун сенда саҳнамининг барча умид, тилаги!

Ўзбек қизи яна кўп йил кишанлардан қутулмас,  
Кўз ёшлари яна кўп йил ўз юртига тўкилур...  
Унинг юзи яна кўп йил шодлик кўрмас, очилмас,  
Яна кўп йил товушлари қоронғида йўқ бўлур...

Шунинг учун мендан сенга энг самимий олқишлар,  
Эй йўқсиллар саҳнасида энг қимматли санъаткор!..

## ЮПАНМОҒ ИСТАГИ

Билмадим, күнглимни юпатгай кимлар:  
Боғларми, тошларми ё оқар сувлар  
Ёки кишанлардан бўшалган қуллар,  
Ёки севилмасдан ташланган туллар?

Ёки ойдин тунда күзимни олмай  
Күклардан юпатқич юлдуз ахтарай.  
Ёки тонг чоғида сабо юпатгай,  
Ёки ойдин томган вафосиз нурлар.

Ёки күз ёшидан йиғилган бир кўл  
Бўйида эгилган толда бир булбул  
Сайраса, йиғласа, маъшуқаси гул  
Кулганда юпатгай кўлдаги ҳурлар.

Чарчаган йўловчи йўлдан адашса,  
Текис йўл қолса-да, тоғларни ошса,  
Йўлни кўрсатувчи юлдуз-да қочса,  
Шунда юпатгайми яланғоч чўллар?

Эркин далаларнинг эркин султони,  
Сонсиз подаларнинг ёлғиз чўпони  
Най чалиб тоғлардан истаса ёрни,  
Балки, юпатгучи «ёр» деган куйлар?

Турмушда, хаёлда... ҳар бир нарсада  
Ёлғиз алданишни кўрган бир банда  
Борлиққа қарғишлар ёғдирган танда,  
Балки, юпатгуси у аччиқ сўзлар?

Денгизлар қайнаса, тошса сувлари,  
Кесилса йўлчининг истак йўллари,  
Денгизга айланса ўнг ва сўллари,  
Балки, юпатгуси ҳўлланган кўзлар?

Кўнгилда уйғонса енгил ҳаваслар,  
Узилса, бузилса олтин қафаслар,  
Бирга ичишсалар бир тўда мастлар,  
Балки, юпатгайлар ўйноқи қизлар?

Ўйланган ўйлар-ла кўнгил юпанмас,  
Кўнгилнинг истаги ўй билан қонмас,  
Айтарлар бу тунда ёруғ шам ёнмас,  
Чақмаса гугуртни асл ўғиллар...

## НИМА?

Бир-икки яхши сўз айтдинг,  
Ҳолимни англаганингми?  
Кўзларни қайғили артдинг,  
Ҳолимга йиғлаганингми?

Ётлиқлар битдими энди,  
Ортиқ мен сенга яқинми?  
Қарғишлар кетдими энди,  
Олдимми эски ҳақимни?

Тўйдирғич қоп-қора тунлар  
Ёпқични олдими биздан?  
Юргайми ёғдули кунлар  
Сен босган «севгили» издан?..

Кўкламнинг олдини тўсган  
Зулматлик қишми йиқилди?  
Бўйнига лолалар осган  
Кўкламми ўрнига келди?

Кўнглимга сирли қоқилган  
Кўнглингнинг шарпасидирми?  
Ё кўкда янглиш отилган  
Бир юлдуз куррасидирми?

Бир сўзла, биргина сўзла,  
Қолдирма шубҳа кўнгилда!

## КЕТГАНИНГДА

*Клеупатрага*

Кетдингми мангуга ташлаб,  
Қолдимми қайғуларим-ла,  
Ҳижронлик куйини бошлаб  
Йиғловчи чолғуларим-ла?

Севгимдан сўнгги малаклар  
Тўп-тўғри кўкками учди?  
Кўнглимдан тоза тилаклар  
Ёвнингми бағрига тушди?

Ортиқ сен мендан узоқда  
Кўзларни ўйнатасанми?  
Ортиқ сен бошқа булоқда  
Дилларни қайнатасанми?

Ортиқ сен ундаги боғда,  
Ортиқ мен якками қолдим?  
Фарёд йўқ... барча жаҳон жим,  
Ер ютса яхши шу чоқда!..

Кетдингми сен мени ташлаб?  
Қолдимми қайғумни бошлаб?

## ҚЎЗҒОЛИШ

Ай сен мени ҳақир кўрган, тубан деган афанди!  
Ай устимда бир умрга хўжа бўлмоқ истаган,  
Ай бўйнимга кишан солиб, ҳалокатга судраган,  
Кўзларингни заҳарлатиб ўйнатмагил, бас энди!

Кишанларинг занг босгандир, сергак бўлким, узилур,  
Томиримда қўзғалишнинг ваҳший қони гупурди.  
Эски фикр, анъаналар энди буткул узилди,  
Ё битарман, ёки сенинг салтанатинг бузилур!

Ай! Сен мени қул ўрнида ишлатгувчи афанди!  
Титра, қўрққим, боғлиқ қулинг бош кўтарган куч энди!

## ЖАВОБ

*Секин-секин мени унутмоққа туш.*

*(Бир хатдан)*

Ўзимни унутган тунларим бўлди,  
Дунёни, борлиқни унута билдим;  
Кўнглимда кўп излар буткул йўқ бўлди,  
Сени унутмоқдан мен ожиз қолдим.

Ўйноқи бир ҳавас, ўчгучи севги,  
Албатта, абадий яшай олмас,  
Кўнгилга ёшлиқдан ўрнашган қайғи  
То гўрга киргунча ташлая олмас.

Эҳтимол, унутмоқ сенга мумкиндир,  
Эҳтимол, севмакда қароринг йўқдир;  
Эҳтимол, севмаган сенинг кўнглингдир,  
Эҳтимол, севгида йўлинг бузуқдир.

Мен фақат у йўлдан кета олмаймен,  
Мен сени унутмоқ учун севмадим.  
Тоза муҳаббатдан сира қолмаймен,  
Зотан, сенга қараб тўйганми эдим?

Истасанг нима қил, унута олмам,  
Севгим абадийдир, кетидан қолмам,  
Эсламай, ўйламай ҳеч тура олмам!..



## САТАНГ

Қоп-қора сочидан иккита гажак  
Буралиб-буралиб юзига тушмиш.  
Қолганлари яна бўлакма-бўлак  
Белидан илондек ерга чўзилмиш.

Унинг юзларида бошқа қизлардек  
Кетсиз қайғуларнинг излари йўқдир.  
Балки, эрқда ўсган эрка қизлардек  
Тўлғин юзларида доим шўхликдир.

Кўзлари кулишдан бошқани билмас,  
Ҳар доим оғзидан шакар тўкилур.  
Севгидан бошқага бўйин эгилмас,  
Олдида сўфининг аҳди бузилур...

Ихчам бармоқлари қилда югурса,  
Жонсиз қиллардаги қуш каби сайрар.  
Енгил оёқлари йўрғалаб кетса,  
Сил бўлган кўнгил ҳам очилар, яйрар!

Қизил юзларида икки гажакча...  
Айниқса, кўп-кўркам бўлган шу кеча!..

## КЎНГИЛ

Кўнгил, сен мунчалар нега  
Кишанлар бирла дўстлашдинг?  
На фарёдинг, на додинг бор,  
Нечун сен мунча сустлашдинг?

Ҳақорат дилни оғритмас,  
Тубанлик мангу кетмасми?  
Кишанлар парчаланмасми?  
Қиличлар энди синмасми?

Тириксен, ўлмагансен,  
Сен-да одам, сен-да инсонсен,  
Кишан кийма,  
Бўйин эгма  
Ки, сен ҳам ҳур туғилғонсен!

*(Александр Блокдан)*

Кўнгил жимдир. Совуқ кўкда  
Қараб унга ёниб турган  
Ҳануз холи у юлдузлар.

Бутун атроф ва ҳар ёқда:  
«Нон, олтин!» – деб фиғон қилган  
Талашчи, ғалвачи эллар.

У жим; лекин фиғонларга  
Қулоқ берган ва кўз тиккан  
Узоқларга – йироқларга!..

## ОДАМ ВА ҚУШ

*(Русчадан)*

Гўзал қушлар! Менинг мунда борлигим  
Ҳеч сабабсиз қўрқитадир сизларни!  
Сира қўрқманг! Сайрай беринг эркинлаб,  
Кўнглингизда яширин ётган сирларни!

Ҳам далада, ҳам боқчада тинч бўлинг!  
Тутмоқ учун сизга тузоқ қўймаймен.  
Эркинликда эркили бўлиб яшашнинг  
Қимматини мен ўзим ҳам биламен!..

## БАЛЖУВОН

Фарёдим дунёнинг борлигин бўғсин!  
Умиднинг энг сўнгги ипларин узсин!

Ғазабдан титраган ёш бир йигитнинг  
Тоғдек сийнасига ўқлар ўрнашмиш,  
Тоғларда эрк учун юрган кийикнинг  
Қора кўзларига мотамлар кирмиш.

Дарёлар, тўлқинлар титраркан, бир эр  
Зарбалар қаҳридан йиқилмиш-қолмиш.  
Қутқариш юлдузи йўқликка кирмиш,  
Сенинг сўнг жонингни ёвларинг олмиш.

Мармара йўллари, Эдирна йўли,  
Чаталжа кенглиги, Бўғоз торлиги,  
Карпат баландлиги, Траблус чўли,  
Гўзал Селаникнинг ширин боғлари,

Шаҳидлар юзига томгучи нурлар,  
Қонлар йиғлатди-ку бизни бу хабар.

Берлин кўчалари йигитнинг бирин  
Тўп-тўлиқ, ғалвалар қўйнига олди.  
Тифлис ҳаволари бир нажот эрин  
Қора қонга бўяб ерларга солди.

Тарихнинг рангини кўп қонлар билан  
Қорартган, толдурган бироқ Балжувон  
Энг сўнгги умидни қонга бўяган.  
Оҳ, қандай уғурсиз замонлар келган.

Фарёдим дунёнинг борлигин бўғсин!  
Қоп-қора бахтимга шайтонлар кулсин!

## **КИШАН**

**Кишан, гавдамдаги излар букун ҳам битгани йўқдир!  
Темир бармоқларингнинг доғи буткул кетгани йўқдир!**

**На мудҳиш, на совуқ-манхус, на қизғанмас қучоғинг бор!  
Башар тарихининг ҳар саҳфасида қонли доғинг бор!**

**Юмилмас кўзларингнинг ҳар бири бир элни қаҳр айлар,  
Фақат бир борлигингдирким, бутун борлиқни заҳр айлар!**

**Қулф бирлан сенинг эркингда кўп йиллар қолиб кетдим...  
Фақат ҳар тебранишдан қутулишликни умид этдим.**

**Кишан, гавдамдаги доғинг ҳануз ҳам битгани йўқдир,  
Фақат буткул қутулмоққа умидим энди ортиқдир!..**

## ҚИШ ОЛДИДА

Кўклам кетидан ёзни узатдик, у-да кетди,  
Кузнинг-да булутлик, қора даври келиб ўтди.

Барглар яна сарғайди, тўкилди... яна бўшлиқ...  
Қушлар яна тўп-тўп қочалар... қарға фақат шод!  
Ҳар нарсада бир қайғи, қадар, ранги сўлишлик...  
Ичдангина, тинсизгина ҳар нарсада бир «дод»...

Дунё... яратилганда хунук, чиркин эмиш-да,  
Кўклам била ёз унга кийимлар кийгизармиш.  
Куз... ҳеч кўра олмас, ичи тор, қизгин эмиш-да,  
Ҳар нарсани сўлдирувчи қўлни тегизармиш.

Куз даврида дунё кийими қолмас эмиш-да,  
Қиш чоғида унга қарамоқлик-да ёмонмиш.  
Бир қарға фақат кўзларини олмас эмиш-да,  
Қарға шу учун қишда қуярмиш-да, ёнармиш...

Ҳолбуки, на куздан ва на қишдан юз ўгирмай,  
Ҳар қайсисидан кўнглим учун топдим ўйинлар.  
Ёзлар каби қишларда-да ҳам рангини кўрмай,  
Ўтмакда қуёш қўйнида кунлар каби тунлар!

Дунё кийими йиртиқ эса, қайғи керакмас,  
Куннинг бирида ерга тушар пахта каби қор.  
Дунё танига қор кийими нега келишмас?  
Оқлик ичида қоп-қора кўз... ўт каби чақнар!

Кўклам каби қишнинг-да гўзал гуллари бордир,  
Ёзлар каби қишларда-да олтин кечалар бор.  
Кўклам каби қишнинг-да гўзал тунлари бордир,  
Қишларда-да ёзлар каби жон – муғбачалар бор!

Кўклам-да кетиб, ёз-да битиб, куз-да тугалди,  
Эй қиш бобо, чиқ ўртага, навбат сенга келди!..

## БЎҒОЗЛАР МАСАЛАСИ

(Ярим жиддий)

Темир, чўян, пўлат, метин машиналар устидан  
Бошқаларнинг тупроғига қўлларини узатган,  
Милтиғи йўқ, қиличи йўқ ожизларнинг кўксидан  
Тилим-тилим яра очиб ғазабини қўзғатган,  
Ҳой мусюлар, ҳой господин, ҳой лордлар, барунлар,  
Парча-парча йиртилгуси сизлар тузган қонунлар,  
Ортиқ жуда йироқ эмас сизнинг учун сўнг кунлар!

Уялмасдан бошқаларнинг «бўғози»га чанг солиб,  
Ҳийла билан, макр билан эга бўлиб турибсиз.  
Ал-Жазиро, Арабистон, Эрон ва Ҳинд қўзғолиб:  
«Ё истиқлол, ё ўлим!» – деб чиқса, нима қилурсиз?

Улуғ ҳинднинг туб халқини икки динга ажратиб,  
Бирни-бирга олқишлатиб, қонин сўриб келдингиз.  
«Маданият» номи билан ҳар итликни қилдингиз,  
Чидаб келди бечоралар заҳар ичиб, қон ютиб.

«Адолат»нинг нурларини сочмоқ учун, «албатта»,  
Ҳар томонда олий ҳукм ҳайъатлари қурдингиз.  
Ажиб «одил», ажиб «тўғри» қонунларни ҳар ерда,  
Ҳар ўлкада «татбиқ» қилиб маъсумларни қирдингиз...

Қалбингизда билим – ирфон оловлари ёнадир:  
Маданийсиз, ҳурматликсиз, сенсирамоқ бўлмас ҳеч;  
Қўлингизда тўп, пулемёт, милтиқ, найза ва қилич!  
Шунинг учун шарқлик бир оз қовоғини соладир...  
Чаппасига дуо қилиб, сўкиб, қарғаб қоладир...

Фақат сизга қарғиш-дуо кор этмаски, қўрқсангиз,  
Шунинг учун сиз бемалол «маданият» тарқатинг!  
Шарқда оз-моз, қолган-қутган «ваҳшийлар»ни йўқотинг,  
Ота беринг, қира беринг агар фурсат топсангиз!



Сақланингим, машинани англамасин шарқлилар,  
Бу тилсимни сиз уларга кўрсатмоқдан сақланинг.  
Кўз солингим, милтиқ, тўпга ўрганмасин «ваҳшийлар»,  
У сеҳрни улар сира билмасинлар, кўз солинг.

Бир озгина қарамасдан, хабар топмай қолсангиз,  
Эҳтимолким, у сеҳрлар, тилсимларни ўрганиб,  
У шарқлилар, у «ваҳшийлар» сиздан бир оз... жирканиб,  
«Кет!» – демакка бошларлар-да, шунда сизнинг ҳолингиз  
Бир оз оғир бўлиб қолур, бу яхшимас, албатта.  
«Радек» деган ёзибдирким: «Шундай бўлса, кўп катта  
Тўполонлар кун ботишнинг ўзида ҳам бошланур,  
Юмшоқ жойда ўлтирганлар шупурилиб ташланур!»

Ҳой мусю, ҳой господин, ҳой маркиз, ҳой пан – барун,  
«Бўғоз»лардан маҳкам бўлинг шу иш бўлмасдан бурун!..

## ЎПКАЛАШ

*«Юнон газеталари Юнонистон ва  
Туркияга бир кўз билан қарамаганлари учун  
муттафиқлардан ўпкалаб ёзадилар».*

*(Радио хабари)*

Юнонлилар Анатўли тупроғида юрганда  
Унлар учун муттафиқлар «жуда яхши» эдилар.  
Энди келиб камолчилар лунжларига урганда  
Яхшиларнинг кўнглидаги ёмонликни билдилар.

«Дўст» деганнинг яхшиси бор, ёмони бор жаҳонда,  
Фойдалидир дўст тутганда афъолини саралаш;  
Эссизларким, бу ҳақиқат кеч билинган Юнонда,  
Йўқса, сира билмас эди бу кунгидай ЎПКАЛАШ!..

## ЭЪТИРОФ

*«Мен сартиялар маорифи учун кўп ишласам-да,  
натижада сўкишгина эшитдим...»*

*(Остроумов)*

Ҳа, тўрам, воқеан унутдик биз,  
Дарҳақиқат, муҳибимиздирсиз.  
Биз учун эрта-кеч демай ишлаб,  
Бизни руслаштиришни бошлаб,  
Роҳи ҳаққа етардингиз бизни,  
Аршларга кўтардингиз бизни...

Биз бу кун воқе озиб йўлдан,  
Бошқа йўлларни ихтиёр этдик.  
Айрилиб рус ва ерли «ишкўл»дан,  
Бошқа мактабга эътибор этдик.

Қани «семинов»? Қани «туземний газет»?  
Қани Саид Расул ва қози тўра?  
Ҳамма сортия бўлди энди жадид,  
Барча ишларни кўрдингиз пачава...

Яна сиз келдингиз, тўрам, энди,  
Балки, йўлларсиз эски йўлларга?..  
Бўйнимизга тотор, жадид минди,  
Интилиш, жон тўрам, бор унларга!

Балки, «оқ подшо»га нома битиб  
Ушбу ҳолларни арз қилгайсиз?  
Балки, «сорт» лафзини яна киритиб  
Бизга ифой қарз қилгайсиз?  
Эй тўрам, пойингизга минг ҳасанот,  
Ўтди амри ғурурингиз... ҳайҳот!..

## АЛАМЗАДАЛАР

«Ўликка йиглаш манъ қилинсун».  
(Маҳкамаи шаръия қарори)

Вой, бу қандай замонки, қандай иш?  
Йиғламоқ энди йўқ бўлар эмиш...

Бобом ўлганда биз отам бошлиқ  
Тўнимиз устидан чизгиб белни,  
Ушладик тол таёқни, кўз ёшлиқ,  
Йиғладик... йиғлатиб бутун элни...

Бизни кўрганда ҳар киши дедиким:  
«Баракалла, куйиб, ёниб йиғлар!»  
Бизда лекин гараз бўлак эдиким,  
Муни ақли тўла киши онглар!

Бобомиз ўлди, кетди... раҳматлик,  
Ўзи ҳам кўп ёмон қариб эди-да...  
Ўлиши бўлди бизга заҳматлик,  
Бу маҳалла-кўйи ёмон эди-да!

Бўйнимиздан ботиб кетиб қарзга,  
Ҳовли-жойларни, балки, сотгаймиз;  
Сўнгра бор-йўғимизни сарф қилиб арзга,  
Қозининг йўлларида ётгаймиз...

Вой, бу қандай қарор, бу қандай иш?  
Шу балоларми йўқ бўлар эрмиш?

## ХАДРАДА УЛОҚ

Сизга маълумки, Хадра тор бир жой,  
Дала эрмаски, бўлса кенг майдон;  
Топилар унда ош, кабоб, нон-чай,  
Ярашар унда бўлсангиз меҳмон.

От ўйин бор эди... фақат йитди,  
Тул бўлиб қолди эшаги, туяси;  
Саҳна ҳам паст томон учиб кетди,  
Жойи ҳам бўлди эҳтиёж уяси...

Кўчалар шунча торки, бир арава  
Ўтса, ёнига бир эшак сиғмас;  
Шундаки ердами улоқ, ол-ҳа,  
Бу хабарни ақл сира олмас!

Йўқ, афандим, бу тўғри хабар,  
Мен ўзим, худди мен ўзим кўрдим;  
Эчкини ўмгашиб келиб эрлар  
Чопқиллашганда... мен қараб турдим!

Хадрада катта бир улоқ бўлди,  
Эчкини хўп чўзишдилар акалар;  
Фарқи шулким – улоқчилик қилди  
Мунда бизнинг ботир милитсиялар!..

Хўп ишондимки, бизнинг отларимиз  
Юрт ва халқ хизматида қоим экан.  
Қилич осган ботир йигитларимиз  
Эчки тортиш ишида доим экан.

Рост хабар: Хадрада улоқ бўлди,  
Катта совринни ҳам шулар олди!..

## ЭРКИНЛИК ИСТАГИ

Эркин кўнглим чидай олмас бу сиқиқ,  
Бу боғланган, бу «эгалик» турмушда.  
Агар шундай кетаберса, бу аниқ,  
Тилак учун қила олмас бир иш-да.

Шунча чоқлар чидаб келган кўнглимга  
Бу кунгина ўз чизиғи тор келди.  
Гўё унинг қўл тегмаган бўйнига  
Ип боғланиб, жуда қаттиқ тортилди.

Ул интилиб, ул уришиб ётадир  
Тор қафасдан қутқаргали ўзини.  
Теваракка аччиқ қарғиш отадир,  
Билмадимки, қон босганми кўзини?

Бундан бурун ул кўп оғир тинларни  
Чидам билан, тинчлик билан ўткарди.  
Қаршисида авраб турган жонларни  
Кўра туриб қурамади, кеткарди.

Шунинг учун тубанларнинг тубани  
Ёвуз, бузуқ кишилар ҳам эркинча  
Таларлар-да, эмарлар-да, сўнг уни  
Сўкарларди орқасидан ҳар кеча.

Ул қандай тор, қандай сиқиқ ерларда  
Қандай бузуқ чизиқларда бўлмади.  
Ул қандай ҳур, қандай тубан эрларда  
Қилини ҳам қимирлатмай турмади.

Энди ул-да тор чизиқдан безгандир,  
Қайтиб унга киришликни истамас.  
У маъносиз «эгаликлар» эзгандир,  
Улар билан бир тин бўлсин туролмас.

Ул эркинлик, ўзбошлилик истайдир,  
Кетга қараб – ўлим бўлсин – кетмайдир.

## ҚИЗЛАРНИНГ ДАФТАРИГА

Кўнгил, тинмас кўнгил, энди етар, кўз тикма гулларга,  
Гўзалдир, ёшдир ул гуллар... фақат алданма унларга  
Ки, қизғонмас, кўнгил қўймас сенингдек оқкўнгилларга.

# ТУН

(Эркин шеър)

## I

Тун ёмон, тун қоронғи,  
Тун қўрқинч, тун азоб.  
Тунда эски ва янги  
Ҳар нарса хаёл, сароб.  
Туннинг узунлиги,  
Чуқурлиги кўп ёмон.  
Туннинг бузуқлиги,  
Ёлғизлиги беомон.  
Тунда ҳар нарсанинг товуши  
Йироқдан гувиллаб келар.  
Тунда кўп чоғлар юзимга  
Жинларнинг қўллари урилар.  
Оҳ, туннинг қалин пардаси  
Қандай гуноҳларни яширмас.  
Оҳ, туннинг товушсиз наъраси  
Ҳеч жонни қўрқитмай қолмас.  
Туннинг яширин қучоқларида  
Ўлимлар, қонлар тўлгандир.  
Унинг алдамчи боғларида  
Қанча ёш гуллар сўлгандир.

## II

Тинчланиб ўлтириб юлдуздан  
Эртақлар эшитмак бўлсам  
Ё ўзим истаб топган қиздан  
Бир қараш, бир кўриш сўрасам.



### III

Ҳар ердан қанча товушлар  
Девлардек наъра солурлар.  
Теграмда найза-қиличлар  
Жонимга ҳамла қилурлар.  
Салқин сув кони – булоқлар  
Кундузлар чанқанимда  
Ширширлаб кўнглимни йўқлар,  
Мен дарров олмаганимда,  
Баттароқ қайнаб оқарди.  
Бир хўплаб шунда мен ичсам,  
Қайфимга қанча ёқарди.  
Истардим: қўйнига қочсам,  
Оҳ, тунда оғу бўлар ҳар  
Манбадан томчи сув ичсам,  
Оҳ, тунда нозли булоқлар  
Кўнглимга тарқаталар ғам.

Бу тунда, севгили ёрим,  
Қолдингми мендан узоқда?  
Билмайсан, оғриқли бағрим  
Қон йиғлар тунда бу ёқда.

Бу тунким сирли, қоронғи,  
Йўлларда шарпа-да йўқдир.  
Кўнглимда тўп-тўла қайғи,  
Оҳ, йўллар қанча узоқдир.

Кел, энди ташлама, қўйма  
Бу туннинг қўйнида ёлғиз.  
Ҳижронни бошимга ёйма,  
Эй тундек сочи қаро қиз.

## КЕТ

Кет, кўзимни алдагувчи хоин нур,  
Кет, оловли чизифимдан нари юр.  
Кет, заҳарли қизғалдоқни ирғитма,  
Кўнглимдаги сўнг умидим йўқ этма.  
Кет, илоҳий виждонимни булғама,  
Бутлар билан тегарамни чулғама.  
Кет, эй тўққиз пари, гўзал қора қуш,  
Йиқиқ бўлган кўкрагимдан четда уч.  
Кет, севгимнинг улуғ ёви, кўринма,  
Лаънат сочиб ёнларимда юринма.

Эски дўстлар йўл адашиб ўлдилар,  
Янги дўстлар бунинг учун кулдилар.  
Янги йўлга оёқ босмай тўхтасам,  
Бу йўлларда қутулишлик йўқ десам,  
Сен ул чоқда қайси йўлга солардинг,  
Фалокатдан қандай тортиб олардинг?  
Унинг қўпол... қийнағувчи қилигинг,  
Кет, мангулик йўққа кўчсин борлигинг.  
Кет, малаклар достонини ўқима,  
Кет, аслсиз эртакларни тўқима,  
Кет, севгили кўкрагимга тинчлик бер,  
Кет, сенинг-чун қучоқ очган қора ер.  
Кет, жонимни қийнағувчи жоду – ҳур,  
Кет, кўнглимни алдагувчи ёлғон нур.

## АЛДАНИШ

Беш йиллик ёнишим бир йил учунми,  
Эркалаб ўтқувчи бир ел учунми?

Кўзимга кўринган саробми эди,  
Мен шунга алданиб тоғларми ошдим?  
Севгимнинг боқчаси харобми эди,  
Шу боқча ичида йўлми адашдим?

Кўзимни ўраган киприкми эди  
Ёки кўк тусида пардами эди?  
Кўнгил шу чоққача тирикми эди,  
Жоним кўклардами, тандами эди?

Қўлимни тегиздим... одам эди-ку,  
Кўзимда ўйнаган бир нур эди-ку.  
Сезгим-да соғ, тетик, бардам эди-ку,  
Бўйнимга қўл солган бир ҳур эди-ку.

Нега мен сезмадим? Ўт эмасмиди?  
Шул ўт ичидаги мен эмасмидим?  
Каъбамга осилган бут эмасмиди?  
Бутни Тангри деган мен эмасмидим?

Мен уни хаёлий, тотли бир севиш –  
Илоҳий муҳаббат, ишқ билан севдим.  
Беш йил... шунинг учун беш йил инглайиш...  
Ёниш, куйишларим... оҳ, энди билдим.

Оҳ, энди билдимким, барчаси хаёл,  
Барчаси бир тотли, роҳат туш экан.  
Кет, йўқол кўзимдан, ҳақиқат, йўқол,  
Бағримга ботмоқда оғули тикан!

Чиндан-да мен у кун ёлғизми қолдим,  
Чиндан-да у ўтли севги битдими?  
Чиндан-да турмушдан оғизми олдим,  
Чиндан-да умидим буткул кетдими?

Чиндан-да кўнглимда севги ўтлари  
Чўғсиз ўчиб қолган шамдек ўчдими?  
Чиндан-да каъбамнинг санам, бутлари  
Кул-парча бўлдими, буткул кўчдими?

Чиндан-да мен букун севмасми бўлдим,  
Чиндан-да муҳаббат ўтими сўнди?  
Чиндан-да мен букун тиканми юлдим,  
Кўнглим бу алданишга, оҳ, қандай кўнди?

Севгимнинг яшаши бир йилми эди,  
«Ғув» этиб ўтгувчи бир елми эди?

## **ИШҚ**

### *Усмонлича*

Илк аввал кўзимни ишқ ила очдим,  
Ишқнинг майдонига қоними сочдим,  
Ишқсиз ўлкалардан у онда қочдим,  
На замон боғладим зуннор ишқи.

Ишқ дея айрилдим диндан, имондан,  
Англамам ҳеч бир жой инсоф, виждондан,  
Ишққа сажда этдим, бўлдим у ондан  
На замон қатл этдим куффор ишқи.

Жаннат баним учун қуруқ саҳродир,  
Ишқнинг саҳросиким, банга маъводир.  
Аксини сан банга нақадар қондир,  
Қонмам, чунки билдим гулзор ишқи.

Ишқнинг майдонида бир жаҳлу оним,  
Бир маҳшар қўпарур ҳар дамда қоним,  
На буюк баним, боқ, ишққа имоним,  
Яра тиз чўқдирди жаббор ишқи.

Бан ишқнинг мулкина ягона хоқон,  
Банга бўйин эгар бор жумла султон,  
Инонир ўрдума шуйла бир боққан,  
Кўр инжа саф биста ашжор ишқи.

Сўйларкан дилларим на ёмон сўзлар,  
Ёзаркан қаламим на ҳазин оғлар,  
Соддадил бунлардан на маъни онглар,  
Билмаз-ку ўлдуғин изҳор ишқи.

## БИТДИ

Бер қўлингни, шу титраган қўлим билан сўнг дафъа  
Бир қисайин, сўнгра ортиқ у қўлларга тегмак йўқ.  
Кўзларингни сўнгги марта тушир хира кўзимга,  
Кўкрагимга киприкларинг сўнг мартаба отсин ўқ.

Кўкимизда ҳануз учмай қараб турган юлдузнинг  
Кўр юзини: айрилиқнинг кузи билан сарғайган.  
Сен кетасан, юлдуз учар, ёлғизликда ташланган  
Ўксигингга ҳаёт бермас ёғдулари кундузнинг.

Бер қўлингни сўнг мартаба ёлғиз қолган ўксикка,  
От ўқингни сўнг мартаба алам кутган кўксимга.

## «ОППОҚ ОЙ»

Қучоғингда қалтираймен, титраймен,  
Ортиқ сендан безди кўнглим, «оппоқ ой».  
Йўлни очсанг, энди бундан кетамен,  
Кўклам яқин келган дейлар, бир қарай.

Кўкдан тушган енгил, оппоқ парлардан  
Қудрат қўли сенга кўйлак тўқийди.  
Учиб келиб узоқ-яқин ерлардан  
Бир тўп қарға мадҳиянгни ўқийди.

«Кўклам яқин!» – деган сўзни эшитиб  
Кўзларингга замҳарирдек ёш келди.  
У ёшларинг жумак бўлиб, уюшиб  
Осилдилар... бўйнинг ерга эгилди.

Ҳовуз юзи икки қарич муз бўлган,  
Ёш болалар тийғанишиб ўйнайлар.  
Ушиб, тўнгиб масжиддаги чол ўлган,  
Етим қолган болалари йиғлайлар.

Жарқишлоқнинг йўлида ҳам шаҳарга  
Қаймоқ ва сут келтирувчи бир бола  
Тўнгиб ўлган, ҳар кун эрта-саҳарда  
Шундай қилиб бир неча жон йўқ бўла.

Қучоғинг-да жуда совуқ, «оппоқ ой»,  
Кўклам келсин, бир севинай, бир ўйнай.

## ЮРТ ЙЎЛИ

Узоқ... оғир йўлга чиққан йўлчимен,  
Бу йўлларда қилоғузим юлдуздир.  
Мен юртимнинг пок истакли кучимен,  
У юлдузнинг тугалиши кундуздур.

Томирларим олов каби қайнаган,  
Қонларини кечмишлардан олмишдир.  
Билагимда ирғиб, чопиб ўйнаган,  
Унутмаким, оёқларинг толмишдир.

Узоқ йўлнинг йўлчисимен, борамен,  
Истагимни бу йўллардан оламен!..



## НИМАНИНГ ҲИДИ?

Билмайман: бу ҳидлар ниманинг ҳиди?  
Руҳим ҳидлаш билан англаган эди...

Маъвуд жаннатларнинг энг гўзалида  
Энг гўзал малика атирлар сочди.  
Кўкларнинг энг нозли ўйноқ париси  
Атир қутисининг оғзини очди.

Кўнглимни мулойим қитиқлагувчи,  
Ўзида бир турли сир сақлагувчи  
Бу ҳиддирким, ҳориган, чарчаган дилга  
Янги умид, тоза қувват бергувчи...  
Муҳаббат булбули берилди тилга.

Эзилиб-эзилиб йиғлаган кўнгил,  
Азалдан юмшоқлик кўрмаган кўнгил,  
Гуллик боқчаларда юрмаган кўнгил,  
Ўзини гулларга урмаган кўнгил  
Азал малагидан бир ҳид ҳидлади,  
Эсирди, йиқилди, ўзи билмади...

Ҳидсиз тилакларнинг тотли умиди  
Сонсиз ҳавасларни кўнглимга солди.  
Оппоқ маликанинг тарқатган ҳиди  
Танимни, руҳимни, жонимни олди.

Энг тотли ҳаваслар сингувчи ҳидни  
Руҳим ҳидлаш билан англаган эди.

## КАПТАР

(Семирамис-Семирамида)

*Семирамис-Калдонива – осурийлар хурофотида маъбуда саналиб юрган бир қиз. Бош томони қиз, танаси балиқ бўлган эмиш. Онаси уни туққандан кейин қамишзорга ташлаган, унда уни каптарлар ўсдириб, парвариш қилганлар. Шу учун исми каптар маъносида Семирамис қўйилган. Қалъалар фатҳ этган, кўп урушлар кўрган, Ҳиндистонга қадар борган бир фотиҳа эмиш.*

*Мисрда бир парихонга фол очдирган, ўша фоли тўғри келиб, охирда сувга тушиб йўқ бўлиб кетган эмиш. Ўрнига ўгли подшоҳ бўлган. Ўзи кечалари денгизга чўқар, кундузлари ҳукм сураб экан.*

*Бир ривоятда Семирамис турк қизи бўлиб, Эрон подшоҳларидан машҳур Кайхусрав-Кирни ўлдирган эмиш.*

Эй денгизнинг сувларидан қудрат олган ботир қиз,  
Кел, шундоғи тутқун қизга ёлборайлик иккимиз.  
Сен сувларнинг кўпигидан оқ чечаклар терганда,  
Сен қиличдан илҳом олиб кун чиқишда юрганда,  
Сенинг билан бирга чопган, бирга учган оналар  
Нима учун бу тутқунлик оловида ёналар?

Сен кундузлар қизгин қуёш ёғдусида ёнаркан,  
Тонг отганда танларингдан денгиз суви томаркан,  
Кенг далада қушлар каби қанот қоққан оналар  
Нега ёлғиз оғуларга, заҳарларга қоналар?

Сен эркаклар кийимида зўр қалъалар очганда,  
Отларингнинг чангларини Синд бўйига сочганда,  
Йўлларингда қон денгизи кўпирганда, тошганда,  
Сенинг каби истагига эга бўлган оналар  
Нега бугун турмушдаги ҳар тилакдан тоналар?

Сен Мисрда гўзал Нилнинг уйқусини бузмасдан,  
Нимагадир ҳовлиқмасдан, кўпирмасдан, қизмасдан,  
Йўлингдаги жонсиз ётган чўпларни-да узмасдан  
Қари қоҳин маъбадига юрганингда, сезмасдан  
Кечаларнинг сирларини... тўлиб ётган оналар  
Нима учун тонгга қадар қон-ёш тўкиб қолалар?

«Мен дунёда хотин бўлиб яратилган эдим-да,  
Энг қахрамон эркаклардек мўъжизалар кўрсатдим!» –  
Деб ёздирган сўзларингни бўз қирларда кўрдим-да,  
Тутқун бўлган оналарни қутқармоққа аҳд этдим!  
Бу аҳдимга етмак учун сендан кўмак кутамен;  
Кел, бу йўлда кўмаклашсанг, ҳар тўсиқни ўтамен!

Эй денгизнинг тубларига қочиб кирган каптар қиз,  
Кел, мундоғи оналарни уйғотайлик иккимиз!..

## МАСТЛИКДА

(Х.Саъдийга)

Май бу кун шишадан тошиб чиқмишдир,  
Унинг бир томчиси ерга тушмасин;  
Уни хаёлимиз амал демишдир,  
Амаллар мажлисдан четга кўчмасин.

Майлар шишаларда қўшиқлар айтиб  
Бизнинг ийдимизни қутлаб турадир.  
Майнинг кўпиклари минг қатла қайтиб  
Мажлис лаззатини сўзлаб турадир.

Майнинг атрофида эски ўртоқлар  
Йиғилиб, ўлтуриб суҳбат қилалар.  
Мажлис шодлигини кўриб «оппоқ»лар  
Ҳурмат юзасидан салом бералар.

Майнинг кўпиклари тутқин ўғлини  
Қайғи чоқларида юпатиб турсин.  
Мастликда ўрганиб ўнг ва сўлини,  
Ўксик болалари у йўлдан юрсин.

Майнинг кўпиклари кўзнинг қораси,  
Мастлар ўлсалар-да, «эслик» қолғуси.

## ИСТИҚЛОЛ

*«Туркияга биз истиқлол берамиз».*

*Керзон*

Керзон тўра истиқлолни тарқатадур бемалол,  
Шунинг учун билмак керак; у қандақа истиқлол?

У шундоғ бир истиқлолки, Туркияга берилмиш,  
Уни олган Туркияни кўрамизким, ҳур бўлмиш:

Пойтахти Истанбулга тўлиб олган инглиз,  
Турк халқидан у ерларда на бир асар, на бир из.

Султонини қурчоқ қилиб ўлтурғизиб қўйганлар,  
Қанотини синдирганлар, парларини юлганлар;

Ҳар ҳаракат, қилиғига қоровуллар қўйганлар,  
Бир он эркин тушунганнинг кўзларини ўйганлар;

Бошларида ўйнаб турар «маданият» таёғи,  
Энг муқаддас жойларида номаҳрамлар оёғи.

Ёт юнонни олқишлашиб турк устига солганлар,  
Қизларининг иффатини, номусини олганлар.

Анатўли бошдан-оёқ куйдирилган, таланган,  
Турк юртида турклар учун ҳеч бир нарса қолмаган.

Турк юртини туркдан софлаш инглизлар қўлида,  
Пулемётлар, замбараклар истиқлолнинг йўлида...

Керзон тўрам, биз биламиз, у қандақа истиқлол,  
Олатурғон аҳмоқ бўлса, бераберинг бемалол!

## **СЕВИНЧИНГНИ ҚУРАЛА!**

Уёлмасдан, тортинмасдан ҳар кишининг ёнига  
Ўйнаб келган, кулиб келган, эй гуноҳсиз ёш бола!  
Сенга ҳали жуда узоқ кирмак одам сонига,  
Шунинг учун сира тинмай севинчингни қурала!

Янгигина япроқ ёрган эрка, тоза бир гулсан,  
Шунинг учун ҳар бир назар, ҳар қарашинг тозадир.  
Ҳар боқчада, ҳар дарахтда шарақлаган булбулсан,  
Ҳар сўзингни бир фаришта қанотига ёзадир.

Бу борлиқнинг қайғусини англамаган ёш гўдак,  
Пойларингга ўралашар қайғу эмас, гул-чечак!

## КОЙИШ

*«Муаллимлар билан ўз бошича аҳднома  
(договор) бозлагани учун Хўжанд маориф  
шўъбасига Наркомпрос томонидан койиш  
(порицание) эълон қилинди».*

*(Хабар)*

Эй хўжандлик, шўринг қурсун, бўйинг куйсин!  
Билмайсанми: мусулмонлик аста-секин.

Ўлкамизнинг ҳар ерида ғафлат ривож,  
Аҳли ислом ширин-ширин ухламоқда.  
Дарди борлар изламайлар даво-илож,  
Аҳди имон фақат савоб тўпламоқда...

Мактаб нима? Ўқиш нима? Ўйловчи йўқ,  
Мактабларнинг борини ҳам ёпмоқдалар.  
«Билим», «ҳунар» сўзларини сўзловчи йўқ,  
Ёш ва қари «Худойим» деб ётмоқдалар.

Фақат Хўжанд... хўжандликни Худо урган:  
«Мактаб» сўзи унда кўпроқ айтиладир.  
Наркомпрос планини бошқа қурган,  
Хўжанд бўлса ўз йўлида иш қиладир.

Наркомпрос бир кичкина Хўжанд учун  
Саккиз мактаб очмоқликка рухсат берган;  
Осий Хўжанд ул рухсатдан товлаб бўйин,  
Мактабларни саккиз эмас, ўн тўрт қилган!

Тагин бунинг иккитаси қиз мактаби...  
Биродарлар, мусулмонлик қайда кетди?

**Яна бўлса ҳовлиққанлар Хўжанд каби,  
Ул вақтда мусулмоннинг иши битди...**

**Хайриятким, бундай ёмон кишиларга  
Наркомпрос ўз вақтида назар солган.  
Хўжанддаги маорифчи кишиларга  
Буйруқ билан қаттиқ «койиш» юборилган.**

**Хўжандликнинг бу ишлари уят... ордир,  
Наркомпрос койиса ҳам ҳаққи бордир...**



## ЛУЗОН

Мармара бўйларида шовқин-сурон,  
Жонланиб қутурмоқда осий бўрон.

Византа деворлари силкинмоқда,  
Бандилар озодликка интилмоқда.

Тождорлар, ҳукмдорлар сиқилмоқда,  
Саройлар, салтанатлар йиқилмоқда.

Сувсаган қиличларнинг шақирлаши,  
Тўпларнинг тошга тегиб тақирлаши,

Қулликка исён қилган ботир қўшун  
Милтиқлар, тўплар билан ўйнар ўйун...

Қўшуннинг орқасида исёнчи халқ  
Арслондай бўкирмоқда: «Ўлим ё ҳақ!»

Сув ичра... гўзал Лузон... гўзал сарой...  
Муҳташам иморатлар... зийнатлик жой...

Трамвай... ўт-ароба... учар отлар...  
Баронлар... хўжайинлар... улуғ зотлар...

Талаблар... маслаҳатлар... гаплар-сўзлар...  
Асабий юзлар билан қонхўр кўзлар...

«Шарқлик ҳам одаммиди?» – деган қараш,  
Мақсадлар, вазифалар – Шарқни талаш...

Айталар: шарқлик учун фақат кишан,  
Кишаннинг натижаси: қонсиз кафан...

Турса бутун Шарқда осий бўрон,  
Кишанни қалинлатар Лузон – музон!..

| 1923

## **МЕНИМ ЙЎЛЛАРИМДА**

Меним йўлларимда чўзилган тоғлар,  
Қорга қўйин очган қатор довонлар,  
Кўзларим йўлларга тикилган чоғлар  
Кўнглимда йўл юриш истаги қайнар!

Қорга қўйин очган қатор довонлар,  
Сизга қараб туриб кучим чоғладим.  
Кўнглимда йўл юриш истаги қайнар,  
«Юриб ўтаман!» – деб белни боғладим!

Сизга қараб туриб кучим чоғладим,  
Меним йўлларимда чўзилган тоғлар!  
«Юриб ўтаман!» – деб белни боғладим  
Кўзларим йўлларга тикилган чоғлар...

## БАС ЭНДИ!

Етар, бас, чекдан ошгандир  
Бу қарғиш, бу ҳақоратлар!  
Тўлиқдир, балки, тошгандир  
Тубанлик ҳам сафолатлар!

Қўлимда сўнгги тош қолди,  
Кўнгилда сўнгги интилмак.  
Кўзимда сўнгги ёш қолди,  
Кучимда сўнгги талпинмак!

Бу қарғиш, бу ҳақоратлар  
Кучимни тортмоқ истайлар.  
Тубанлик ҳам сафолатлар  
Ўзимни ютмоқ истайлар!

Кўнгилда сўнгги интилмак,  
Шу ҳолда кетмак истаймен.  
Кучимда сўнгги талпинмак,  
Амалга етмак истаймен!

Қўлимда сўнгги тош қолди,  
Ёвимга отмоқ истаймен!  
Кўзимда сўнгги ёш қолди,  
Амалга етмак истаймен!..

## ЧЕЧАК

*(Бир кечанинг эсдалиги)*

Янгигина япроқ ёриб чиққан чечак  
Беш-олти кун ҳар ким учун тансиқ бўлур.  
«Битди иси», – деб ташласа бирор тентак,  
Ҳар ким тепса, ҳар ким эзса, у ҳақлидир!

Беш-олти кун кўкракларда улуғланиб,  
«Мен гўзалман, чиройликман!» – деган гулни,  
Ерга тушгач, олиб кўринг... сўлғинланиб,  
Ўлим тусли ранги билан истар чўлни

Ва айтарки: «Агар чўлда, биёбонда  
Бир ёввойи, ҳидсиз чечак бўлса эдим,  
Узиб олиб ерга урмас ҳар инсон-да,  
Кенг саҳрода ўзим яшнаб сарғаярдим!

Ҳар хоин қўл мени ерга урмас эди,  
Ҳар бир оёқ кўкрагимдан юрмас эди!...»

## БАҲОР КЕЛДИ

Йўқсилларни ингратгучи қиш кетиб,  
Баҳор келди, гулбарралар очилди.  
Ваҳимали қиш биноси йиқилиб,  
Гўзал баҳор эшиклари очилди.

Бу севгили қўноқ учун қувониб,  
Қўнгил очмоқ истаб қирга чиқармиз.  
Ўйнаб-кулиб, гулбарралар теришиб,  
Югуришиб адирларга чиқармиз.

Баҳор билан бирга келган булбуллар  
Боқчаларда нола қилиб сайрашар.  
Қизил гулнинг қаршисига қўнишиб:  
«Гунча тугиб очилгин», – деб сўрашар.

Булбулларнинг музиқадек овози  
Руҳимизга ширин озиқ берадир.  
Жилва билан турса баҳор шамоли,  
Димоқларга шодлик иси келадир.

Қуллуқ сенга, гўзал баҳор, хуш келдинг,  
Энди тоғда қизил гуллар очилсин.  
Олма, ўрик, шафтолилар гуллашиб,  
Майдонларда кўк майсалар кўкарсин.

## УЧ-ТҮРТТА ЮЛДУЗ

Гүристон, қоронғи. Зим-зиё бўшлиқда  
Адашган бир йўлчи тасаввур қилингиз,  
Қўрқасиз! Қўрқасиз!..

Ва лекин уфқда

Уч-тўртта юлдузнинг ўчмасдан, ярқираб,  
Нур сочиб тургани кўрилса... дилингиз  
Қўрқишдан бир қадар тўхтар-да, ярқираб  
Кўзингиз олдида бир умид кўринур.

Шу умид қутулиш тонгининг нуридир!..

## БАЛАНДЛИКДА

Оқшом чоғи мунда кел-да, сайр эт  
Қобуси адам билан фанони.  
Интилма самога, тўхта, сабр эт,  
Бу ерда таниб ол оқу қарони!..

## КЕЧ КИРИШ

Баланду паст, катта-кичик бинолар,  
Қизил, кўм-кўк, яшил томлар устида  
Ола-була, қуюқ-суюқ булутлар...  
Кўкни қоплаб бир томонда тўпланган!  
Кун ботадир... Тарқов, ёйиқ лолалар  
Унда-мунда булутларнинг юзида  
Сил юзидек ранги кетиб сўлиблар...  
Қоронгилик Шарқ томондан қўзғалган!

Шом азони... Муаззиннинг йўсинсиз,  
Кучсиз товши титрабгина чўзилган...  
Ёмғир пича ёғиб ўтган, бузилган –  
Қинғир кўча четидаги узун из  
Қисмат излаб ҳар томонга тарқалган.

Катта-кичик, ёшу қари бўшашиб,  
Ҳориб, чарчаб секингина қайтадир.  
Маҳалланинг бир ерига тўпланган  
Бир тўп бола... турлик ўйин ўйнашиб  
Кетганларни кутадир.

Белгисизлик қанотини кенг ёйиб  
Коинотни қучоғига тортадир.  
Чироқлар ҳам жин кўзидек йилтиллаб,  
Хира қараб, мунғайиб  
Кўриндилар килкиллаб...

Ёмғир суви ер бағрида ётадир...



## ИРФОН КЕЛАДИР!

*Ўзбек билим юртини биринчи мартаба  
битириб чиққан беш кишига багишлаймен.*

Шу йигитларки қўлга нурли асо  
Ушлашиб йўлчиликни кўзлайлар.  
У улуғ йўлки, бир буюк саҳро,  
Чин саодатни шундан излайлар.

У қуруқ кимсасиз, ваҳм йўлдан  
Чарчамай-сувсамай ўтиб кетмак;  
Туганмай ўтлик интилиш дилдан,  
Бор тўсиқларни йўқ этиб кетмак.

Шу ёмон зим-зиё, узун кечалар  
Бизни ютмоқ, битирмак истайлар.  
Эскилар қутқозишга келмайлар,  
Балки қонларни томчилаб ичалар.

Тоза қонларга иштаҳа сақлаб  
Кутадири йўлда оч, ҳарис душман;  
У улуғ йўлни нур билан тозалаб  
Етасан истагингга, эй ирфон!

Чунки сен янги, тоза бир кучсан,  
Билагинг бир темир, пўлат кабидир.  
Чунки сен ёғду-нурга кўп ўчсан,  
Тилагинг бир олов, бир ўт кабидир.

Сен учун йўқ ўлим, мозор, йўқолиш;  
Сен учун бор ҳаёт яшаш, уриниш.  
Эзгу истакка тўғрилаб йўл олиш  
Ва у йўлларда чарчамай югуриш!

Шу тилакларга зўр, улуғ ҳурмат!  
Шу юракларга сўнги йўқ ҳиммат!..

## ЯНА ЎТ

Яна теграмда ўт, олов, учқун,  
Яна кўкларда сор ва бургутлар;  
Яна қўзғалмоқ олдида тутқун,  
Яна сарҳадда «ур», «йиқит», «тут!»лар.

У оғир занжинингни шалдиратиб,  
Қари Шарқ, сен-да қўзғалурсанми?  
Уюшиқ қўлларингни қалтиратиб  
«Маданият»га шоп солурсанми

Ёки ўтгандаги эринчаклик  
Яна йилларча тебратурми сени?  
Ёки бир ҳовлиқар-да эркаклик,  
Қонли майдонга тезлатурми сени?

Қўзғалиб кетганингни бир кўрсам,  
«Қутулурман!» – деган ишонч бўлса,  
Кишанинг парча-парча тўғралса,  
Қутулиш изларингга юз сурсам!

Руҳи йўқ бир «машин» олдида  
Нега ерлар қадар тубанландинг?  
Нега жонсиз темирга боғландинг?  
Хўрланиш шунчаларми инсонда!?

Яна ҳар ёнда ўт ва учқунлар,  
Яна қўзғалди қонли тўлқинлар!..

## ОЙ ҚҰЙНИДА

*Шафтоли келинчак,  
Унинг қўйнида мен тентак...  
Мен богингга кирмасдан  
Одоқ бўпти емасдан.  
Мунча тўлиб йиглайсан  
Мен қўйнингга кирмасдан?!*

*(Халқ қўшиғи)*

Бир томчи тўкилган ёш учун шунча сўлишми?  
Бу боқчада гул кўп эди, сўлди амалимдек!  
Кўнгилда бирор шарпани сезсам эди, гулдек  
Ўлганда-да сен менда кўрардинг севинишни!

Шафтолида ой нурини кўргач яна руҳим  
Ойлар каби ёш даврига суқлар каби боқди.  
Ёшлик ўзи севгинг каби, тортилмади бир зум,  
Бир зум ўзи, бир гул ўзи... дўзах каби ёқди!

Кўп титрама, кўп ўйнама, кўп қайнама, эй барг!  
Ҳирс кўзлари соф кўксингга оғули тикандек  
Бир ботса-да, йиғлатса-да, додлатса-да, мендек  
Ҳар кўзга боқарсанки: «Топилмас тоза истак!»

Мендан сўра: ёлғиз мана мен алданиб ўтдим,  
Ҳар саҳфаси, ҳар япроғи «алдаш» бу китобнинг!  
Бир ўққа илинмасми, тилинмасмиди жонинг?  
Ой қўйнида тонг отгунча сенга шуни айтдим...

Бир томчи тўкилган ёш учун шунча сўлибсен,  
Алдамчи, фано кўзлара тентакча кулибсен!..

## ҚИЗ ҚҰШИҒИ

Ўксук кўнгил қуши  
Тушди қафасга,  
Сира етолмайдир  
Эркин нафасга.  
Қора кунлар тушди меним бошимга.

Сиқиқ қафасларда  
Яйрай олмайман.  
Жаннат боғлар бор-ку,  
Сайрай олмайман.  
Ёмон кунлар тушди меним бошимга.

Қип-қизил қон бўлиб  
Кунлар ботадир...  
Ёмон ҳидга тўлиб  
Тонглар отадир...  
Оғир кунлар тушди меним бошимга.

Жаннат каби боғлар  
Булбулсиз қолган...  
Осмон бўйи тоғлар  
Қулунсиз қолган...  
Қийин кунлар тушди меним бошимга.

Кўз ёшимда ювсам  
Юртнинг бағрини.  
Тилим билан сўрсам  
Оққан қонини...  
Қонли кунлар тушди меним бошимга.

Ҳасратим кўп, элга  
Айта олмайман.  
Армоним кўп, дилга  
Жойлай олмайман.  
Ўтли кунлар тушди меним бошимга.

**Қафасларни бузиб**  
**Учсам осмонга!**  
**Кишанларни узиб**  
**Етсам жононга!..**  
**Ёрсиз кунлар тушди меним бошимга.**

# МЕН ҲАМ СЕВАМЕН!

## 1

Ойдин кечаларда кўкка кўз тикиб  
Ёруғ юлдузлардан севги кутдим мен.  
Ҳар юлдуз тифига руҳ билан тегиб  
Узун тунлар бўйи кутиб ўтдим мен.

Юрганда, турганда ҳар гўзал нарса  
Меним кўзларимга севги кўринди.  
Севгига ёт бўлган ҳақиқий шуъла,  
Ўтлар, оловлар-чи,  
пирпираб сўнди!

Йигитлик кўкариб, яшарган дамда  
Ҳар юмшоқ товушга тутқин бўлдим мен...  
Ҳар гўзал чеҳрага кўнгил берганда  
Борлиқни у учун қурбон қилдим мен...

## 2

Энди у кунларим ўтиб кетдилар...  
Энди турмушимда ойдин кечлар йўқ.  
Вафосиз севгилар учиб битдилар...  
Англадим: севгида ҳар кўнгил бузуқ!

Кўнглим қуруқ эмас, яна севги бор,  
Фақат бу севгида алданиш йўқдир.  
Ҳорган кўзларимда хаёл яна бор,  
Фақат у хаёллар нурдан тиниқдир.

Энди ҳар нафасда яна куямен,  
Фақат Мажнун бўлиб элни севамен,  
Унга ҳурмат билан бўйин эгамен,  
Бошимни у учун дорга қўямен!..

## ҚУРБОН

Кўча чанг... тупроқда кўз очиб бўлмайдир,  
Кун иссиқ, ҳарорат нафасни бўғадир.  
Кўча танг... тиқинда йўл очиб бўлмайдир,  
Юракда борлиққа зўр нафрат туғадир.

Тили йўқ, гуноҳсиз ва ювош ҳайвонлар  
Муқаддас ном билан юз минглаб сўйилур.  
Озмиди тўкилган шу қадар пок қонлар,  
«Савоб» деб, «қурбон» деб янами қуйилур?

Бир элким беш йилдир қонларга беланган;  
Отаси ўғлини «душман» деб бўғадир.  
Сўнг бурда нони ҳам қолмасдан таланган;  
Ёш гўдак боласи: «Бир бурда нон!» – дейдир.

Очлик ҳам ҳар куни «қурбонлик» сўрайдир,  
Ҳар куни унга ҳам юзларча қурбонлар.  
Қирилиб тугалиш даҳшати ўрайдир,  
Янами беҳуда гуноҳсиз, соф қонлар?

Бир бурда нони йўқ гўдакка бергали,  
Мингларча қўйи бор қурбонлик қилгали!..

## ЎЗИМНИКИГА

Кўп кўркам чечаклар ўраб олганда,  
Беҳуда ҳирсларим ҳийла қийнади.  
Бутун кўркамликни сен менга сақла,  
Сендан бошқа гуллар «ўз эмас» энди!..



## ҒАФЛАТ

*«...Биз олам китобини янглиш ўқиймиз-да,  
«У бизни алдайдир», – деймиз».*

*Р.Тагор*

Тонгларнинг сирлари тўрни кенг ёйганда,  
Биз ғофил, уйқунинг қаърида қоламиз.  
Тўлган ой кўкларда сузилиб борганда,  
Биз қўпол, тўнгликнинг қаҳрида қоламиз.

Ёлғонлар, алдашлар бошланган дамларда,  
Уйқумиз очилиб, борлиққа чиқамиз.  
Бир замон: қиличлар ҳеч турмас қинларда...  
Шул замон биз ҳатто кўкларда учамиз.

Дерларки: «Ойларнинг нурида вафо йўқ!»  
Демаслар уларки: «Айб бизда, биз бузуқ!»

## СОМОН ПАРЧА

«Кундалик дафтарим»дан

*«Даҳр бир селобдир мулҳақ фано дарёсина,  
Биз-да саргарониз ул селоба душмиш хору хас.  
Чиркинур хору хас ул селоба ўлдикча равон,  
Етмадан дарёя роҳат мумкин ўлмаз бир нафас...»*

*Фузулий*

Топширдим ўзимни муҳитнинг эркига...

Муҳит гирдобида бир сомон парча,  
Бир похол чўпидек оқиб борамен.  
Ҳар амал, ҳар ишни «ҳақ» деб борамен,  
Вазминим қолмади бир узуқ қилча...

Муҳит кучлик экан, эгдим бўйнимни,  
Чақмоқдек ялтираб учиш йўқ энди.  
Ёлғон хаёлларга кўчиш йўқ энди,  
Оқишнинг йўлига солдим кунимни.

На исён, на тўлқин, на тўфон, на ўт!  
Кўзимда оғир бир таслим нури бор.  
Эй ўтли кечмишим, юзингни беркит,  
Сенда шайтонларнинг ҳақсиз зўри бор.

Мен энди худди бир сомон парчаси...  
Локин зўр денгизнинг чексиз қўйнида,  
Жимгина борадир кирсиз қўйнимда  
Эркин кўпикларнинг аллақанчаси!

Кирмаймен кўчанинг боши беркига,  
Чунки таслим бўлдим муҳит эркига...

# ОКТАБРЬ ҚИЗИ

(Достон)

## I

Шовқин, ғалва, қий-чув босилди. Парда кўтарила бошлаган эди. Ёшлигидан қаттиқ гапириб, шовқин қилиб ўрганган кишилар ҳозиргина давом эттириб турган шовқинларини тўхтатиб жим бўлдилар. Ҳар ким турган ўрнида сўнгги вазиятда қимирламай тик туриб қолди.

Кенг, чўзиқ саҳнада (залин-да) ингиллаб учиб боргувчи чибиннинг товуши ҳам қулоққа баҳузур эшитилар эди.

Кўзлари саҳнага тикилган ҳар бир кишининг кўкраги кўринмаган бир нарсани кўрадиган чоғдаги каби юқори-қуйи ҳаракатини тезлатган; ҳар ким ҳаяжон билан тин ола бошлаган эди...

Кўк қарғашойидан узун ва текис кўйлак кийган, узун қора кокил сочли ёш бир қиз чап қўлида дуторини ушлагани ҳолда саҳнага чиқди ва саҳнанинг ўртасида туриб келинчакларнинг қайноналарига берган саломлари каби тавозелик салом берди...

Саломга «алик» ўрнида бир қарсак тўфони кўтарилди.

Қиз қарсаклар остида саҳнанинг юқори томонида устига шер териси пўстак ёпилган супачага келиб ўтирди. Дуторнинг қиллари устида унинг бармоқлари шамол юмшоқлиги билан югура бошлаб, унинг ҳали бузилмаган қиз товуши саҳна ва саҳна шипларига урилишиб, суйкалашиб чопиб юрган чоғда мингларча кишини қўйнига олган кенг ва узун саҳн гўр тинчлиги, ўлим жимжитлигига ботган эди...

## II

У ўзи отасиз, онасиз, қавм-қариндошсиз, етим бир ўзбек қизи эди. Унинг қизлиги етилиш нуқтасига яқинлашиб келганда ўзбек саҳнаси ҳам ёш ва чанқоқ қучоғини ёш кучларга эркин очиб келар эди.

Ўзидаги содда ҳавас ҳам оила ҳаётида бўлган эркинлик уни тўрт девор орасидан тортиб олиб саҳнага отди. Саҳна, санъат-

корнинг масрур қучоғида халқ дардларини яшатмоқ истаган ўтли ёшлар уни ўзбек саҳнасининг илоҳий бири гули каби қарши олдилар. Унга бир оз тарбия бердилар, унга оқ-қорани таниттирдилар, уни саҳна билан яхши таништиргач халқнинг ўз дардларини ўзига тўкиб бермак учун саҳнага чиқардилар.

Ўзбек қизининг ўз оғзидан, ўз тили билан тўкилган ўзбек дардлари ўзбек дуторининг ижирғанувчи товушлари билан бирга ўзбек халқининг занг босиб келаётган дилларига шунча яхши таъсир қилдиким, занглари секин-секин ювилиб, артилиб боргандек бўлдилар. Шунинг учун халқ руҳи уни севди.

У саҳнага чиққан куни унинг оёқлари остида бир халқ маҳшари, бир одам қиёмати уюшар эди. У халқнинг ўз қизи бўлиб кетди. Унга халқнинг ўзи Ваннайчахон деб от қўйди.

Халқнинг қўйган оти қари чоллардан тортиб кичкина болаларга қадар ҳар ерда, ҳар жойда, ҳар вақт такрор айтилар эди: Ваннайчахон!

Халқнинг руҳ озуқига муҳтож бўлган кўнгли гоҳ-гоҳ ўз қизи Ваннайчанинг ихчам бармоқлари билан ширин тилларидан ўзига озиқ олар эди.

### III

Бир совуқ шамол келди. Дарахтлар сарғайган баргларини чирс-чирс узиб ернинг қора қучоғига ирғитдилар. Қушлар кўзларида йироқдаги иссиқ ўлкаларнинг шаклини гавдалантириб ва мияларида хурмоли ўрмонларнинг завқини жонлантириб тўп-тўп, якка-якка бўлишиб ғурбат харобалари устидан учиб ўтиб кетдилар.

Кўм-кўк кўйлакли далалар, доғ тушиб сарғайиб қолган кўйлақларини йиртиб, парчалаб тупроқлар орасига кўмдилар-да, ўзлари яп-яланғоч қуруқ гавда билан қолдилар. Йироқлардан қарғаларнинг мудҳиш нағмалари, шодлик куйлари эшитилди.

Бориб кўрдилар:

Пахта каби оппоқ тан, кўк қарғашойидан кўйлак қонга бўялган, бош танадан айрилган ҳолда қон сачраган қора сочлар устига ёпилган. Гўзал, қора кўзлар жаҳаннам чуқурлигига

ботганлар. Юзидаги нурлар йироқ ўлкаларни эслаб учиб кетган қушлар билан бирга кетганлар.

Ваннайчахон ўлган...

Ваннайчахонни эри ўлдирган...

Шафқатсиз эр халқ қизининг ҳаёт бўғзига пичоқ қадаган...

Ваннайчахон миллион сонлик ўзбек хотун-қизлар ўрдусининг (армиясининг) ёлғиз, биргина осияси, биргина боғияси эди.

Ваннайча турмушга, қуллар, чўрилар турмушига исён қилган, кишанларни юмшоқ қўли билан узган, парчалаган ўзбек қизи эди.

Ваннайча октябрь тўфони даврида қулликдан қутилганлиги учун октябрь қизи эди...

...Қушлар йироқларга учдилар... Улар билан Ваннайчанинг руҳи ҳам учди... Шунинг учун халқнинг руҳидаги бу парча олов ҳам ўчди, сўнди...

Халқ Ваннайчанинг руҳини йироқларга учган қушлар билан учиб кетганини билган, сезган бўлса керакдирким:

*Ҳаводаги бўзтўрғай,  
Бўзламасанг на бўлгай?  
Ваннайчахон дардини  
Сўзламасанг на бўлгай? –*

деган... Бу Ваннайчанинг ҳаётидан-да, ўлимидан-да сирли ва маъноли сўзлардир...

Ваннайча эркинликка интилган бир ўзбек қизи эди...

...Ваннайча – содда бир осия.

У француз ҳуқуқ нисвони (феминизм)нинг тимсоли мужассаси бўлган Сюзанна Валентин эмас. Унда Сюзанна Валентиннинг юксак фалсафий, илмий қарашлари йўқ.

У Сюзанна Валентин каби оила турмушига, бирга эр-хотин бўлиб туришга қарши қўзғалган эмас. У француз муҳаррираси Марсел Тиноер ўйлагандай жаҳоний аламлар билан қайғурган қиз эмасдир. У фақат Туркистон қуллигига, мусулмон анъанасининг беҳуда таассубига қурбон бўлган бир ўзбек қизидир...

Гулдан айрилган саҳна, кел, кўнглингдаги аламларга қўлимдан келган қадар тилмочлик қилай! Қизидан айрилган халқ, кел, қайғуларингни ўртоқлашай!..

...Унинг руҳ уяси – бўғизларида ўткир пичоқни ўйнатган қотил, кел, бутун шу миллион қуллар ўрдусининг барча лаънати қора юзингга ирғитай!

Халқнинг аламини, саҳна қайғуси, қуллар ўрдусининг қарғишлари, ўз, менинг кўз ёшларимдан йиғилган гуллар тўпамини, кел, эй ўзгариш қизи, қуллик суйғучиларнинг юзлари каби қора бўлган қабр тупроқларингга... сочиб, ёйиб юборай!..

## ХАЗОН

Куз чоғи... тупроқлар гезариб қолдилар,  
Гезариб қолдилар куз чоғи тупроқлар.  
Сўнг дамда япроқлар қизориб ёндилар,  
Қизориб ёндилар сўнг дамда япроқлар.

Қарғалар боғларда қағлашиб қолдилар,  
Билмадим, кимларнинг қисмати узулур?  
Ёнғоққа ёпишиб бир чангал солдилар,  
Билмадим, кимларнинг умиди йўқ бўлур?

Эй совуқ эллардан муз кийиб келганлар,  
У кўпол тушингиз қорларда йўқ бўлсин!  
Эй меним боғимдан мевамни терганлар,  
У қора бошингиз ерларга кўмулсин!

Билмадим, кимларнинг умиди йўқ бўлур,  
Сўнг дамда япроқлар қизориб ёндилар.  
Билмадим, кимларнинг қисмати узулур,  
Куз чоғи... тупроқлар гезариб қолдилар.

## МАДАНИЯТ

(Цивилизация)

У улур, мухташам, сеҳрли бино;  
Қора тунларда худди кундуздек.  
У қизил қон билан тўлиғ дунё;  
Ажали қаршисида бир қиздек.

Ҳамма нурсиз, бекорчи инсонлар  
У сеҳрли бинога ботмоқда.  
Ҳамма беҳуда, кирли виждонлар  
Сўнгги тортиғни қизга отмоқда.

Қора қонлар билан ҳаром гўштлар:  
У семиз гавданинг бутун шакли.  
Бутун оламда бир: фақат муштлар,  
Ўқ, борут, дор, жазо, ўлим... ҳақли!

Ҳақ бўлинмас! Ҳақ ўрнида куч бор  
Ва унинг истаги фақат олтун!  
Ҳар амал, ҳар тилакда бир ўч бор,  
У учун восита қурол: қонун!

Ағдариб йиққувчи улур чақмоқ,  
Шу бино устига гувиллаб оқ!



## ЎЗБЕК ҚИЗИ

Кирган эдим бир кун боғчага  
Япроқ янглиғ титраб-қалтираб.  
Қарар эди кўзим тўрт ёғимга  
Қўрқа-писа, ўтдай ялтираб.

Аллақайдан, дейман, янглишгина  
Йиртқич эрим келиб чиқмасин.  
Ёхуд сезиб қолиб қайин она  
Устларимга тоғлар йиқмасин.

Йўқ... ул кун Тангрим сақлади-да,  
Улар мени сезмай қолдилар.  
Менга қараб чечак-гуллар унда  
Севиниб кўзни солдилар.

Мана бу гул бу кун тонгдагина  
Чиққан чойшаб-парда остидан.  
Парда йиртиб мен ҳам чиққанымда,  
Тўсиб чиқар эрим қаршимдан.

Менинг бахтим қуллар бахти янглиғ  
Ёруғ ўлкаларда яшайдир.  
Бахти йироқ, кўнгли тўла қонлиғ  
Эркин Шарқнинг тутқин қизидир.

## ТАШЛАМА

Кўксингдан гулингни олиб ташлама!

Хаёлинг кўкларда учиб юрганда,  
Ўйноқ истакларни қучиб юрганда...  
Кўзларим кўксингга боғланиб турди,  
Қарашим ўзини у гулга урди.

Севганинг сен гулга боқмас бўлса-да,  
Сен жафо расмини асло ушлама!  
Кўксингда бир куни қуриб сўлса-да,  
Гўзал қиз, у гулни олиб ташлама!..

## КЎРИНГАН АЛАНГА

*Германия воқеалари тўғрисида*

Кун ботишга ўт кетибдур, алангаси кўринди.

Хунук, бузуқ, совуқ юзлар аланганинг бағрида  
Қон ўйнаган кўзларини катта очиб туралар...  
Тўп кишилар алангага ўзларини уралар.  
Оналарнинг кўз ёшлари болаларнинг доғида.

Ай маданий, ай файласуф, ай аллома кун ботиш,  
Ер юзида кишан ёйиб, қуллик сепиб охирда  
Бу нима, бу алангалар тўри билан ўралиш?  
Ҳеч мумкинми қаҳр этилсин қаҳр этгувчи қаҳрда?..

Ер юзининг ҳар бурчида сиз базмлар қурганда,  
Олам-олам бечоралар ботқоқларда суринди.  
Нима учун атрофингиз алангага буринди,  
Қон ноқуси сизнинг учун енгиш машқин урганда?

Ҳар тарафда сизнинг голиб қулларингиз юрганда,  
Нима учун олов чиқди, алангалар кўринди?..

## СЕЗГИ

Боғларда сўлди гуллар, сўлди гуллар, сезмадим,  
Қизориб ботди кунлар, ботди кунлар сезмадим  
Қайда қолди қонли кинлар, қонли кинлар, сезмадим,  
Сочларинг боғлаб олиб, боғлаб олибдир сезгини!..

Бир йироқ йўлким, унинг йўқдир кети, йўқдир кети,  
Чанг ва тупроқ бўлди, кетди... унда кўпларнинг бети,  
Минг жаҳаннамдир, жаҳаннамдир унинг икки чети,  
Бир куни ўлгай адошиб, қон муҳитнинг келгини...

Кўзларимни мен тикиб қолдим, тикиб қолдим унга,  
Лола-гулларни экиб қолдим, экиб қолдим унга,  
Тоза умидни тутиб қолдим, тутиб қолдим унга,  
Чунки мен кўрдим, кўриб қолдим кераклик белгини!..

## ДАМЛАР...

Дам бўлурки, қалбим тонгнинг шамоли  
Қаршисида қалтираган япроқдек.  
Аста-секин титраб кетар... Мен ҳам тек,  
Жим қоламен унга қулоқ солгали,  
Бутун эсим, сезгим билан топгали...

Баъзан хаёл этагини тутқизмас,  
Ёт ерларда ўз бошича йўқ бўлур.  
Шунда эс ҳам қалб тилига тушунмас,  
Боши қотар, қўполланур, тўнганур.

Шунда бирдан ғайбдан товуш: «Ай шоир,  
Қуруқ қолдинг саодатли дамдан!» – дер,  
«Дамдан!» – дер...

## ЧЕРВОН ПАТТА

*Қўқон уездида маориф ҳафтаси...*

Қўлимга тегмади червоннинг паттаси,  
«Бир бало бўлдими?» – дедим-да, югурдим.  
Маориф ҳафтаси ҳайъатига бордим,  
Эшиги қулфлоғлик... чанг босиб қолибдир,  
Хизматчи қурғур ҳам зўр қулуф солибдир...

Ҳовлиқиш босилди, қайтмоқчи бўлдим-да,  
Чанг босган эшикка яна бир қарадим.  
Деворда кичкина бир эълон кўрдим-да,  
«Э мана червондан бир хабар бор!» – дедим.

Ўқисам, эълонда шу сўзлар ёзилган:  
«Ҳайъатлар ҳаммаси беш кунлик бир тўйни  
Ўтказиш ишига муқаррар қилинган,  
Сизлар ҳам борингиз: кўрурсиз ўйинни!»

Бир кулдим... овозим осмонга чиқди-да,  
Ёнимга йиқилди булутнинг ўнтаси;  
Кўрингки, овозим кўкларни йиқди-да,  
Қўлимга тегмади червоннинг паттаси...

Оҳ... Қўқон уезди... маориф ҳафтаси!..

## РАҶАМЛИК СЕВГИ

(«Найларам» куйига)

Бир ва икки, уч ва тўрт, беш, олти, етти, саккиз, ўн –  
Саналарни йўлларингда ёстаб ўтсанг сен бутун,  
Янги-янги саналар турса қатор эзмак учун,  
Шунда ҳам бўлмасми бир шафқат, тараҳҳум, қизғониш?

Холи боғда кучли бода, хуш сабода бир кеча...  
Тўлган ойнинг нурлари ўпса сочингдан тонггача,  
Сўнгра оппоқ бир булут бошингда юрса шомгача,  
Шунда ҳам кўнглингда сезмайсанми озроқ уйғониш?

Юзларинг бир, кўзларинг ўн, сўзларинг минг алдади,  
Борлигинга алдамоқдан бошқа нарса қолмади,  
Кўкрагингда қизғонишнинг еллари кўзғолмади,  
Шул сабабдандурки кўнглимда умрлик ўртаниш...

Ўйна, кул, гулдек эгил ёвлар учун, ёвлар учун...  
Биз ётайлик йўлларингда... ёста, тупроқ қил бутун.  
Бир ва икки, уч ва тўрт, беш, олти, етти, саккиз, ўн –  
Саналарнинг ҳаққи ёлғиз йўлларингда ёстаниш...

## ҚУШНИНГ ҲАДИГИ

### 1

Қуш бечора қўрқадирким, уясидан айиргайлар,  
Уясидан айирмоқ-ла қанотини қайиргайлар.

Майда симдан силлиқ қилиб моҳирона тўқилган бир  
Қафас топиб, дарчасини очиб дерлар: «Масканга кир!»

### 2

Мискин қуш ҳам янги маскан чаккасига қўниб олар,  
Масканига кўз югуртар, теграсига назар солар

Ва кўрарким, маскан ўзи машинада қуйилмишдир,  
Уни ҳозир қилмоқ учун кўп зеҳният сарф бўлмишдир.

Дарчалари маҳкамгина, пухтагина, хотиржамлик,  
Сув ичгали, дон егали тешиклар бор кичик-кичик.

### 3

Симлар билан иши йўқдир, чиқмоқ учун учиб кўрар,  
Ўрмонларнинг хаёлида ҳар томонга ўзин урар.

Томни тешиб чиқмоқ учун шипларга ҳам кўп илинар,  
Ундай қилиб бир интилар, мундай қилиб бир интилар.



Фақат заиф вужудини қанча урсин деворларга,  
Балки унинг юмшоқ тани тўлиб кетсин ол қонларга,

Деворларнинг сезгиси йўқ, туйғуси йўқ, товуш бермас,  
Тегра бутун руҳсиз гавда: «Нечун мундоқ бўлдинг?» – демас.

Унинг бутун тасаллиси тўлиб-тошиб сайрамоқдир,  
Кўм-кўк дала, ўрмонларни эслаб-эслаб йиғламоқдир,  
йиғламоқдир!..

## ЎШ КЕЧАСИ

Қоп-қоронғи кеча... Чироқлардан  
Сўнгги нур кетди. У йироқлардан  
Ўкириб гувлаган товуш келадир,  
Кечанинг кенг сукутини тиладир...

Нима?

Қандоқ товуш бу?

Билмайман;

Қулоғимни сира ололмайман.

Балки, бир тўп ажинанинг қўшиғи

Ёки алвасти товушининг чўзиғи,

Ёки тоғларда дев ботир ўйнар,

Ёки саҳрода бўрилар тўйи бор...

Кечанинг, балки, йиғлаган доди,

Балки, куннинг аламли фарёди!..

## **КЎКЛАМ КЕЛАДИР!**

Кўкламойим йўлга чиққан. Кўкламойим кўзғолган,  
Кўк кўйлакнинг битишига унча кўп ҳам қолмаган!

Тиниқ ҳаво... Кўк юзинда оппоқ ҳарир пардадек  
Оқ булутлар унда-мунда ёйилганлар паришон.  
Шуълаларнинг акси билан йилтиллаган игнадек  
Кун тиглари қарашларга ўткир-ўткир санчилган...

Қип-яланғоч дарахтлар ҳам қучоқ очиб, кўз тутиб  
Кўк кўйлакнинг битишини чидамасдан куталар.  
Қарғалар ҳам қишда қилган гуноҳларни унутиб,  
Узр айтмасдан, индамасдан учиб-учиб кеталар...

Сезгиларни уйғотувчи ҳидли гуллар тўпланиб:  
«Биз ҳам йўлга чиқдик!» – дея юборганлар бир чопар.  
Гул ҳидидан ризқ эмгувчи жониворлар уйғониб  
Эрта-индин боқчаларга, чаманларга тарқалар.

Кўкламойнинг ипак кўклак этаклари судралиб  
Қора ернинг бошларини силаб-сийпаб келадир.  
У силашдан, у сийпашдан қувват олиб, куч олиб  
Қора ер ҳам кўксидаги олтинларни берадир.

Кўклам билан юртимга ҳам бир кўкариш келсайди,  
Кўнгиллар ҳам ҳаволардек кўклам ҳиди берсайди,  
Дилларга ҳам ҳаволардек кўклам руҳи кирсайди!..

## ОЛҚИШ

(В.М.га)

Олқишим сенга, ай гўзал кўклам,  
Яна борлиққа янги руҳ бердинг.  
Яна кўнглимга уйқудек кирдинг,  
Уйқудек бир ўпай, ўпай мен ҳам!

Янги баргларини кўрганда кўзим,  
Яна умидга «ошиён» қурадир,  
Яна «маъни»га томчилар қуядир  
Лабларимда қуриб ётувчи сўзим!

Сап-сарик, лойқа сув билан бирга  
Сўзларим оқса-кетса чўлларга,  
Аста-аста қуйилса кўлларга,  
Жимгина кирса, сингса оч ерга.

Лойқа сувни эмиб олиб ерлар  
Ёйсалар бир гилам чечаклардан.  
Тутсалар бевафо этаклардан  
Истагимни билиб олиб эрлар...

Тонг шамолини қувлашиб кетсак  
Қўзғалиб эрта тонг отар чоғлар.  
Дала йўлларида ўйнашиб кетсак,  
Қалтираб ўйнаганда япроқлар.

Тол – келинчак очиб гўзал юзини,  
Энди кулмакка бошлади озроқ.  
Ҳали сеп ёймаган... фақат мунчоқ  
Хийла тўйдирди қўшнининг қизини.

Сеп ёйилсайди... бир тутам кўм-кўк  
Новдадан сочларига боғларди,  
Ўзини хон йигитга чоғларди,  
Чочпопук белда ўйнаса... селк-селк...

Англатар гул билан ҳикоясини  
Тол-келинчакка боғланиб булбул.  
Рашкидан қалтираб туриб сунбул  
Гулга дер: «Хушторинг чақирди сени!»

Гул дахи уйғониб қиш уйқусидан  
Узатар кенг чаманга соясини.  
Эшитиб ишқининг ҳикоясини  
Кўп баҳорлар ўтказар эсидан!

Шу билан уйғониб кетиб буткул,  
Ҳар кеча янги бир кийим кийинар.  
Ҳар кеча янги тиг билан тилинар,  
Тилинар ҳар дақиқа бир булбул...

Сенга сақлар бутун умидларини  
Ер келинчаклари – асиралари.  
Сендадир озгина насибалари,  
Оч уларнинг қоронғу дилларини!..

Уйқудек бир ўпай, ўпай мен ҳам,  
Яна кўнглимга уйқудек кирдинг.  
Яна шеъримга бир чечак бердинг,  
Олқишим сенга, ай гўзал кўклам!

## ИСТАШ

Кўнглимга яқин нарсани излаб кеча-кундуз  
  Ҳар ёққа қараймен.  
Тонг вақтида нур тўкувчи ёлғизгина юлдуз  
  Айтарки: «У менман!»

Мен унга ишонмоқчи бўлиб ўйнатаман кўз,  
  Ул ҳам кула бошлар,  
Шул чоқда деворлар ичидан қайгули бир қиз  
  Йиғлаб кела бошлар.

Ул мунда, ёвуқда, шу учун тез бурилиб мен:  
  «Ҳой ер қизи!» – дейман,  
«Кўнглимга яқин юлдуз эмас, бошқа эмас, сен –  
  Ер юлдузи», – дейман.

Бу сўзни эшитгач қочадир кўкдаги юлдуз,  
  Албатта, аразлаб,  
Ҳам жим бўладир ердаги бечора, ғариб қиз  
  Гўр оғзини излаб.

Кўк юлдузи изсиз эди, ер юлдузи кучсиз,  
  Ҳар иккиси кетди.  
Кўнглимга яқин нарсани излаб кеча-кундуз  
  Ой-йилларим ўтди...

## ЧИРОҚЛАР

(Р. Тагурдан)

Бир айвоннинг тоқчасида  
Тўла нурли чинни чироқ  
Порил-порил ёнар эди  
Ойнинг тўлган кечасида  
Нурлар сочиб қучоқ-қучоқ.  
Ўзига хўп бино қўйиб,  
Ўз нурини ўзи суйиб  
Тиғларини сочар эди...

Ой булутнинг орқасида,  
Яқинида сопол чироқ  
Ёғларини сўра-сўра,  
Деворларга тутунини  
Буруқситиб ура-ура  
Ёниб турар эди. Бироқ  
Қарғаб-қарғаб шу кунини  
Бағри эзик...

Деди: «Опа,  
Бу кун ойнинг нечасидир?  
Қайси ойнинг кечасидир?»

Чинни чироқ хафа бўлди,  
Сассиқ тутунларга тўлди.  
«Сенга «опа» бўлдимми мен?  
Мен кимман-у, кимдирсан сен?  
Сен, адабсиз, «опа» дейсан,  
Қимлигингни ўйламайсан!» –  
Деб қошини чизиб кетди,  
Бечорани эзиб кетди.

Қарғиш энди қизган чоқда...  
Ой кўринди очиқ ёқда!  
Буни кўргач чинни чироқ  
Лабларини тишлаб қолди.  
Кулиб туриб сопол чироқ:  
«Синглим, ҳолинг қалай?» – деди...

## ЯНА КҮКЛАМ

Яна мен сенга қайтдим, ай кўклам,  
Чунки борган сари юзинг очилиб,  
Чунки борган сари ҳидинг сочилиб  
Сил кўнгилларга бахш этар малҳам!

Кечанинг сирли қўйнига бекиниб,  
Кечага тотли бўсаларни бериб,  
Юзидан пардаларни ирғитган,  
Дунёга бир келин каби чиққан

Турли туслардаги чечакларни  
Кўрсам, айниқса, тонг отар чоқда;  
Сўнгра кун қон сочиб ботар чоқда,  
Сўнгра нур ўйнаган теракларни

Шунда: шаббода-қиз билан бирга  
Қувлашиб ўйнаганда япроқлар,  
Шу жувон толдаги қуруқ бир шох  
Қуп-қуруқ гавдасини тутиб елга

Қайси кўкламни, билмадим, йўқлар?  
Ким ҳасратини англатар?!

Э воҳ!..



## МУШТ ТУШСИН

Тилаймен, Андижондаги сафоҳатларга мушт тушсин!  
Ичиб коньяк кўчаларда исирганларга мушт тушсун!

Қиморбозлар: «Хукумат индамас, дориломондир», – деб,  
Бу янглиш ўйда юрганларга йўл қўйганларга мушт тушсун

Шаҳарнинг кўча бозори чунон ифлос, юролмайсан,  
Узоқ уйқуга кетган шаҳар комхўзига мушт тушсин!

Уяз мактаб ўқитувчилари ҳолига вовайло,  
Маошин бермаган мингбошилар бошига мушт тушсун!

Қари чолларга қиз бермакни биз ҳеч тўхтатолмаймиз,  
Қизин берган отаси-ла имом домлага мушт тушсун!

Эшакдек ҳанграшиб ётгай «Баҳовуддин балогардон»,  
Бу танбалларга йўл берган амалдорларга мушт тушсун!

Шаҳар масжидлари зикру само, ифво билан тўлди,  
Хурофот тарқатувчи аҳли ҳанносларга мушт тушсун!

## ШАФТОЛИГА

Ўн саккизга кирган қишлоқ қизларининг юзидек  
Қип-қизарган юзларингдан бир ўпич бер, шафтоли!  
Сенга қараб турганимда – бир озгина бўлса ҳам –  
Бўлмас каби, йўқ кабидир... умидимнинг заволи!

Умидимнинг заволига қон йиғлаган кўзларим  
Ёшларини юзларингга томчи-томчи тўқдими  
Ёки севги армонида шаҳид бўлган йигитнинг  
Есир руҳи қони билан лабларингдан ўпдими?

Майли, севган ошиқларинг юзларингга тўймасун,  
Лекин рақиб лабларингга лабларини қўймасун!..

Заҳарини қўймасун!..

## СУҲБАТ

### Сўраш:

Нега ер қўйнига тушиб қолдинг  
Юксак ўрнингдан, эй гўзал япроқ?  
Нега оч бағрини қучиб қолдинг?  
Сени тез сўлдириб кўмар тупроқ.

### Қайтариш:

Соғиниб ерни бағрига тушдим  
Юксак ўрнимдан, эй зийрак тутқун!  
Кучли севгим билан учиб-қучдим,  
Сўлдириб букун, ундирар бир кун!

## ВАҲМ

Кечаси ойдинда, ойнинг ҳам хирароқ вақтида  
На учун кўзимга ҳайбатли кўриндинг,  
Ай менинг айвоним олдида тек турган  
Биргина туп арча?

Кейинча юзингга ой нури оқди-да,  
Бутунлай бошқа хил кисвага бурундинг,  
Юзингга тикилиб, индамай тик турган  
Кўзимга нималар гапирдинг яшринча?

Ёлғизсан, бир тупсан ойдин кеч қўйнида,  
Боғимда, ай арча,  
Лекин мен борлиқнинг тамомий шаклини  
Юзингда кўрдим-ку шу кеча!

Бир тупсан, ёлғизсан, яккасан шу боғда,  
Ер ости-устиди бор қадар арчалар бирлашди  
Сен билан шу чоқда, шу чоқда!..

## БАҲОРДА

### *Талабаларга*

Баҳор келди... Табиатнинг қўллари  
Дарахтларга ипак кўйлак кийгизди.  
Ер ҳам сўлган кўкатларни тиргизди,  
Яшилланди далаларнинг йўллари.

Тут тагида қайнаб ётган чойдишча  
Чақиради ишлаб ётган деҳқонни.  
Бир чеккага ташлаб қўйиб кетмонни  
Ул ҳам шерик деҳқонига дер: «Кулча

Бўлмаса ҳам, зогорангни олиб кел...  
Нари-бери чойни ичиб ташлайлик,  
Иннайкейин жўяк ола бошлайлик,  
Чойдишга ҳам бир сиқим чой солиб кел!»

Бир озгина чой ичишиб, дам олиб,  
Яна ўша оғир ишга тушарлар,  
Шомга яқин ишларидан бўшарлар  
Ва қайтарлар ҳориб, чарчаб, судралиб...

Узун қишни китоб билан ўтказган  
Ўқиғувчи ёш ўртоқлар, ҳорманглар!  
Кўнгиллардан ғам ва ғашни кетказган  
Баҳор чоғи яйрашдан ҳам қолманглар!

## **БАҲОР ВА МЕН**

Баҳор келди... Лекин унинг даврида  
Кетиб қолди баҳорларнинг султони.  
Умид узди рақибимнинг бағрида,  
Ортиб кетди келгусига имони.

Баҳор чоғи... Рақибларим кетарлар,  
Лекин менинг ҳасратларим кетмайлар.  
Бу рақиблар мени маълул этарлар,  
Фиғонларим султонимга етмайлар!..

## ИККИ ЎТ ЎРТАСИДА

*«Между двух огней»  
(Русча бир асардан)*

Бир тарафда сенинг кўзинг  
кулмакдадир, ай юлдуз!

Бир тарафда жигаримни  
тилмакдадир, гўзал қиз,  
сенинг ўткир кўзларинг!

Юксакдаги абадият қучоғини очадир;  
Қуйидаги ёниб-ўчиш ҳидларини сочадир;  
тўғри экан сўзларинг,  
Ай ҳар замон одамларни юксалишга чақирган  
Ва бу қўпол мияларга сиғолмаган ҳур виждон!..

## **ЖАВОЛАШ**

*(Бир ўлимнинг изи)*

Дедиларким: «Вафот этди Жаволаш!»  
Танларимда чўзиқ, оғир бир титраш  
Бошланди-да, япроқ каби чўзилдим,  
Бир қанча чоғ тушунчада йўқ бўлдим...

Ҳой қушлардек учиб юрган енгил жон,  
Гавданг энди тупроқларга қўйилди,  
Изларинг ҳам ер бетидан ювилди,  
Фақат руҳинг кетмас она бағридан!

Бошқа дунё тортганида ўзига,  
Унамоқдан бошқа йўлинг бўлмаган.  
Оз бўлса-да бир марҳамат қилмаган,  
Маъюс-маъюс қарасанг ҳам юзига...

Дедиларким: «Вафот этди Жаволаш!»  
Қалб кўзидан чиқиб кетди қатор ёш...



## ҚУЧОҚ – ТУПРОҚ

Қоронғу тунларда қучоқлаганим,  
Ай қаттиқ тупроқлар, ойдин тунларда,  
Уфқимда юлдузлар порлаб кулганда,  
Сизда шодлик билан ағанар чоғим

Унутдим бир нафас қора кунларни,  
Шу чоқда сиздан ҳам севинч кутамен.  
Узатинг, узатинг янги гулларни!  
Ўзим-да йўқ бўлиб, эриб... кетамен!

Кўмилиб ётасиз жонсиз гулларга  
Сиз ҳам, ай жони бор, қони бор гуллар!  
Ҳожат йўқ шу чоқда жамъи тўрларга,  
Ҳақиқий ҳисларга тўсқиндир унлар...

Ваҳм эмас, сиз бўлинг «қиз» чоғлаганим  
Ва тупроқ устида қучоқлаганим...

## САЛОМ СЕНГА!

(Фаргона билим юртини битириб чиққан ёш кучга)

Хароб, бузғун, ёввойиладан  
Жилғанинг ободлик шарпаси, салом сенга!  
Оғриқ, бўшашган, атолатек танларнинг  
Шифолик нафаси, салом сенга!  
Бир тупроққа салом бериб борасен  
Ким, қонлар билан йўғрилган,  
Бир талага бел боғлаб келасенким,  
Ўликлар, наъшлар билан тўлдирилган,  
Йигитларга йўлиқарсенким, ўз тенглари тўда-тўда  
ўлдирилган...

Сенинг чарчамас қўлларинг у тупроқларга жон бергуси,  
Сенинг маърифатли зеҳнинг у талалардан жаннатлар  
яратгуси,  
Сенинг қизгин, ўтли нафасинг у йигитларни ўлмас ва  
енгилмас қилгуси,  
Сенинг самимий, астойдил қарашларинг у чечакларни  
қайтадан очилдиргусидир!  
Қоронғилик, билмаслик пардаларини йиртиб, парча-парча  
қилиб ташлаб,  
Кундуз кунлари ҳам ваҳмдан қутулмаган эрларга  
билим чироғларини ёндириб,  
Кеча демай, кундуз демай  
Ишлаб, жилғани бир жаннатга айлантириб, умидларни  
оқлаган бўлурсен!

Бурчаклардан, деворлар орқасидан  
Йиғлаган товушлар эшитарсен:  
У товушлар сенга танишдир.  
У товуш оналарингнинг товушидир.  
Уларнинг ҳасратлари ерга, кўкка сиғмайдир.  
Уларнинг бахтлари азалдан бери очилмаган,  
Тақдирлари шу чоққача кулмагандир.

Улар тутқундадирлар,  
Қутқармоқ – сенинг вазифанг.  
Жилғанинг кўз ёшлари қуришга яқинлашибдир.  
Танларга тирилиш қонлари югурибдирким,  
Сен – ободлик шарпаси, билиндинг,  
Сен – ўлик танларнинг шифолик нафаси, сезилдинг.  
Салом сенга,  
Салом!..

# КАТТА ЙЎЛ БЎЙИДА УЧРАГАН ЯПРОҚ УЧУН

## 1

Япроқ, япроқ... бутоқларда  
Қалтираган варам япроқ.  
Юзларингни сўнг чоқларда  
Бутун босиб кетган тупроқ!

От ўтган-у, чанг чиқарган,  
Чанглар келиб сенга қўнган;  
Қўнган чанглар қолаберган,  
Шулар билан рангинг ўнган.

Яна ҳар кун йўлдан ўтган  
Ҳар оёқдан чанг қўзғалар,  
Кенг кўчадан кўтарилган  
Ҳар бир зарра сенда қолар...

Сенинг кўм-кўк тоза юзинг  
Кўзга тақир кўринмайдир.  
Шафтолими, олхиротми,  
Кўксултонми, кимсан ўзинг?  
Тирикликдан нишон борми,  
Нега сира билинмайдир?

## 2

Сени сийпаб, эркалатиб  
Аста-секин кўкартирган  
Гўзал кўклам... ўтиб кетди!  
Ҳозир ёзнинг энг етилган  
Қирчиллама вақти етди.

Сен ётасан чангга ботиб...  
Эрта-индин қовоғини  
Буриштириб куз ҳам келса,  
Тўплаб идиш-оёғини,  
Секин-секин ёз ҳам жилса,

Чанг остида сарғаясан...  
Бир пирпираб ерга тушиб,  
Кечалари тўнғиб, ушиб,  
Охир ерга ем бўласан...

### 3

Айниб бериб ҳаво агар,  
Ҳозир ёмғир ёрса эди;  
Бетингдаги сариқ чанглар  
Лойқаланиб оқса эди.

Ёзнинг алвон кўйлагига  
Тўйиб-тўйиб қарар эдинг,  
«Бир гулман-ку мен ҳам унга!» –  
Деб мақтаниб ён-берингга  
Бир озгина яйрар эдинг...

### 4

Севинчи бер!  
Кўк ялангга  
Қора булут чодир қурди.  
Юзингдаги қалин чангга  
Томчи-томчи нам югурди!

Оқ томчилар тасбеҳ янглиф  
Чўзилишиб чўзилдилар.

Сени эзган тупроқлар ҳам  
Кўқдан тушган тўқмоқ билан  
Хўп янчилиб эзилдилар!

Чанг остидан чиқмоқ билан  
Силкинишиб бир жонлилик  
Кўрсатарлар тегрангдаги  
Аламзада япроқлар ҳам!  
Шудир ёзнинг, асл, ранги!

# БУЛОҚЛАР ҚУЧОҒИДА

*Чимкент учун*

Ай кўнглимда шон аралаш уят бир из қолдирган  
булоқларнинг қучоғи!

Кимлар, кимлар кўкрагингга довул каби солдирган,  
ай тузалиш ўчоғи?

Мен бағрингга шифо истаб келган оғриқ бўлсам-да,  
бошқа нарса излаймен,  
У нарсани топмагунча, чарчасам-да, толсам-да,  
кўкрагингда кезармен...

Мен излаган эски излар, билмадимки, қолганми  
ёки ўчиб кетганлар,  
Сафҳаларда ўринлашган китобалар ёлғонми  
ё силиниб етганлар?

Тарих учун ёздирилган китобалар ўчмаслар,  
ўчмагунча коинот!  
Тарих билан ўрнатилган ҳайкаллар ҳам кўчмаслар,  
кўчмагунча мумкинот!

Тарих учун ўрнатилган ҳайкалларни кўрсам мен  
шу шифолик сийнангда,  
Мени эмас, яна бошқа бир ҳайкални кўргайсен  
адир йўли – зинангда!..

## АЙ БУЛУТ

(Саёҳат эсдаликларидан)

Талалар-қирларда, адирнинг ёнида,  
Ҳар турли ёввойи кўкатлар қўйнида  
Ухлаган йўлчини нимага уйғотдинг?  
На учун кўзингдан садафдек ёш тўқдинг?

Бевафо бир этак қўлингдан чиқдим  
Ё гўзал масканинг илонга ин бўлди?  
Ё эркин кўнглингни тириклик сиқдим,  
Ё севган гўдагинг бўрига ем бўлди?

Ҳар ҳолда, мен каби бир саёқ, телбасен,  
Юзингга ҳеч қайда бир эшик очилмас,  
Сен қочган йўл билан, одатда, қочилмас,  
У йўл ҳам бошқадек маҳв этар... билгайсен!..

Адирнинг тепаси бир озроқ жой берди,  
Қирпикни қирпикка қўйдим-да, ёйладим.  
Шу чоқда кўкларда кўланканг кўринди,  
Туш билан кўришар-кўринмас айрилдим...

Кўзимда сен каби уйқу йўқ, ай булут!  
Истаймен ўлимдек умрли бир сукут!..



## ҚИРДАН АЙРИЛИШ

*(Саёҳат эсдаликларидан)*

Шу қадар гўзал ва кенг қирда бу кун ғам бор,  
Худди қирнинг ўзидек катта ва туганмас бир ғам.  
Баъзи бир кун унинг аҳволига кўклар йиғлар,  
Ҳайфким, яшната олмас уни ундан келган нам...

Қанча силларни тузатган эди бу кенг сийна,  
Локин ўз дардига дармон топа олмай... сўлди.  
Навбаҳор кўксига бир чоқ сепини ёйган эди,  
Энди кун тиғи билан бағрига санчар игна...

Тўлган ой нурларини ерга сочиб қўйганда,  
Тун билан дард ичишиб мен ҳам кўксида юрдим.  
Коинот чачвонини ерга олиб қўйганда,  
Куннинг аввалги, гўдак тиғига юзни бурдим.

Қир бутун сирларини менга очиб берган эди,  
Унда ҳам мен каби бир севги балоси бордир.  
Севгида мен каби ағёрига кўнгил тордир,  
Шу кўнгил торлигидан эрта хазонга кирди...

Ўтса қиш, келса баҳор... яшнаса, унса бу қир,  
Яна келсам, яна кўрсам, яна юрсам... яна бир!..

## **ЎЗНИНГ ТУГАЛИШИ**

**Алвидо, эй қучоққа сиғмас ер!  
Алвидо, эй кўкатга кўкрак қир!**

**Сен-да сўлмоққа юз тутиб қолдинг,  
Мен-да кетмоққа кўз тутиб қолдим...**

**Алвидо, «Мунда қол!» – деган кўкрак!  
Кўп оғир сендан айрилиб кетмак!..**

Ҳар қадам йўлда минг хато – янглиш,  
Шу учун кўп керак эмас шошилиш.  
Ўй керак, ўй керак, тушунча керак,  
Хавфлидир чунки англамай юрмак!

## СОЗИМ

Нафрат ўлкасидан ҳижрат қилганмен,  
Улфат диёрига маскан қурганмен,  
Юзимни ўт эмас, гулга бурганмен,  
Самовий завқларга тўлиб турганмен,  
Булбуллар севгини мақтаган дамда!

Чечаклар ўсгуси кўз ёшларимдан,  
Бўғинлар унгуси ўйлашларимдан,  
Қалблар юмшагуси сайрашларимдан,  
Севги чаманида яйрашларимдан  
Жаннатлар яратгай ташланган жанда.

Тилинган тилларга қон югургуси,  
Бўшалган инларга жонлар киргуси,  
Тиканли боқчалар чечак кўргуси,  
Ҳақ йўли, албатта, бир ўтилгуси,  
Жандалар танимга теккан кунларда!..

## ЕР АСИРАЛАРИ

Ер асиралари, ер асиралари!  
Олтин билагузуклар, ёқут маржонлар,  
Садаф доналарми тасаллилари,  
Қўрғонми, деворми насибалари,  
Кун санаб ўтарми ойу йиллари,  
Тилга келмасларми шу қадар жонлар?

Ер асиралари, гўзал тонгларнинг  
Сочидан кўнгилга қувват олингиз!  
Ўзингиз тиришиб бевиждонларнинг  
Кўнглига эрк учун илҳом солингиз!

Ер асиралари, ер асиралари,  
Ёш тўкиб йиғлашми насибалари?!

## ЧОПОН ВА ПАРАНЖИ

(Айнан)

Шаҳарнинг дилрабо, чиройлик боғларига кирар эдим,  
Кирар эдим мен бир вақтлар шаҳарнинг  
дилрабо боғларига.

Катта, ихчам бичимлик кийимлар кийган  
Озода йигитлар; келишган, кўркам устлик  
Ва тортқич ранглик кўйлак кийган қизлар...  
Озода йигитлар у ёқдан-бу ёққа аста-аста  
Босишиб ўталар-ўталар эди қўлтиқлашиб.

Ихчам кийимлик, катта, келишган тугмалик  
Йигитлар ва ҳирс қўзғотгувчи кўйлак кийган  
Қизлар орасида чопонлик, ола-була белбоғлик  
Якка йигитлар ҳам учраб қоладурлар эди...

Учраб қоладурлар эди шунда узун-узун  
ола-була чопонлар...  
Бир вақтлар бўлдиким, чопонларни ул боғларга  
қўймас бўлдилар.  
Бир вақтлар бўлдиким, шаҳарнинг дилрабо боқчаси  
ола-була чопонни кўришдан маҳрум қолди...  
Чопонни, чопонларни курсиларга ўлтиргизмай,  
боғларга киргизмай қўйдилар,  
Чопонни шаҳарнинг дилрабо боғидан ҳайдадилар,  
қувдилар...  
Чопонни, чопонлиларни курсиларга ўлтиргизмай,  
киргизмадилар...

Сиз дейсизким, мен кўкларни ўйлаймен,  
Ер бетига сира назар солмаймен!  
Янглишасиз: мен кўкларга беркинган  
Ер қизидан хаёлимни олмаймен...

## ПАРАНЖИ

Күклам чоғи бұлса,  
Ой тұлса,  
Юлдуз кулса,  
Сени шунда күрсам.

Бир даста гул берсам,  
Олсанг,  
Маст назар солсанг,  
Бир нафас бирга қолсанг,  
Абадий завқларга тұлсам!..

Эмсак  
Юлдузлардан нур!  
Кийсак  
Шуълалардан түр!  
Ұйнаса, куйласа  
Тиниқ күлдан чиқиб  
Бир түп пари – ҳур!

Ҳой қиз!  
Ҳой қизга ўхшаган жувон,  
Юр!  
Ким сени ўраса,  
Борлигимни йиқиб  
Ерларга кўмилсин!  
Йўқ бўлсин,  
Йўқ бўлсин,  
Йўқ бўлсин  
Паранжи!  
Йиртингиз!  
Гўрларга элтингиз!  
Ёндилинг чимматни,  
Бўғмасин,  
Тўсмасин  
Табиий зийнатни!



Йўқ бўлсин,  
Йўқ бўлсин  
Паранжи!  
Очилсин,  
Гулласин,  
Яшнасин  
Паранжи остига беркинган,  
«Менга ҳам эрк!» – деган  
Инжу! Инжу!!!

## **ИШҚ ВА МУҲАББАТ**

**Бўрон келди, чақмоқ чақди, ўт бўлди,  
Ажиналар, шайтонларга эм бўлди;  
Сўнук амал юдузимнинг ёғдуси  
Девларимнинг аждарига ем бўлди...**

**Ҳасрат надир, меҳнат надир ўйламай  
Тилагимни кўтарганман елкамга;  
Ташламасман, тоғу тошлар учраса  
Ёки ўзим тутилсам-да безгакка...**

1925

## СИРЛАРДАН

### I

Бир тутам сочларинг менинг қўлимда;  
Ғижимлаб ўпайми ё тараб ечай?  
Сир деб сақлаганинг менинг қўйнимда;  
Сир деб сақлайинми ё елга сочай?

Сочилган сочингдай сочилса сиринг,  
Анор юзларингни кимга тутасан?  
Ўзинг-ку: «Уларда вафо йўқ!» – дединг,  
Нимага уларни тагин кутасан?

### II

Очилган қўйнимда тўлганган танинг  
Кўнгилдан қилча ҳам ҳид етказмаса,  
Менга яқинлашма, ай тирик бўса!  
«Севдим», – деганларинг ёлғондир сенинг!..

## ҲОЙ ЙЎЛОВЧИ ҚИЗ

(Р.Тағурдан)

Мен биламан, оҳ, биламан сени,  
Ҳой йўловчи қиз!  
Денгиздан нари маъбудинг сени,  
Ҳой йўловчи қиз!

Кўрдим: куз фасли – тонг отар чоғда,  
Кўрдим: кўкламда – ой ботар чоғда,  
Кўрдим: қалбимда сирлик учмоҳда,  
Ҳой йўловчи қиз!

Йироқ кўкларга кўзни соламан,  
Қўшиқларингни тинглаб қоламан,  
Сенинг йўлларингда қурбон бўламан,  
Ҳой йўловчи қиз!

Бутун дунёни кўрдим мен. Мана,  
Келиб турибман белгисиз элга,  
Эшигинг олдида меҳмонман сенга,  
Ҳой йўловчи қиз!

## КҮКЛАМДАН ХАБАР

«Күклам құшиқлари»дан

Бақа сайраса,  
«Вақ-қа-қа», – деса,  
«Күклам құзғолди!» –  
Деб хабар берса,  
Шунда ҳам кўнглим анча яйрайдир!

На учун япроқ, чойшаб ёймайдир,  
Танларига қон  
Тўлиб қолса ҳам,  
Кўкрагига жон  
Кириб қолса ҳам?

Ай гўзал күклам,  
Судралма сен ҳам!  
Югуриб, елиб,  
Тез дарак келиб  
Ўпиб ол баргни,  
У эринчакни,  
Очсин кўзини,  
Алвон юзини!..

## БЕЗГАК ҚҰЙНИДА

Уч кун бўлди сув келмас,  
Ариқлардан «ғув» келмас,  
Шамоллардан «хув» келмас  
Чанқаганимда...

Нега кулдим, билмадим,  
Хурсанд бўлдим, билмадим,  
Ёшга тўлдим, билмадим  
Ўйнаганимда...

Сув керакмас, ёр керак,  
Ёр эмас, диёр керак,  
Диёрга фанор керак  
Уйғоқ чоғимда.

Фанор топиб ёқайин,  
Қанотимни қоқайин  
Соғайганимда...

## БОЙЧЕЧАК

*«Кўклам қўшиқлари»дан*

Бойчечакнинг боласи  
Очди юзини;  
Сувга чиққан холаси  
Кўрди қизини!

Бойчечакнинг боласи  
Етимча бир қиз...  
Унинг ўгай онаси  
Жуда ёмон, тез!

Бойчечакнинг боласи  
Юлиб олинди,  
Юртнинг кўзи оласи  
Жуда севинди!

Бойчечакнинг боласи  
Ҳар уйда кулди,  
Гўдакларнинг халтаси  
Нон билан тўлди!..

## КУЗ ГУЛИГА

Ранги ўчган,  
Умри кечган  
Куз гули,  
Бир йўли  
Пастрак эгил,  
Менга бир ўпич бергил!

Бурун ёз эди,  
Тўла ноз эди,  
Энди куз келди,  
Қаддинг эгилди.  
Рангинг сўлмоқда,  
Ёшлар тўлмоқда  
Фамли кўзингга,  
Сўлғин юзингга  
Кимса қарамай,  
«Узайин» – демай...  
Ўтиб кетмакда!  
Куз етилмакда,  
Қишдан чопар бор,  
Ёмон хабар бор!..

Энди ноз қилма,  
Нозланиб кулма!  
Кел, лабимга кел,  
Бир озроқ эгил,  
Бир яйраб ўпай!  
Шунга эсириб,  
Руҳингга кириб  
Кўкламга етай!..



## КЎКЛАМ ЁМҒИРИ

«Кўклам кўшиқлари»дан

Уч кунлик ёмғир  
Тўхтади базўр;  
Булутлар кўчди.

Кеч кирган чоқда  
Тол шохларига  
Шуълалар тушди...

Ҳавонинг юзи,  
Заҳарли кўзи  
Мулойимлашди...

Шарқнинг малаги –  
Най камалаги  
Кўкка улашди...

Толда чочпопук,  
Қиз кўнгли «пўк-пўк»,  
Тақмоқ истайдир!

Ўртоқжонини,  
Хайрихонини  
Ҳадеб қистайдир.

Лекин шуълалар  
Сингиб боралар...  
Оқшом тўр солди.

Чочпопук тақиш,  
Йигитга ёқиш  
Эртага қолди...

## КЕЛИНЧАК

Бутун гуноҳи  
«Кўк қарға шоҳи»  
Кийиб юргани...

Дунё кўркини,  
Ўйин-кулгини  
Яхши кўргани...

Ҳар куни саҳар  
Боқчага чиқар  
Гуллар тергали...

Эрига эмас,  
Чунки арзимас  
Дилга бергали...

Бўйнига осиб,  
Бағрига босиб  
Овунган бўлар.

Бир талай ғамдан,  
Ҳасрат-аламдан  
Совунган бўлар...

Ойнакка қараб,  
Сочини тараб  
Ўзига ошиқ...

«Шу эрга тегдим,  
Қаддимни эгдим,  
Ўлганим ортиқ!»

Ҳар кун эрталаб  
Бир талай ғазаб  
Эр ўлгуридан...

Кундуз нағмаси –  
Қайнонаси  
Кўмилгуридан...

Қўшни келинчак  
Истаб «ҳалунчак»  
Чиқиб қоладир.

Ўлтириб ерга  
Ўша келинга  
Ҳасрат қиладир.

Шунда очилиб,  
Хийла сочилиб  
Анча яйрайдир.

Қайғуга тўлса,  
Ўзи жим бўлса...  
Дутор сайрайдир!..

## ГАЛДИР

Мен дутор билан туғишган кўҳна бир девонаман,  
Ул туғишғоним билан бир ўтда доим ёнаман.

Дилларида ғам тўла бечораларга ёрман,  
Вақти хуш, ғам кўрмаганлардан тамом безорман.

Мен дуторнинг торларига беркиниб олсам агар,  
Пардаларнинг ҳар бири бергай бўлак ғамдан хабар.

Пардалар узра юриб турган одам бармоқлари  
Кўкрагимни кўп босар, шундан бўлур толмоқлари.

Икки торни қақшатиб бармоқлар ўтса тўхтамай,  
Ғамли ун чиқмас ўшал торларда «Галдир» йиғламай.

Аҳли ғамлар мен каби мажнунсифат галдир бўлар,  
Шул сабабдан банданинг номини «Галдир» қўйдилар...

Йўқ ишим ҳоким, амалдор, шоҳу хоқонлар билан,  
Биргадурман доимо ҳамдард бўлғонлар билан!..



## ҚИЛҚИЗ МАФТУНЛАРИ

Боядан бери юмшоқ қалтираб,  
Биланглаб тез-тез,  
Силкиниб турган тол новдалари –  
Нега, билмадим –  
Бирдан тўхтади.

Қизиқиш билан уларга қараб:  
«Боядан бери силкинардингиз,  
Бирдан нимага мундай тиндингиз,  
Ай гўзал толларнинг ёш садолари?» –  
Деб хитоб қилдим.

Жавоб берилди:  
«Чолғу чалинди,  
Қилқиз ялинди,  
Кўнглингга ўхшаб биз ҳам жим бўлдик,  
Қилқизнинг майин завқига тўлдик!»

## ДАЛА ЙЎЛЛАРИДАН...

Дала йўлларидан юриб борамен,  
Ҳар япроқ бошимда битта елпиғич.  
Юмшоқ ел...

Юзимни буриб борамен,  
Ҳисларим ел каби енгил, ўйноғич...

Кичкина ариқнинг пастак шовваси  
Майин товуш билан «шов»лаб турадир.  
«Эй қўпол шаҳарнинг жанжал-ғовғаси,  
Дала йўлларида мен бормен!» – дейдир.

Дала йўлларида телбалар каби  
Эртадан-кечгача мен ҳам чопамен.  
Афсоналардаги дарбадар каби  
Кимсасиз ерларга қўйин очамен.

Кимсасиз ерларда сирлар айтилди,  
Ғафлат уйқусидан уйғониб кетдим.  
Янги нашидалар дилга битилди,  
Уларда туганмас маъни дарж этдим.

Шовва товушлари эркин шеъримга  
Олтин қанот тақди афсоналардан;  
Олқишлар қўзғолди гул-лолалардан,  
Ўзлик ёт кўринди турган еримга...

Ўзимдан ташқари бир дунё кўрдим...  
Иккимиз ўшанда оқиб борамиз;  
Фоний қирғоқларни йиқиб борамиз,  
Ҳақиқий бирликка шунда йўл бурдим.

Шу он... ўзликларни уриб борамен,  
Дала йўлларидан юриб борамен.

## **ЎЗБЕК ЧИНОВЧИЛАРИГА**

*(Ўн та йигитнинг чиновчилик курсини  
битириши муносабати билан)*

**Ерни ўлчанг, таноб тортинг, ҳандасага тўғриланг!  
Ер эккувчи деҳқонларнинг ҳолини ҳам хўп ўйланг!**

**Таноб деган жонсиз нарса қанча тортса чўзилур,  
Аммо жонли деҳқонлар-чи? Унга етмай узилур!**

**Ер сизларга кўкрагини катта очиб кўрсатар,  
Деҳқон бўлса кўз ёшини ерга сочиб кўрсатар.**

**Рақам билган мия билан деҳқон ғамин анлангиз!  
Таноб тортган қўллар билан ярасини боғлангиз!**

**Ўзингизни ер экканнинг хизматига чоғлангиз,  
Ер ва меҳнат ёвларининг юрагини доғлангиз!..**



## «ЭРКИН СИНГИЛ»ГА

### I

Бурун ҳаммадан  
Тубан тутулган,  
«Чиркин пардадан  
Энди қутулган»  
Эркин синглимиз,  
Биздан ҳам эшит!  
Биз ҳам «ўз» йигит,  
«Бошқа» эмасмиз!

### II

Кун чиқмай кўзғол,  
Ўроғингни ол,  
Талаларга бор,  
Экинларни ёр,  
Буғдойларга сол!  
Йўқса, тонг увол...  
Қаршингдаги чол  
Хийла қариган,  
Яшаб ҳориган,  
Соқоли оппоқ...  
Шундоқ бўлса ҳам,  
Сендан бурунроқ  
Далага чиқиб,  
Фарамлар йиғиб,  
Қанча боғлаган!  
Ҳеч чарчамаган,  
Оёқ-қўл илдам!  
Яқин бориб кўр,  
Гул юзингни бур.

Ўйноқлаб туриб,  
Шарақлаб кулиб:  
«Ота, ҳорманг!» – де.  
«Чарчаб толманг!» – де.  
Кўнглини кўтар!  
Яшариб ёши,  
Қариган боши  
Кўкларга етар!

### III

Кучинг кетадир,  
Ҳолинг битадир.  
Чарчаб қоласан,  
Ҳориб-толасан.  
Қишлоққа қараб,  
Экин оралаб  
Йўлни соласан...  
Йўлингда дала,  
Далада лола  
Қип-қизил бўлиб,  
Ҳаётга тўлиб,  
Кулиб турадир...  
Сенга тикилиб,  
«Опажон, ол!» – деб,  
Агар олмасанг,  
Назар солмасанг,  
Қулдек ялиниб,  
Қушдек талпиниб  
Ўлиб турадир...

Чидай олмайсан,  
Тек қололмайсан;  
Ҳавас қўзғолур,  
Қўлинг узолур,

Узиб олурсан...  
Кўкат-ипларга  
Бирмунчасини  
Чизиб олурсан...  
Кулиб боқурсан,  
Сўнгра тақурсан...  
Энг кенжасини  
Ахтариб топиб  
Қулоққа тақиб.  
Жаъли сепларга  
Ўпкалар бошлаб,  
Пичинглар ташлаб  
Дашном берурсан,  
Йўлга кирурсан...

#### IV

Бир деҳқон йигит  
Шаҳарга келиб,  
Йиғинга кириб,  
Аҳволни билиб,  
Қарор ўқилгач,  
Йиғин ёпилгач,  
Аста... пиёда  
Қайтиб борадир.  
Қўшиқ: «Ёр, дод-а...»  
Айтиб борадир.

Йўлида дала,  
Далада хола,  
Холада лола...  
Хуштор бўладир,  
Ҳавас тўладир.  
«Ҳорма, қиз!» – дейдир,

«Ҳорманг сиз!» – дейсан.  
Юмшоқ куласан;  
Баттар эрийдир...

## V

Бугдой оралаб,  
Қишлоққа қараб  
Кетган вақтингда,  
Оёқ остингда  
Сомон парчалар  
Албат янчилар...  
Фақат уларнинг,  
У мискинларнинг  
Улуғ хирмондан,  
Ўроқдан-дондан,  
Энг зарур «нон»дан  
Увалаб тушган,  
Ерда увишган  
Улуғ зарралар,  
Миллион карралар  
Бўлганлигин  
Унутма, синглим!  
Чўпсиз ерларнинг,  
Донсиз йилларнинг  
Ўлимлар билан  
Тўлганлигини  
Унутма, синглим!

## VI

Кун тугал ботгач,  
Даладан қайтгач  
Лоладан чамбар  
Тақиб оласан,

Гуллардан камар  
Топиб оласан...

Бир туп толинг бор;  
Юмшоқ қамарлар,  
Ёш новдалари  
Кечки еллардан.  
Ёз савдолари  
Ёруғ йиллардан  
Мунда қувалган,  
Дарбадар қолган  
Кечки елларни,  
Қаландарларни...  
Тол шохи пастдак,  
Чўзилиб жиндак,  
Узун толасин,  
Тол новдаларни,  
У соддаларни  
Сочига илиб  
Чочпопук қилиб  
Юруб қоласан.

Шунда ой чиқар,  
Зулматни сиқар.  
Сути тўкилур...  
Бутун ер юзи  
Оппоқ кўл бўлур...  
Юлдузнинг кўзи  
Ҳафиф жимиллаб  
Сенга тикилар.  
«Қандай ойдинлиқ!  
Гўзал шу борлиқ!  
Кечалар қутлуқ!» –  
Деган сўз билан,  
Ёнган кўз билан

Аста... имиллаб  
У... йигит келар!  
Ҳафиф ойдинлиқ!  
Қишлоқда тинлиқ...  
Кўкда ой-юлдуз,  
Ерда йигит-қиз  
Тунга чўмарсиз,  
Ҳаёт эмарсиз...

## VII

Ёш куч... кунларда!  
Шундоқ тунларда  
Ҳафиф ойдинлик  
Пуч нарса эмас!  
«Асл жонлилик,  
Йигит қонлилик  
Шунда!» – демаса,  
Шуни сезмаса...  
Сени танимас,  
Ҳеч нарса билмас!..

Синглим!  
Шундоқ тунлардан,  
Лола-гуллардан  
Тортинма, безма,  
Бағримни эзма!..

## БИРИНЧИ ХАТ

Мен

Кетай деб,  
Тез етай деб  
Боғладим  
Белга камар!

Сен

Нетай деб,  
Сабр этай деб  
Солмадинг дилга кадар!  
Нур олай деб,  
Юксалай деб

Мен

Қанот қоққан эдим!  
Айланай деб,  
Ўргулай деб

Сен

Қараб қолган эдинг...

Энди

Мен мундан –  
Узоқ ерлардан  
Чопар чоптириб  
Юбордим бир хат,  
Бир кичик нома!

Энди

Сен ундан –  
Юмшоқ ерлардан  
Қанот тақдириб  
Мен сари жўнат  
Бир сучук нома,  
Эй сочлари пат,  
Эй пок муҳаббат!..

## БУ НИМА НАРСА?

«Бу нима нарса?» –  
Деб ҳар ким сўрса,  
Дейман: «Ер юзи».

Ҳар ерда юрар,  
Ҳар шайни кўрар:  
Дунёнинг кўзи!

Дунёни овлар,  
Ҳар кимни товлар:  
«Фотохон» қизи!

Китобга қўлдош,  
Газетга йўлдош:  
Омманинг сўзи!

Тили ўқимли,  
Элга ёқимли:  
– Ўзбекнинг ўзи!

Ўроққа ўртоқ,  
Болғага иноқ,  
Меҳнат – юлдузи!...



Лолалар кўнглини англаган Лола,  
Лолалар тилидан қилибсан нола.

Лолалар ноласи аччиқ бўлса ҳам,  
То қалбдан келгувчи санчиқ бўлса ҳам,

Тинглаб келган эди карқулоқ девор,  
Эркакнинг ўзидек бир нўноқ девор...

Энди бу нолангни жаҳон тингласин!  
Дилларда бор эса виждон тингласин!

Виждонга инграган имон тингласин!  
Яъни у муҳтарам инсон тингласин!

Мен ҳам қаламимни аламга солиб  
Шеърый қувватимни қаламга солиб.

Нолангни қалбимга кўчирдим, Лола,  
Эй лола тилидан қилгувчи нола!

## ТАБИАТ ҚУЧОҒИДА

Кўрганим туш эмасми?

Менга қараб жилмайган алдаш эмасми?

Мени чорлаган сароб эмасми?

Имлаган ва ўзига илинтирмак истаган хаёл қизи эмасми?

Чинакам жилмайиш, чин севиш, занона – нозик эркалатиш...  
саодатми келадир?

Йўқ... кўм-кўк тоғ, ундаги тонгларнинг биринчи жилмайишлари, ундаги ўрмонларнинг имлагувчи қарашлари, ундаги сувларнинг чилдирлагувчи саломлари – олқишлар алдамайди!

Табиат, ай соқов хотин, индамас гўзал!

Гапирмасдан сўзлаган, индамасдан чорлаган вақтингда мен сени англаймен.

Сен индамайсен, ёввойи ҳирслар-да қўзғолмайлар;

Сен гапирмайсен, бола – кўнгил ҳам чўчиб уйғонмайди.

Йўқ, ай ернинг товуши, ай кўкларнинг қўшниси, мен сени англаймен; сенинг ўтганлар тўғрисида сўзсиз айтган эртагингни, келгуси тўғрисида индамасдан сўзлаган ҳикоянгни жуда очиқ тушунамен...

Туш эмас кўрганим,

Алдаш эмас жилмайган,

Сароб эмас чорлаган,

Хаёл қизи эмас имлаган ва ўзига илинтирмак истаган.

Жилмайиш ўзи келадир,

Севинч ўзи!

Эркалатиш ўзи келадир,  
Бахтнинг ўзгинаси!

Чақирадир мени, имлайдир ва ўзига тортадир у биргина...  
Табиатнинг сирли жилмайиши!..

## **ҚОР ТУЙҒУЛАРИ**

*(Ўртоғим В.М.га ҳазил)*

Билмадим, осмонда кимлар урушди,  
Ҳавонинг чеҳраси бирдан бурушди.  
Менинг ҳам кўнглимга оппоқ қор тушди  
«Вов, мим»нинг мисқолий салласи каби...

Дерларки: «Элингда олма пишадир,  
Ёлғон йўқ, деҳқонлар қон йиғлашадир!»  
Бу хабар ваҳмидан каллам шишадир  
«Вов, мим»нинг файласуф калласи каби...

Замҳарир совуқлар қутуриб тошди,  
Бўронбой ел билан қувнаб ўйнашди.  
Шу «мавсум» чинакам ҳаддидан ошди  
Она тилчиларнинг «палла»си каби...

# ТАБИАТНИНГ ЖАВОБИ

## I

Кўринган не – туш,  
Жилмайган не – алдаш,  
Чорлаган не – сароб...  
Сароб деб ўрганган шоир!  
Сезгинг – вайрон,  
Тушунчанг – хароб,  
Борлигинг «ваҳм» билан чириган!  
Кел, менинг юмшоқ бағримга кел,  
Тоғларимга,  
Тоғли ёнбағирларимга кел;  
Тўқайларимга,  
«Пиллапояли – олтин сояли» Олтойларимга кел;  
Ўрмонларимга,  
Ўрмон билан ўралган қўрғонларимга кел!  
Кел,  
Кўтарил!  
Юксал!  
Майсали, гулли йўлаklarимдан ҳориб-толиб  
Юқориларга интил!  
Юксалганинг сари, чириган кўкрагингга  
Ундургувчи нафасларим билан дам соламен;  
  
Кўтарилганинг сари, ҳар бир босган қадамингдан  
Неча йиллик эски дардларингни оламен.  
Кенг ёнбағирларга етганингда, йўлларимга олам-олам алвон  
рангли гиламлар ёйиб ташлаймен;  
Кўк қўшниси – чўққиларимга чиққанингда, кўзларингга  
дунё-дунё гўзалликлар кўрсата бошлаймен.  
Қўйнимда заҳар.  
Бошимда ҳаёт суви, кавсар,  
«Бойлик!» – деганларга қўйнимдан заҳар олиб  
Қўрғошиндай эритиб берамен;

«Яйрайлик!» – деганларга бошимдан ҳаёт суви – кавсар олиб, маст қилиб элтиб берамен.

Қўрғошин қўйнимда; қайнаб, тошиб ётадир...

Бир томчиси бир ҳаётни ўчиргани яраса ҳам... ҳаёт майдонида истаганича ҳукм суриб, кўпириб-тошиб, ҳаддан ошиб ётадир.

Сенинг жинсдошларинг бир-бирларига қарши асраган қаҳру ғазабларини босмоқ учун қўйнимдаги қўрғошинга чўқинатурган бўлдилар.

Ай эси ел,

Кўкраги сил,

Туйғуси сел шоир!..

Мен жилмайсам,

Ўрмонлар куладир,

Ўрмонлар кулганда,

Енгил жониворки бор, қаерда бўлса ҳам, қанотларини оёқ ясаб ўрмонларнинг қуюқ қучоқларига югурадир, юзини бокира япроқларга ўгирадир.

У эмас, улар югурадилар.

Улар югурганда, юмшоқ ел уларни сарин ўпишлар билан қутлайдир;

Юмшоқ ел қутлаганда,

Жониворларнинг кўнгил қилларини билинмас туйғулар қитиқлайдир.

Жониворлар ўшанда узиб-узиб, эсириб-эсириб сайрайдилар.

Шунда мен билан бирга бутун табиат болалари яйрайдилар...

Ер беҳуш-беҳуш тинглайдир,

Кўк завқларга тўлиб йиғлайдир.

Ернинг товуши эшитилмайдир,

Кўкнинг кўз ёши тўкилмайдир.

Булутлар турган жойларида қотиб қоладилар,

Гулдураклар дам чиқармасдан нафас оладилар.

Чақмоқ тошини бағрига беркитадир,

Най камалак ўқларини атайлаб чиккитадир'...

---

\* Чиккимоқ – ўқнинг отилмай, чиқмай қолиши.

## II

Шунда сен, ай шоир,  
Ясама бир чақмоқнинг чаққанини,  
Сунъий бир булутнинг ўкирганини,  
Қуйма най – камалакдан қўрғошинли бир ўқ чиққанини,  
Бутун теварак-атрофнинг қўрқиб бўкирганини...  
Бўкирганини эшитасан, кўрасан!  
Қушлар қочарлар,  
Ўлим даҳшати билан ҳар бир бўшлиққа қучоқ очарлар.  
Япроқлар ажинадан қўрққан болалардай ранглари ўчиб  
жим юларлар.

Аллақайси уянинг етим қолган гўдаклари очлик хавфи билан хом тукларини бўларлар...

Бир неча жонивор ерларга чўзиладир,  
Менинг оламшумул нағмам бир зумда бузиладир,  
Қиллар бирдан узиладир...  
Кўрганинг туш эмас,  
Жилмайган мен эдим,  
Чорлаган сароб эмас,  
Менинг нағмам эди.  
Қардошларингдан бири,  
Сенга ўхшаган бир одам боласи,  
Бир кун келди,  
Бир ўқ ўзди,  
Менинг туганмас важдимни,  
Сенинг тўйиб бўлмас тушингни бузди!..

## СУВ

Сув

Оч, чанқоқ ерни суғорганда,  
Ернинг ҳансираб ётган талабли қўйнига кирганда,  
Ер ҳам уни қақшаган лаблари билан шимирганда,  
Шимириб ичиб қонганда,  
Индамайди сув!

Тоғлардан югуриб, чопиб оққанда,  
Эркалик ёққанда,  
Бўкириб,  
Ўзни ҳар томонга уриб,  
Куйлаб,  
Сўйлаб  
Ҳеч бир тинчлик бермайди сув!

Ўкириш,  
Ғалва – тўполон,  
«Карнай-сурнай, вадаванг» –  
Қуруқ савлати сувнинг!

Жимгина,  
Тинчгина  
Ер қўйнига кириш,  
Тупроқларга кириш,  
Эҳтиёжни енгиш –  
Улуғ давлати сувнинг!..



## **БАҲОРНИ СОҒИНДИМ...**

Баҳорни соғиндим, баҳорни...  
Кўрганда ерлар, оламлар тўла қорни.  
Қор... қор  
Заҳарли ниналар каби  
Кўзларга қараб оқар...  
Қайдасен, қайдасен,  
Латиф сийналар каби  
Далаларга сингган баҳор?

Тала-туз,  
Экин-тикин...  
Ғамгин-ғамгин  
Сўла бошлади.  
Сарғайган япроқ,  
Бўяниб тупроқ  
Ўла бошлади, ўла бошлади...

Йўқ... ўлим йўқдир!  
Ёлғиз бир ўчиб... бир ёниш бордир!  
Бир ўчиб, сўниб... яна ёниш бор,  
Яна баҳорлар,  
Яна лолалар,  
Яна сиз, эй... эркин тилаклар!..

## **КУЗ ЁМҒИРИ**

**Тўкилди томчилар...  
Япроқнинг юзлари  
Томчига ўптириб ҳўлланди,  
Чуқурча кўлланди...  
Томчини қўптириб  
Бетида ўйнатди  
Чуқурча,  
У жиндек кулча.  
Томчилар – кўкларнинг сўзлари  
Ерларни қамчилар!..**

## УЗАЛГАН ҚЎЛ

Қўлимдан тортмоқчи бўлдими?  
Шу кетсиз гирдоблардан қутқазиб  
Қирғоққа отмоқчи бўлдими?  
Ким ўзи мен каби йўл озиб  
Адашган йўлчига қўл берган  
Ва юргун кўзларга термилган?

Чарчаган қанотим куч сизди,  
Янами кўкларга юксалиш?  
Янами кўнгилда тебраниш?  
Йўлимда бир фонар кўргазди,  
Янами йўлчилик бошлаймен  
Ва совуқ масканни ташлаймен?

Мен унга кечмишдан аламли  
Афсона варақлаб берайин.  
Асабий, шиквали ва ғамли  
Достончи руҳига кирайин.

Сиз унга айтингиз: тингласин  
Қалтироқ қилларнинг зорини...  
Қалтироқ қилларнинг ёрини  
Йўқотгач эзилиб инглашин.

Бошладим шиквали чўпчакни,  
Қирғоқдан чўзилган қўлларга  
Ва, балки, кирмаган йўлларга  
Кирарман ахтариб истакни!..

Бир эсиб ўтдилар «Уйғониш» еллари,  
Бир қайнаб тошдилар кўз ёши – «Булоқлар».  
Ай тонгда қалтираб ўйнашган япроқлар,  
Тек туринг, ёйилсин энди...  
«Тонг сирлари»!..

## МЕН ШОИРМИ?

*«Таржимаи ҳолим»га*

Хаёлим бир учиб кетиб қоладир,  
Мен ҳам тизгинини қўйиб берамен.  
Зотан, қандоқ қилиб тутиб турамен?  
Энг нозик қилимга тегиб қоладир.

Учадир... учадир... минг қабат кўкни  
Бир бошдан сийпалаб ўтаберадир.  
Зерикмай, эринмай кетаберадир  
Баъзан ҳовлиқтириб жинни юракни...

Кўланка кабидир, ўтган еридан,  
Сўнгра қарасангиз, бир нишон қолмас,  
Юрган ерларидан озиқ ҳам олмас,  
Шунда зерикамен унинг сайридан...

Бир замон бир ширин жойга етганда  
Нарига ўтмасдан тўхтаб қоладир;  
Ошиқдан ястаниб ётиб оладир...  
Шу чоқда қийналиш бошланар менда.

Чунки хаёлимнинг кўзлари билан  
Бир гўзал ҳолатни кўриб турамен,  
Лаззатга фарқ бўлиб ўлиб турамен  
У ҳолни борлиқнинг сўзлари билан.

Англатиш қўлимдан келмай қоладир,  
Шу чоқда тилларим қалдираб кетиб,  
Борлиғим йўқлиққа филдираб кетиб,  
Демаким: «Бошқалар билмай қоладир

Шундай гўзалликни! Аттанг, агар мен  
Рассом бўлсам эди, чизиб берардим,  
Ўхшаш нусха билан ёзиб берардим.  
Шу ожиз ҳолимда шоирманми мен?..»

Шоирлик менда бир соями дейман,  
Ҳар бир тушунчамни ёза олмагач,  
Рассомдек хаёлга чиза олмагач  
Ҳақир борлигимга кўп афсус ейман...

Хаёлим юксакдан тушиб кетадир,  
Шоирлик чанг бўлиб учиб кетадир...

| 1927

## **БУ ЕРНИНГ ҚИШИ**

*(Назираларга назира)*

Кеча-кундуз қор...  
Бу ерда фалак,  
Эрка бир малак  
Пар сочиб ўйнар!

Бу ерда қуёш  
Жуда эринчак,  
Нозли келинчак  
Билгани ўйнаш!

Шундай кўриниб,  
Жилмайиб, кулиб,  
Бир ўпич бермай,  
Қучоққа кирмай  
Яна қайтади,  
Ситам этади.

Қор парчалари –  
Тўкилган садаф;  
Ётар йилтиллаб  
Ой кечалари.

Поёнсиз боқча,  
Чаман-чаман қор.  
Жонли сой оқар  
Кундузи-кеча...

Ит увламайди,  
Ҳаёт қайнайди.  
Тунни чайнайди.  
Ҳеч ухламайди,  
Кўзни юммайди.  
Сира тинмайди.



## ЧИММАТ ҚЎШИҒИ

(«Ўзганча»га)

Чимматимни кўтариб кўрди хушторим,  
Дедим: «Тирикликда шудир мозорим!

Чимматимнинг қиллари юзимга ботар,  
Бу қафаслар ичида қачон тонг отар?

Чимматимни ташласам, ҳеч ким олмайди,  
Ота-онам ҳолимга назар солмайди.

Чиммат, чачвон дегани ҳаммаси бир гап,  
Кўп чиройлик кўзларнинг ёшига сабаб.

Чимматимни иргитай, ушла, хушторим!»  
«Паранжини қўшиб ташла, озодсан, ёрим!»

## ҚАДОҚЧИ ҚЎШИҒИ

Ҳаволарда қулоч отиб келган турналар,  
Бизнинг Қашқар элларидан йўқми бир хабар?

Бизнинг эллар доvonларнинг кетида қолди,  
Золим фалак бошимизга айрилиқ солди...

Олис йўлларга қараб телмирган ёрим,  
Бу йил қайтай десам, етмас мадорим!

Ҳаволарда қаторлашиб учган турналар,  
Омон борми элда қолган ота-оналар?..

## ЗАНГБУНИНГ ҚИЗИ

Эрта саҳарларда тонг шабадаси  
Ўрик гулларини ўпиб ўтгандир,  
Мени ҳам ўпмасин «жувон ўлгур» деб  
Шафтоли япроғи юз беркитгандир.

Сўртақлар юзига чўзилган «зангбу»  
Қизи – япроқхонни уйғотиб олиб  
Ясан-тусанига эрта-кеч бошлар,  
Билган ҳунарини ўртага ташлар.  
Япроқхон ингичка гажаклар солиб  
Онаси ёнида қийшанглаб турар,  
Ўтган-кетганларнинг кўнглидан урар!

Бечора япроқхон тортиб олиниб  
Қиймали гўшт билан қозонга тушса,  
Каварток севганлар қатор туришса,  
Зангбунинг аҳволи нима бўлди денг!  
Бирининг борлиғи қайнар қозонда,  
Шуни, эй ғофиллар, эсга бир олинг!

Ўтган шабадани ўпган булбуллар  
Гулдан бошқасини ўйламаслармиш.  
Шу қадар таъсирли, буралма тиллар  
Гулдан ўзга бир сўз сўзламаслармиш.

Шабада ўзи ҳам бугун бир ўпиш  
Берган япроғини эртага ташлаб,  
Бошқа япроқларга хушомад бошлаб  
Вафонинг расмини бузиб ўйнармиш...

«Япроқнинг қисмати – тўкилиб сўлиш», –  
Деганлар шуни ҳам англасинларким,  
Турмуш – ҳаёт деган қудратли ҳоким  
Минг турли қонунлар тузиб ўйнармиш!..

*(Ҳенрих Ҳейнедан)*

Ҳамма эснаб турди, қулоқ солмади,  
Қайғумни гапириб берган вақтимда.  
Мени алқамаган киши қолмади,  
Қайғумни назмга терган вақтимда.

## ҚАЙТИШ

Сира ташламай сени,  
Кўз ёшларида мени  
Ўстирган асл шеърим!  
Бир чоғлар кўким, ерим,  
Қиблам, истагим эдинг,  
Кўнгил чечагим эдинг!  
Сенсиз кунларда яна  
Бўшлиқ тўлди кўнглимга.  
Яна ҳамдамсиз қолдим...  
Кўнглимга алам олдим,  
Кўлимга қалам олдим,  
Яна жинланмакчиман!  
Кўнглим кўнглингдан майин,  
Кўнглингга кирмакчиман!..

## ТАБИАТ КИТОБИДАН

(1-бет)

Кўклам... Ернинг тинч уйқуси бузилган,  
Тор қалбидан кучли ҳовур чўзилган.  
Бир қиш ухлаб, бир қиш ётиб зериккан,  
Кенг кўкларга яйраб-яйраб қарайди,  
Кун тифида сочларини тарайди,  
Неча ойлик ҳаваслари бириккан!  
Болалари – дарахтларни эмизиб  
Шохларидан кўзларини олмайди;  
Ҳар кун янги бир «усти бош» кийгизиб  
Ясантириб чарчамайди, толмайди.  
Дарахтлар ҳам соғлом, тетик боладай  
Ҳар кун эмас, ҳар нафасда ўсади.  
Кўланкани ёйиб ташлаб толадай  
Она ернинг юзларини тўсади...  
Шохчаларга секингина ўрмалаб  
Новдаларда қанот ёзар баргчалар:  
Юмшоқ еллар эркалатиб, сийпалаб  
Бетларидан ўпиб-ўпиб кечалар...  
Баргчаларда болаликнинг сурури,  
Енгил-енгил қалтирашиб ўйнайлар,  
«Жувонмарглар» ҳеч ўйинга тўймайлар.  
Болаликнинг малол келмас ғурури,  
Юзларига бир кўркамлик беради,  
Кўнгилларга уйқу каби киради.  
Ҳар баргчанинг табиатдан тилаги:  
Шу яшашнинг томирини узмаслик,  
Шу нашъани, шу роҳатни бузмаслик.

(2-бет)

Бошқа мавсум... Ер ҳансираб ётади,  
Ҳар ўтганга заҳарини отади...  
Кўксидаги зийнатлари таланиб,  
Эски йиртиқ кўйлак қолган устида.  
Кўкрагида ғазаб ўти қаланиб,  
Ҳар ўтгандан бир ўч олиш қасдида  
Дарахтларга қарагиси келмайди.  
Эмчагида бир томчи ҳам сути йўқ.  
Боши қотиб на қилишни билмайди,  
Ранги ўчган, нафаслари қуп-қуруқ.  
Дарахтлар-да оғиз – соқов, қулоқ – кар...  
Куз шамоли барглар учун бир наштар:  
Санчилади, жонларини олади,  
Юксаклардан қуйиларга солади.  
Сил япроқлар шитирлашиб ерларда  
Жон талашиб, буралашиб ётарлар.  
Қаро булут лочинлари қирларда  
Қанот ёйиб эркин қулоч отарлар...  
Булут – кампир элагини кўтариб  
Супрасини ёймоқ учун боради.  
Бўрон ботир теракларни онтариб  
Эрта-индин ўтинини ёради.  
Ўтинларни ёриб ўтган болталар  
Ернинг юмшоқ бағрини ҳам эзади.  
Бир бечора кунда неча марталаб  
Борлиғидан, ҳаётидан безади.  
Йўқ бўлади лаблардаги тилаклар,  
Қайрилади, эгилади билаклар!..

## ЙЎЛЧИ

Қаршидаги адирнинг  
Кўксига ёнбошлади  
Чарчаб қолган офтоб.  
Шунда сўлим бир қирнинг  
Қучоғига ташлади  
Ўзини ҳорғин, бетоб...  
Узоқ йўлнинг йўлчиси.

Охирги заррасини  
Офтоб ёйиб солади  
Дарахтларнинг бошига.  
Гўдак руҳли япроқнинг,  
Чанг йўлдаги тупроқнинг  
Севиниб ўйнашига  
Беҳуш тикилиб қолди  
Узоқ йўлнинг йўлчиси.

Бир оздан сўнг керилди  
Кенг қирларда бир қанот,  
Қора танли зулумот.  
Кеча тўла бошлади,  
Оғирини ташлади...  
«Ҳорганларнинг элчиси  
Мен бўламан!» – деб келди  
Тоғ томоннинг шамоли.  
Йўлчи яна қўзғолди,  
Назарлардан йўқолди.

Кеча қайғига толди,  
Ҳансираб нафас олди...



## ХИТОЙ ОҶАНГЛАРИ

### ХИЗМАТЧИ БОЛА ҚЎШИҒИ

*(«Торт наъранги, Хитой!» пьесасида ўзини  
ўлдирётган хизматчи бола айтади)*

Томиримни ҳақимлар қачон кўради?  
Жон олувчи бўронлар қачон юради?  
Куз барглари тўкилди: сап-сарик сомон,  
Йўқсилларга тириклик ўлимдан ёмон...  
Бу қоронғи кечалар бойлар учун соз,  
Биздек боёқишларга ўлимдан ҳам ноз...

## ЖАН-ЗИ

Шоли десанг дайронда, Жан-Зи,  
Бошоқлари ҳар ёнда, Жан-Зи,  
Бойлар ҳар кун ош еса, Жан-Зи,  
Камбағаллар ҳайронда, Жан-Зи.

Қамиш баланд ўсади, Жан-Зи,  
Ўсиб йўлни тўсади, Жан-Зи,  
Ҳамма чиққан генерал, Жан-Зи,  
Камбағални кесади, Жан-Зи.

| 1929

## **ФАРҲОД ВА ШОПУР ДУЭТИ**

*(«Фарҳод ва Ширин» музикали драмасидан)*

### **Фарҳод**

Сабо, элтгил саломимни, етургил кўйи дилдора,  
Паришон хотирамдин арзаи қил нозанин ёра.

Баён этгил юзини ёди била қилган фиғонимни,  
Этар, шояд, келиб бу Кўҳқан ҳолига наззора.

Нигорим лаб очиб сендан агар аслим савол этса,  
Хўтандандир мусофир, севги саҳросида овора.

### **Шопур**

Эмиш юртида Фарҳод исми, бунда Кўҳқан ўлмиш,  
Матои ҳусн олмоққа келибдур ушбу бозора.

### **Фарҳод**

Менга учмоҳ кўринмиш шавқи бирла бу жафо тоғи,  
Нигорим шарбати васлида, во, мен ташна бечора.

## ОШИҚ ВА МАКТАБ

Ёшлигимда кўп ўйнадим ошиқни,  
Дам ютқизиб, дамда ютиб севиниб.  
Ёшим ўсгач, энди билдим мен ҳақни,  
Шунинг учун юрадирман куйиниб.

Онажоним айтар эди менгаким:  
– Ошиқ ўйнаб мугиз чиқмас, болам, – деб.  
Ул вақтда тингламадим, негаким  
Ошиқ дедим, юрдим ошиқ гамин еб.

Энди ўсдим, кўрдим дунё ҳолини,  
Ишондим мен: катта янглиш қилганман;  
Изламасдан ўқув-билим йўлини,  
Керак эмас дунёларда юрганман.

Хайр энди, ул чоқларда ўзи ҳам  
Янги тартиб, мактаб деган йўқ эди.  
Сабабини тушунмадим ҳали ҳам,  
Ундай мактаб очмоқ қаттиқ тўсиқди.

Энди кўп бу ажиб дунё романи,  
Ҳар бурчакда, ҳар бир ерда мактаблар.  
Ҳамма ҳайрон мактабдаги тартибга,  
Кўплар айтар: ҳосил бўлди тилаклар.

Мен тилакни, фулонларни билмайман,  
Бироқ ўзим зўр бўлсам-да ўқийман.  
«Китоб» деса, мактабимдан чиқмайман,  
Чунки бунда тотли ўйлар тўқийман.

Мактабимда билим ҳам бор, ўйин ҳам,  
Кўнгил очиш, томоша ҳам тиётр.  
Емак, ичмак, кийим, қишда ўтин ҳам,  
Шу мактабни ёмон дейиб ким айтур?

Аламлар ўчоғи, ҳасратлар қучоғи,  
 Ай, қани дунё қадар юрагинг?  
 Ва луҳуд устидан тушмаган,  
 Қуюнга учмаган тилагинг  
 Қолди.  
 Изинг-да йўқолди...

Сен юксак ерларга чиқасан,  
 Юксаклар сен учун қўйнини очажак,  
 Ўннга-сўлга малаклар чечаклар сочажак...

Малаклар келишиб, баҳслар қилишиб  
 Кўкларга чақириб кетдилар.  
 Сен кетдинг ва бизни тарк этдинг,  
 Руҳият манзилига етдинг...

| 1930

## ЎН ОЛТИ

Ўн олти мартаба тўпландик бизлар –  
Тутқун оталарнинг эркин авлоди.  
Пўлатдек пишиқлик, матонат берди  
Темир кишанларнинг даҳшатли ёди.

Ўн олти мартаба тўпландик бизлар  
Асрнинг чораги ўтмасдан туриб.  
Биз янги етишган – навқирон кучмиз,  
Матлабга етамиз чолиб, югуриб.

Бизнинг асабимиз неча минг йиллар  
Кишанлар остида шу қадар пишди  
Ки, шунча оғирлик ичида асло  
Шошмадик, душманлар ҳайрон қолишди!

Бизнинг сафимизни оралаб баъзан  
Душманнинг заҳарлик фикри кирса-да,  
Биз сергак одамлар ва қаршимизда  
Сақланиб қололмас ҳеч қандай парда!

Бизнинг йўлимизда оғирлик сонсиз,  
Бирма-бир уларни енгмай қўймаймиз!  
Биздаги бу имон сенда йўқ асло,  
Эй душман, негаким кўнглимиз тамиз!

Ўн олти мартаба тўпланиб бизлар  
Қўл солдик ҳаётнинг томирларига!  
Ўзимиз ҳаётни тебратувчи куч!  
Жонлилар қайрилиб боқмаяжаклар,  
Шафақлар қизариб оқмаяжаклар,  
Ўлим олқишини юксалтиражак,  
Зулмат ғурублардан салом беражак  
Ҳаётнинг ёлғончи амирларига!..

## ОЛИСЛАРГА ҚАРАЙМАН

*(Лу Цзин-Ван шеъри, таржима)*

Туғилган ерлардан айрилиб  
Яшайман шу йироқ «Сан-Бо»да.  
Бир куни шийпондан қайрилиб  
Қарадим: баҳор кўп озода...

Толғали сойларнинг бўйида  
Бир таниш кишини кўрмасам,  
У олис элимнинг ўйида  
Мумкинми ёнмасам, куймасам?



## ЎРДАК ОВОЗИ

*(Вей Ин-Ю шеъри, таржима)*

Севгили юртимни қолдириб келдим  
Йироқда... йироқда... аллақайларда.  
Баъзида ўйлайман ёниб юрагим:  
Оҳ, қачон бўламан ўсган жойларда?

«Ху – Ан-Нан» оқшоми...  
Куз фасли...  
Ёмғир...  
Мунғайиб тураман болохонамда.  
Тинглайман: учмакда тепамда, томда  
Юртимдан келувчи ўрдаклар қур-қур...

## ТОҒДА ТУНАДИМ

*(Вей Ин-Ю шеъри, таржима)*

Шу юксак тоғларнинг бошига  
Учағон булут ҳам етолмас.  
Ҳар томон туманли...  
Қуюқ нилгунлик.  
Кўзларни хиралик ва парда босмоқда.

Тонг чоғи...  
Бир дамда мингларча дарахтда –  
Дам очиб, дам ёпиб –  
Нурлар-ла ўйнар ой.  
Саноқсиз тоғларнинг кетида  
Кузларнинг мусаффо сувлари  
Тубанга чоппоқда...

# ОКТАБРЬ

(7 ноябрь)

## I

– Эй, букун, эй, букун  
Дунёлар сарсилди!  
Фикрлар, хаёллар,  
Рўёлар сарсилди!

Эй, букун оловлар  
Дунёни ёндирди,  
Инсонлар оч ерни  
Қонларга қондирди!

Эй, букун кўкларда  
Қуёшлар тутилди.  
Эй, букун шамоллар,  
Бўронлар қутурди!

Эй, букун жаҳаннам  
Оловлар пускурди;  
Эй, букун вулқонлар  
Зулматга тўкурди!

Эй, букун чақмоқлар  
Чақдилар, чақдилар...  
Эй, букун тўфонлар  
Оқдилар, оқдилар...

Эй, букун дўл келиб  
Оламни йиққан кун!  
Эй, букун куррамиз  
Меҳвардан чиққан кун!..

## II

Йўқ, дўстим, ҳовлиқма,  
Хаёлга берилма.  
Ортиқча ҳашамга  
Берилиб сўз дема.

Ҳеч нарса бўлмади:  
На тўфон, на вулқон.  
Ёлғиз ҳақ йўлларда  
Оқди қон, оқди қон...

Ёлғиз бир ҳаракат,  
Қимирлаш кўрилди,  
Чайладан чиқилиб,  
Ўрдага юрилди.

Осилди «йўқ» «бор»га,  
Йўқсилларга – бойларга.  
(Ҳеч нарса бўлмади  
Кун, булут, ойларга.

Табиат жим қолди;  
На иссиқ, на совуқ.  
Октябрь ойида  
Куз кетган. Қиш ёвуқ.)

Қўзғолди оч қолган,  
Энтиккан бир йиғин;  
Ўлимнинг кўзига  
Кўз тиккан бир йиғин.

Қўзғолди бечора,  
Яланғоч жамият.  
Кўксида ёнарди  
Лекин бир ҳамият!

Ўлимга завқ ила  
Судраган ҳамият!  
Ўлимдан ўзгани  
Кўрмаган ҳамият!

Ҳамият ё ғазаб,  
Ё шиддат...  
Бари бир!  
Ёлғиз у дунёнинг  
Фотиҳи, оламгир!

Ана шул ҳамият,  
Ана шул жамият,  
Ана шул ирода,  
Ана шул ҳақ ният

Золимнинг қўлидан  
Қудратни олди-да,  
Ўзининг маҳсули –  
Зиндонга солди-да,

Ўзича яшашнинг  
Йўлини қаради;  
Ўзига бир олам  
Қурмоққа яради.

Шугина:  
Дўл келиб  
Оламни йиқмади  
Ва ернинг курраси  
Меҳвардан чиқмади.

### III

У куннинг куйи ҳам,  
Шеъри ҳам кўп содда;  
Лекин у соддалик,  
Равонлик олдида  
Дўлларнинг оламини йиқиши ҳечдир!  
Курранинг меҳвардан чиқиши ҳечдир!

# | 1931

\* \* \*

*Абдулла Алавий абадий уйқуга кетди.*

Эй улвий йўлдошим, юмшоқ тилингни  
Ўлимнинг омонсиз панжаси олди.  
Мен сендан айрилдим, шу ондан бошлаб  
Тилимда сўз деган нарса йўқолди.

Ул юмшоқ тилингда у юмшоқ сўзлар –  
Шулар эмасмиди кўпни банд этган?  
Демак, эй йўлдошим, қаро ерларга  
Ширин сўзларингнинг Лайлоси кетган.

Дедим-ку: тилим йўқ! Бу сўзсиз тилим  
Теваси йўқолган бадавий бўлди.  
Менинг тилим эмас, бутун бир элнинг  
Мулойим шеваси ерга кўмилди.

Сен тилга ипакдан кўйлак кийгиздинг,  
Йўқ, дўстим, у кўйлак битмасдан қолди.  
Мен сендан айрилдим, шу ондан бошлаб  
Айрилиқ тилимга калолат солди.

*Абадий дўстинг  
Абдулҳамид Сулаймон*

## ДАРЁ БЎЙИ

*Эски йўлда  
(Фафур Фуломга)*

Бу Учқўргон, ажаб, оби-ҳавоси дилнавоз эрмиш,  
Хусусан, дарёнинг қирғоқлари кеч куз фасли соз эрмиш.

Талотум айлашиб сувлар чопармиш телба, мажнундек,  
Қирғоқлар бевафо маҳбублардек йўлда ғоз эрмиш...

Тиниқ ой нурлари сувлар юзинда ўйнашиб тунлар,  
Тонг отгунча уларнинг ишлари минг турфа ноз эрмиш.

Бўлак жойларда тан роҳат тополмай чекса заҳматлар,  
Бутун ёз ўткунча дарё сувида «оббоз» эрмиш.

Кўриб Норинни таъби жўш уриб бир-икки сўз айтган  
Аруздан баҳрасиз бир Чўлпон отлик бенамоз эрмиш.



## ШОИР АБДУЛЛА АЛАВИЙ ВАФОТИ МУНОСАБАТИ ИЛА ОНАЛАРИ ҲАБИБАХОНИМ ЁЗГАН МАРСИЯ-ҒАЗАЛГА МУХАММАС

Бордир бу жафо устида ғурбатни қароси,  
Йўқлик ичида мангу ниҳон дилни сафоси,  
Хавф остида доим бу узун йўлни ароси,  
Йўқдир бу фалакнинг меҳрию ҳеч кимга вафоси,  
Йўқдир бу жаҳоннинг ғаму дардига давоси.

Ҳеч менга насиб бўлмади бу дунёда саодат,  
Ёлғиз ғамига, ғуссасига айладим одат,  
Дунёда бирор кун топа олмай тўла роҳат,  
Тўлди жигарим қон ила, дил бўлди жароҳат,  
Фурқат чўлида қолди кўнгил, қайда адоси?

Билмам, ким учун ушбу жаҳон жойи сафодур,  
Аммо менга қисматда фақат жабру жафодур,  
Дардимга менинг мулки адам хоки даводур,  
Ҳижрон майидин ичди кўнгил, айди шифодур,  
Чок бўлди юрак, битмади бағримни яроси.

Умид кўзини юммади ул кунгача абёт,  
Йиғларди мени ташлама деб ул кеча абёт,  
Сўнг дамда у ҳам дерди: ўқинглар пича абёт,  
Илгимга қалам олдим-у, ёздим неча абёт,  
Бошимга тушиб марсия қилмоқнинг ҳавоси.

Ёширма ниқоб остига, эй ёр, сен юзингни,  
Кўнгил сўзидин ўзгага сарф этма сўзингни,  
Ҳар кўйга солиб қилма ҳалок бир кун ўзингни,  
Алданма жаҳон гулларига, солма кўзингни,  
Бир гул ғамида, кўр, неча булбулни навоси.

Дунёга келиш эрдими, билмам, менинг айбим,  
Бўш қўймади бир кун мени занжир ила қайдим,  
Ул кунки менга ҳол сўргали келса-да, айдим:  
«Ер остига кирди менинг қуррат ул-аъйним,  
Кетди кўзимнинг нури-ю, йўқ бўлди зиёси».

Девонага мен ўзни нечук ўхшатайинким,  
Дурдонага ул сўзни мен нечук ўхшатайинким,  
Мастонага ул кўзни мен нечук ўхшатайинким,  
Ойнага ул юзни нечук ўхшатайинким,  
Ойнада ҳам йўқ эди ул юзни жилоси.

Кўз юмди адиб маҳфилнинг суюкли ёри,  
Юксалди фалакларга адаб аҳлини зори,  
Йўқ энди на шоир, на адибларни мадори,  
Баҳри ғамида ғарқа ҳама хеши табори,  
Олам юзига парда бўлиб тушди аъзоси.

Бир кун сўлиши бўлмаса, ҳеч бир гул очилмас,  
Ҳар ёнда ўлим чангали бордурки, қочилмас,  
Ҳеч кимга ҳаёт паттаси мангуга сотилмас,  
Кўнгил тилаган нарса бу дунёда топилмас,  
Ғаддора фалакнинг тугамас жабру жафоси.

Қандоқ қилайин, босса мени ғам ила аълом,  
Шам бўлмаса, зулмат ичида қолса бу маъвом,  
Ўлмоқ ва қутулмоқ менинг фикрим ва таманном,  
Ўтди бу жаҳондин сўзи ширин, юзлари раъном,  
Туфроқни ватан қилди, кафан бўлди либоси.

Туфроғи анинг сурма-ю, қабри ватанимдир,  
Ўлсам-да қовушсам – менга шул биргина тадбир,  
Чўлпон қошида ой эди ҳам кун эди ул бир,  
Шўрлик она ҳар қанча куйиб йиғласа арзир,  
Кетди бу жаҳондин жаҳон аҳлининг сароси.

| 1932

## ШАРАФИДДИН САЛОҲИДДИН ЎҒЛИГА МАКТУБЛАР

### БИРИНЧИ МАКТУБ

Эй аҳли шараф, олинг қулоққа,  
Юк юклагангиз бу бесўлоққа.  
Мумкинки чопиш ва ёки йўртиш  
Бу шўр пешона даканг чўлоққа.  
«Ҳар бор ўқиганда бу номангизни  
Қандоқ жавоб айлайин сўроққа?» –  
Деб хавф ила бағри қон калима  
Бошлар дилу эвонга йиғламоққа.  
Ночор тутаман қалам қўлимга  
Дил дафтарини варақламоққа.  
Дил дафтариди аламдан ўзга  
Бир ҳарф бўлурми номламоққа?  
Илҳом ариғи қуриб ётибдир,  
Йўқ ҳафсала ани ковламоққа.  
Ковлаб ани гар равона қилсам,  
Бошлар ўзгаларким лойламоққа.  
Кўнгул яна тунд бўлиб бузулгач,  
Тушгай яна эски сирқироққа.  
Умид шудурки, афв этарсиз  
Йўқ нарсаларимни борламоққа.

Эй дўст, мени қитиқлағонсиз  
Зил кетганин англамай туёққа.  
Ҳа, майли, дедим, жавоб ёзай бир  
Мен, бир ола қарға, гағламоққа.  
Ё бўлмаса маҳмадона, эзма,  
Бемаъни сўзимни сўзламоққа.  
Ҳозир шаҳар ичра сокин ўлдим,  
Гўё эгаман баланд равоққа.  
Хурсандлик ила бу дардли бошим  
Тенг бўлди-ку кўк ўпгувчи тоққа.  
Тор бўлса-да, энди соҳиб ўлдим  
Бир кичкина хонаи ётоққа.  
Хизмат ерим жойида ва лекин  
Мушкуллигини ўхшатинг сабоққа.  
Ўрганмаган иш қийин бўлибдир  
Ўргангувчи ўзни қарғамоққа.  
Ойлик-да яна кифоят этмас,  
Рўзгор иши ҳам тушиб чатоққа.  
Ҳеч қурбимиз ўлмади, биродар,  
Ҳатто онамизни йўқламоққа.  
Оз-оз юборилди икки-уч бор,  
Лозим бунга яхши англамоққа.  
Айниқса, кийим хусуси чучмол,  
Бир маҳсидан ўзга йўқ оёққа.  
Сўрмангки, сариқ ботинка бирлан  
Кетти қораси, дебон, қаёққа?  
Сиз берганингизни тоза кийдим,  
Мажбур бўлинди ташламоққа.  
Йиртилди, яқоси чок бўлди,  
«Ҳа, бор», – жавоб айлайин демоққа.  
Ҳожи Ражабин йўғон қароси  
Тор келди бу тўнкадек оёққа.  
На чораки, бошқага узатдим,  
Кун қолди шу маҳси ямоққа.  
Ёз вақтида шу маҳси бирла юрмоқ

Ҳеч одат ўлинмамиш бу ёққа.  
Гар бўлса иложи, қирқ учинчи  
Тезроқ юборинг олиб бу ёққа.  
Гар почта ила юборсангиз сиз,  
Шукр айлардим жаноби Ҳаққа.  
Гар Сизни юборсалар Қўримга,  
Тўғри кетиш ўлмагай у ёққа.  
Чунки йўлингиз шу ердан ўтгай,  
Лозим яна бунда ўграмоққа.  
Хўп ўйнатамиз азим шаҳарда,  
Бошлаб сизни боққаю равоққа.  
Эй аҳли Шараф, бас энди нома,  
Куч битди, олинг муни қулоққа.

## **ИККИНЧИ МАКТУБ**

Толе қуши энди қўнди шоҳқа,  
Ўт кирди бу қақшаган ўчоққа.  
Сизнинг у соф дил билан юборган  
Хоҳишларингиз эришди Ҳаққа.  
Бир хона тегиб шаҳар ичиндан,  
Турмуш гули очилди саёққа.  
Лампа ёғиниким талоқ қилдик,  
Тутқун бўлиб интирис чироққа.  
Тўп-тўғри ва тез топармиз уйни,  
Урмай ўзимизни аққа-баққа.  
Кўп тегди кўнгилга эски манзил,  
Асло ҳавас айламай йироққа.  
Ёз бўлса, «чу!» деб юриб қоларсиз,  
Бир отланубон тез арғумоққа.  
Биз бўлсак бу ерда интизормиз  
Воғзолда Сизни қабул қилмоққа.  
Сиз, балки, бу ерни тенг қилмассиз

Үш шаҳри ила оқ уйли тоққа.  
Биз ҳам биламиз: баробар ўлмас  
Ҳеч ўлка бу мазҳари пачоққа.  
Минг бод ёзишга моне ўлди  
Уйқу қушики келиб қавоққа.  
Бир номаи саз Шароф келтирсин  
Бечораю ожизу саёққа...

## БИР ЛАВҲА

*(Шанхай воқеаларидан)*

Нагасаки лиманидан жилди пароход.  
Бир пароход эмас, балки улкан бир флот!  
Вампу дарё сувларини қоплади тўлқин.

Сизинваннинг ҳавосини заҳарлик тутун  
Бир ҳафтадан бери бирдек босиб туради.  
Тоғ тўплари кемаларга олов уради!

Сеттилментдан ташқарида бу мудҳиш учиш  
Кеча-кундуз оғир тушдай давом этади.  
Оғир ўқлар ер бағрини ёриб титади!

Кенг майдонда ўликлар йўқ, ўлганлар сонсиз!  
Кўп «маданий» уруш бўлди ўликсиз, қонсиз:  
Ҳар бир ўлик бир нечага бўлиниб кетган,  
Ё қўлини, ё бутини бирдан ғайб этган,  
Бири қумлар орасида аранг кўринар,  
Бири оёқ остларида қолиб сурунар...

Кўп «маданий» уруш эмиш – ўликсиз, қонсиз!  
Обрўйлик бир газетада қайси виждонсиз  
Шу мазмунда ёзув ёзиб жар чақиради.  
Хўжайини дам чиқармай элни қиради!

Иккови ҳам «ваҳшийлар»ни йўлга солмоқчи,  
Иккови ҳам «ваҳший эл»да туриб қолмоқчи,  
Иккови ҳам «ваҳший»ларни ёмон кўради,  
Кўча-куйда кўринганда юз ўгиради.  
Иккови ҳам «ваҳшийлар»нинг кучига хуштор!  
«Ваҳшийлар»га бу севгидан нима фойда бор?

Сеттилментдан учиб ўтди хунук қора қуш!  
Ресторанда билинмади бу мудҳиш учиш.  
Чунки унда жаз шавқини қулоқ ёради,  
Ташқарида оч бир хитой, ҳей, ёлворади,  
Ҳей, ёлворади!..



Барча умид сен карамдан, эй карам, қилгил карам,  
Бир умр оғзимга олмай, қанддин етди алам.

Нон билан ун ҳам ўшал қанднинг йўлида жилвагар,  
Ул икковидан ҳам тониб минг мартаба ичдим қасам.

Мевахонлар, шиннижонлар, энди ноз этманг менга,  
Сиз билан ўйнашгали йўқдир кўнгилда ҳафсалам.

Гарчи картошка менга ихлосини билдирса-да,  
Ҳеч яқин бормасман асло унга энди, жон акам.

Ташладим шундай паловни, бор дебон унда гурунч,  
«Овқатинг доим палов бўлсин», – деган эрди дадам.

Дўстлар меҳмонга чорлаб қўйсалар қанду шакар,  
Ҳайфдир ундоқ такалуф, мен учун ортиқ ҳашам.

# | 1933

## 1 МАЙ

### I

Бу буюк кун йиллар бўйи зўр ўрмонларнинг  
Қуёш тушмас жойларида қарши олинди.  
Ёхуд чуқур ва қоронғу ертўлаларнинг  
Зах бағрида нафас баъзан ичга солинди.

Қизил байроқ алангадек ловулар экан,  
Ҳуштак чалиб ўтган ўқлар бағрини тилди.  
Уни қўлдан бермайман деб май кунларида  
Кўп ишчилар тикланолмас бўлиб йиқилди.

Бу буюк кун ҳар йил келиб ўз теграсига  
Қуйилардан янги-янги қувват тўпларди.  
Ўн олти йил мундан бурун кеч куз фаслида  
У зўр қувват душманларнинг сафини ёрди!

### II

Шундан бери у зўр кунни, ҳар келганида,  
Миллион-миллион кулар юзлар қарши олади.  
Байналмилал овозлари юксалар экан,  
Бор шундайлар: нафасини ичга солади...

Миллион-миллион кулар юзлар ҳар йил шу кунда  
Бир қайрилиб ўтганлари йўлга қарайлар:  
Шундай улуғ довларни нечук ошганлар,  
Нечук мунча тез кетганлар... англай олмайлар.

Тарих бўйи ҳеч бир қувват ботинолмаган  
Жуда офир, жуда мушкул бир йўлни тутиб,  
Ўтиш учун лоақалли икки-уч аср  
Керак бўлган узун йўлни беш йилда ўтиб,  
Қари тарих бетларига шараф битганлар,  
Ер юзини ҳайрон қилиб гангиратганлар!

Фақат яна қизил байроқ ҳилпирар экан,  
Миллионларнинг ўткир кўзи тағин йўлларда,  
Янги ҳаёт, синфсиз ҳаёт қуриш истаги  
Миллион-миллион  
Эркак, хотин, қиз, ўғилларда!..

## ҚЎШИҚ

*«Хуш келдингиз Хоразмга» куйига*

Бузиб эски турмушларни,  
Бажардингиз зўр ишларни,  
Адо қилиб юмушларни,  
Ҳорманг энди, колхозчилар!

Оқ олтинлар ривожланди,  
Кўп ишлаган кўп қозонди,  
Меҳнат душманлари ёнди,  
Ҳорманг энди, колхозчилар!

Интизомни жойлаб сафга,  
Ғайрат солиб ҳар тарафга,  
Эришдингиз зўр шарафга,  
Ҳорманг энди, колхозчилар!

Қўлга олиб тупроқ-конни,  
Азиз кўриб ишлаганни,  
Бажардингиз зўр планни,  
Ҳорманг энди, колхозчилар!

Фирқа сизнинг раҳбарингиз,  
Бузилмайди сафларингиз,  
Шараф тўла дафтарингиз,  
Ҳорманг энди, колхозчилар!

| 1934

## НИЛ ҚИЗИ

### 1-қўшиқ

Гўзал Нил бўйидан

Фаллоҳ қизиман.

Эҳромлар йўлида

Карвон изиман.

Тошқиндан туғилдим

Эрта баҳорда.

Илиқ нурлар эмдим

Кундан наҳорда.

Тўкилган хурмолар

Емишим бўлди...

Оловли севгилар

Елга тутилди.

Севганим қул бўлиб

Сотилиб кетди;

Мингларча қулларга

Қотилиб кетди...

Бутун ҳаётимни

Бир заҳар сирди:

Қўйнимга севмаган

Бир эркак кирди!

Онамдан айрилдим  
«Она» дегунча.  
Отамни кўрмадим  
Кўзим тўйгунча...

Нилнинг баракаси  
Дунёга татир;  
Фаллоҳнинг бахтини  
Кимлар уйғотур?..

## 2-қўшиқ

Мунбит Нилнинг меҳнатсевар «фаллоҳ» қизийдим,  
Мунбит ерлар, далаларнинг шан юлдузийдим.

Нил сувлари қирғоқлардан ошгач, туғилдим,  
Кўзни очгач қум аралаш сувларга кулдим.

Бошқалардек бу дунёга яйраб келувдим,  
Оламга қуш каби сайраб келувдим.

Бу унумли тупроқларда тўярман дердим,  
Ёшлигимда бор меҳрни шуларга бердим.

Кеча-кундуз ишлаганим қора ер бўлди,  
Бор кучимни ҳашлаганим қора ер бўлди.

Меҳнатимга роҳат қилиб яйрайин дердим,  
Хурмозорлар орасида сайрайин дердим!

Фақат дунё йўқсулларга жуда тор экан,  
Золим фалак йўқсуллар-ла кўп ўйнар экан...

Ёш умримни меҳнат билан нобуд қилдилар,  
Ўлмай туриб кенг дунёни тобут қилдилар!..

## ОЛТМИШЛАРГА

*(1934 йилда Москвада юқори мактабни битирган  
олтмиш йигитимизга бағишланган)*

Эй олтмиш баҳодир,  
Олтмиш азамат!  
Сизга чин кўнгилдан  
Олқиш ва ҳурмат!

Эй олтмиш азамат,  
Олтмиш курашчи!  
Машина бошида  
Кутади ишчи!

Эй олтмиш курашчи,  
Олтмиш билимдон!  
Далада кутади  
Колхозчи деҳқон.

Сиз буюк ўлкада,  
Буюк ишдасиз!  
Тарихда мисли йўқ  
Қурилишдасиз!

Бу кунги кунингиз  
Жонли ва порлоқ.  
Эртанги кунингиз  
Яна шонлироқ!

Сиз ўқиб чиққансиз  
Яратмоқ учун;  
Дунёни биз томон  
Қаратмоқ учун.

Сиз ўқиб чиққансиз  
Ободлик учун.  
Яшатиш,  
Яшнатиш  
Ва шодлик учун.

Сизнинг билимингиз  
Иш билан бирга  
Севинчлар сочади  
Осмонга, ерга!

Ўшқириб келмайди  
Фабрикачи бой.  
Ишлайсиз эртани  
Ғамини емай!

Эртанинг иши ҳам  
Ўз қўлингизда.  
Ўтилмас ғов йўқдир  
Бу йўлингизда.

Барингиз билакни  
Маҳкам шимариб  
Ёруғлик сочингиз  
Зулматни ёриб!..

Билимни иш билан  
Ясантирингиз!  
Ишни ҳам билимга  
Хўп қондирингиз!

Эй олтмиш билимдон,  
Олтмиш инженер!  
Улуғ ватанингга  
Билимингни бер!



## НОРИН ДАРЁ

Бош кўтарган қуллар каби ҳиддат билан,  
Ҳужум қилган қўшин каби шиддат билан,  
Тўлқинлардан ўрканч отиб юксакларга,  
Аччиқ билан ўзни буриб тирсакларга,  
Оч йўлбарсдай наъра тортиб келишинг бор!  
Асов отдай телбаланиб елишинг бор!

Бир оз тўхтаб дам олишни билмайсан ҳеч!  
Қай чопасан, югурасан эртаю кеч?  
Ўкиришинг авж олади кечалари!  
Юракларга хавф солади кечалари!  
Кечаларнинг жимлигини битирасан!  
Аmmo-лекин жинниликни қотирасан!

Йўлларингда оч саҳролар энтикади,  
Ташна тупроқ суқи кириб кўз тикади!  
Қуриб ётган ариқларнинг кўзи сенда!  
Кўп бўғиннинг ҳасрат тўла сўзи сенда!  
Сенда, кошки, бир айланиб қараш бўлса,  
Қирғоқлардан ҳолу аҳвол сўраш бўлса!

Шу оқиш-ла юз йилларни оқизган сен!  
Кўп бўғинни тобутига ётқизган сен!  
Сенга қолса, шу оқиш-ла яна юз йил,  
Яна минг йил, мингларча йил...

Бас энди! Бил:

Юз йилларнинг ихтиёри сенда эмас!  
Одам бугун ҳеч бир кучга банда эмас!

Сен, азамат, шундай ердан ўтасанким,  
Сенга ўхшаш узиқара дарёлар жим,  
Буйруқ кутиб қирғоқларга боқадилар!  
Сендан асов, сендан ёмон дарёлар ҳам  
Бўйин эгиб келишдилар бирам-бирам!

Днепрни билармидинг? Бало эди!  
«Мен телбага кишан борми, қалай?» – дерди.  
Озод меҳнат бир ҳамлада ушлаб олиб,  
Оз фурсатда одам қилиб йўлга солиб,  
Ўз эркида ўйнатади у телбангни!  
Шошма ҳали, тизгинлайди бир кун Гангни!

Сен мағрурсан! Сенга ҳали тегмаганлар,  
Сенинг темир иродангни эгмаганлар.  
Ҳали сени пўлат қўлга олмаганлар,  
Йўлларингни оч чўлларга солмаганлар.  
Қуриб ётган ариқларга оққанинг йўқ!  
Оқ олтиндан шокилдалар таққанинг йўқ!  
Электрик юлдузларни ёққанинг йўқ!  
Лампа кўз-ла мамлакатга боққанинг йўқ!

Эрта-индин сен жиннига тегажаклар!  
Иродангни – метин бўлсин – эгажаклар!  
Сени пўлат қўлларига олажаклар!  
Йўлларингни оч чўлларга солажаклар!  
Қуриб ётган ариқларга оқажаксан!  
Оқ олтиндан шокилдалар тақажаксан!

Электрик юлдузларни ёқажаксан!  
Лампа кўз-ла мамлакатга боқажаксан!  
Ниагара қари, сендан анча катта,  
Днепр ҳам ундан кичик шу фурсатда.  
Ниагара кўздан бери тизгинланган,  
Унинг асов елкасига одам минган!

Фақат уни, биласанми, кимнинг қули?  
Паррасини айлантирган кимнинг пули?  
Бошқаларнинг терисини оқизганлар,  
Банкаларга пулларини ётқизганлар,  
Йўқсилларни зулук каби сўрувчилар,  
Манфаатга ўзларини урувчилар,  
Бировларнинг елкасида яшовчилар,  
Миллионларнинг луқмасини ошовчилар!

Днепр-ла сенинг ўрнинг ундан юксак!  
Сизга эга буюк меҳнат, улуғ эмак.  
Сизга эга ўз кучи-ла ишловчилар,  
Луқмасини ҳалол қилиб тишловчилар!  
Қул зотини озодликка бошловчилар,  
Ҳақ курашга миллионларни ташловчилар!

Улар сизни ҳақ йўлида оқизажак,  
Кўз нуридай азиз қилиб боқизажак!  
Ҳеч бир кучни қўймайжак, тегсин сизга!  
Қонга ботган қўлларини эгсин сизга!..

## ЯНГИ МЕН

Менда энди қайғулар йўқ,  
Мен баҳорлар каби шанман.  
Кечаларнинг ўлимига  
Қаҳқаҳалар солган манман!

Ўлик руҳли кечалардан  
Сир кутишлик менда йўқтур,  
Мен истамам – қора савдо! –  
Кишанингни Мажнунга ур!

Менинг янги ватанимда  
На Мажнун бор, на-да занжир!  
Мунда ҳар бир ишлаганнинг  
Бахти қучоғингда келур!

Мунда меҳнат бир ҳукмдор:  
Амр этади, чарчатмайди.  
Чунки машшоқ ўз созига  
Севгисини йўқотмайди.

Мунда меҳнат қувнаб-қувнаб  
Мўъжизалар яратади.  
Мунда ҳар кун шўх қўшиқлар,  
Куйлар ила тонг отади.

Миллионларнинг бири каби  
Мен ҳам ҳар кун тер тўкаман.  
Ҳар кун янги ҳаяжонлар,  
Зафарларга кўникаман!

Миллионларнинг бири каби  
Мен ҳам қувноқ, мен ҳам шанман,  
Кечмишларнинг ўлимига  
Қаҳқаҳалар солган манман!

## **БИЗНИНГ ВАТАН**

*Эски йўлда*

Ер юзинда ўзга бир олам эрур бизнинг ватан,  
Бошқа ҳар бир ўлкадан кенг, ҳар диёрдан каттакон.

Ҳар томондан юксалиш сорига ташлаб зўр қадам,  
Дашту саҳроси анинг гул-гул очилмишдир чаман!

Дарёси аввалгидек, ердан олиб қочмас ўзин,  
Чунки пойига унинг маҳкам урилмишдир кишан.

Мунда меҳнат ҳурлик олган, барча меҳнат аҳли ҳур!  
Кимки меҳнат қилса қувноқ, кимки меҳнат қилса шан!

Фан билан меҳнат икковлон қўл беришган, иттифоқ,  
Эркин-эркин яйрашиб ижод этар меҳнат ва фан!

Янги жамият қуриб дунёга ўрнак бўлгали  
Барча меҳнат аҳли бирга, ҳамма бир жон, бир бадан!

Бу ватанни жон билан сақлашга, Чўлпон, ҳозир ўл,  
Кимки қасд этса анга кийсин пушаймондин кафан!..

## БУ КҮННИНГ ШОИРИ

Шоирнинг қалами кўнгилдан куч олиб  
Шу куннинг шонига

Ҳар йил бир янги куй тўқийди.  
Шу улуғ кунларда миллионлар олдида  
Муаззам майдонда ўқийди!

Шоирнинг кўнглида барқ урган туйғулар  
Муаззам майдонлар туйғуси!  
Чўллардан жаннатлар яратган янги синф  
Миллионлар, миллионлар туйғуси!

Миллионлар тилмочи – янги синф шоири  
Бу кунга бағишлаб

Ҳар йил бир янги куй тўқиркан,  
У куйни ҳар жойда ҳар колхоз аъзоси,  
Ҳар совхоз ишчиси ўқиркан.

Ҳар ишчи дастгоҳи бошида ўзича  
У куйни оҳиста куйларкан,  
Шоирнинг ўзини кўрмаган пионер  
Шеърнинг мақтовини сўйларкан.

Шоир ҳам миллионнинг биттаси бўлганин  
Ҳар жойда, ҳар онда сезади;  
«Бу ишим – миллионлар иши!» – деб ўйлайди  
Ва муни

Ҳам жонда, ҳам қонда сезади!..

## ЯНА ОЛДИМ СОЗИМНИ

Бир неча йил қантарғач  
Яна олдим созимни.  
Энди айтиб йиғламас  
Кўнгилдаги розимни.

Кўнгилдаги кудурат  
Кўтарилди, ниҳоят.  
Энди илҳом манбаи –  
Қайнаб ётган шу ҳаёт!

Қилларидан созимнинг  
Тўкилажак шан куйлар.  
Ҳур ўлканинг ҳур қизи  
Сингари ҳашанг куйлар.

Қурилиш дostonлари  
Пардалардан оқажак.  
Эҳ, кўнгил, янги дардлар  
Тағин сени ёқажак!

## ДИЁРИМ

*(Ўзбекистоннинг 10 йиллигига)*

Титилиб ўқилмас бўлганда тарихинг,  
Ҳасрат-ла аламга тўлганда тарихинг,  
Хазоннинг баргидай сўлганда тарихинг –  
Кўзимнинг нурини аямай ўқидим.

Ҳеч қайдан мен кутган зарварақ чиқмади,  
Игнадек ялтираб бир вароқ чиқмади,  
Ҳасрат-ла аламга бир қироқ чиқмади –  
Миямда беҳуда хаёллар тўқидим...

Ҳар ерда бошкесар хонларнинг таърифи,  
Беҳуда шуҳратлар, шонларнинг таърифи,  
Дарёдек оқувчи қонларнинг таърифи –  
Шул эди минг йиллик битилган тарихинг.

Фуқаро ким эди одам деб саналса?  
Бир раҳбар кўрдими жон бериб, жон олса?  
Бир ҳаким топдими бемордан қон олса?  
Шул эди саждалар этилган тарихинг.

Бемаъни тарихни ёндирди инқилоб,  
Сен қўйган талабни қондирди инқилоб,  
Қарғаган кечмишдан тондирди инқилоб  
Келажак меҳрини кўнгилга жо айлаб!

Шоирлар, адиблар, ҳакимлар ёнмади,  
Маъқулдан инқилоб ҳеч қачон тонмади,  
Кечмишнинг барчасин сафсата сонмади,  
Ўрганиб ётади кечмишни бел бойлаб.



Диёрим, каттакон рўзғорда бир тансан,  
Қандай жой, нима иш – хўп яхши билгансан,  
Дунёга янгидан туғилиб келгансан,  
Ўн йилда бошқатдан ясанди тарихинг!

Дунёлар тарихи жой берди кўксидан,  
Хавфинг йўқ гардишнинг ҳар қанча аксидан,  
Йўлдошинг меҳнатдир, ўртоғинг – илму фан,  
Тарихлик номини қозонди тарихинг!..

## КУЗ

Дарахтлар танига тирмашди изғирин,  
Шохларга илондай чирмашди изғирин.  
Қўллари баргларнинг бетиде сурунди,  
Баргларнинг бандини қирт этиб кесишга  
Уринди...

Ер бети қопланди малларанг чойшаб-ла,  
Боқчалар қопланди ранг-баранг чойшаб-ла!  
Қиш қиров орқали жўнатди номасин,  
Яқинда чалажак ёқимсиз нағмасин...  
Гуппи тўн вазминин солажак бус-бутун,  
Ишига қайтажак ўт, ўтин!

Лекин биз қош-қовоқ солмаймиз куз каби,  
Юзларга ғам ранги олмаймиз куз каби.  
Юлдуздай ёнувчи кўзларни ўйнатиб  
Шу катта,  
Думалоқ курранинг  
Олтидан бирига қараймиз!  
Қишу ёз  
Бир хилда ишлаган,  
Бир хилда яратган,  
Шу тинмас  
Ва саёқ курранинг  
Олтидан бирини ўзига қаратган,  
Ишлаш-ла тишлаган  
Ерига қараймиз!

Ишлашда – буюк завқ!  
Меҳнатда – улуғ шавқ.  
Ижодда ўлмаслик  
Ва фоний бўлмаслик  
Кўрамиз!

Қузда ҳам,  
Қишда ҳам  
Баҳорлар шавқи-ла  
Айланар куррамиз!

Майли,  
Ҳар дарахтга тирмашсин изғирин.  
Шохларга илондай чирмашсин изғирин!

Майлига,  
Қиш агар  
Йўлласа номасин!

Бошласа  
Бетаъсир,  
Ёқимсиз нағмасин!

Биз  
Қишдан  
Ёзларнинг ризқини оламиз!

Қишни ҳам,  
Ёзни ҳам  
Режага соламиз!..

## ҒҰЗА ЧУВИРҚАН...

– Мен сизга жиндак бир хат ёзиб эдим,  
Вақтингиз бўлдимиз ўқиб чиқишга?  
Қутига ташларкан, ўзим ҳам дедим:  
Яхшийди жавоби келса шу қишга!

Зағча қанотидек қора кўзларни  
Очилиб етмаган кўсакка тикиб  
Қизарган кўйича индамай қолди;  
Мен ҳам қолавердим ночор энтикиб...

Жим қолдим.

Жим қолди.

Жим қолдик икков.

«Шу топда патефон бўлсайди!» – деди

Ҳамма жим қолганда орқадан биров;

Сўнгра қоп устига бошини эгди.

Қоп тўла кўсак-ла

Нозик бармоқлар

Қора қутичадан сеп суғуради.

Мен ҳам ўз олдима, ғўза чуваркан,

Ҳар нафас кўнглимдан бир парча чувуш,

Енгил ўйларимни изма-из қувиб

Қаршимда мен севган қиз ўтиради.

Сезаман.

Сезади.

Сезишамизким,

Саҳарда, уйларда, маҳкамаларда

Мактаблар, клублар ва саҳналарда –

Ҳар ерда бошланган бир қизиқ терим:

Ҳар кимнинг виждоний вазифасидир,

Жамоат ошидан насибасидир.

Лаблари очилмай киришиб кетган,  
Қўлларга сўз бермай қайсарлик этган  
Шу қора кўсакнинг тор чаноғида,  
Милён-милёнларнинг гул яноғида  
Янги кўйлақларнинг умиди ёнар!

Қаршимда ўлтирган уялчан қизнинг  
Кўнглида кўйлақка ҳаваси йўқми?  
У нега бир оғиз жавоб қилмайди,  
Тортиниш ранглари шунча қуюқми?

Қоплар бўшалганда, зал ҳам бўшалди.  
Биз ҳам индамасдан кўчага чиқдик.  
Бир қанча маҳалла орқада қолди.  
Ҳали ҳам юрагим ғаш тўла, сиқиқ...

– Хатни ўқимабсиз.

Майли, ўқирсиз.

Сўнгра икки оғиз жавоб ёзарсиз...

Яна индамади.

Бурчакка етгач

Хайрлашмак учун қўлини чўзди.

Қўлимни узатдим... Айрилиб кетгач

Икки қадам босиб яна бурилди:

Бу сафар ўзича жилмайиб кулди

Ва деди:

– Эртага яна борарсиз?

Бораман, бораман.

У бир вазифа.

Уни эл қатори ўринлатаман.

Шундан сўнг, билмадим, қачон кўраман

Ва ҳам қачонгача жавоб кутаман?..

## МУШОАРА

### **Чўлпон**

Бу масоилдан зерикдим, сўнгра ислоҳ истадим,  
Сўнгра ислоҳдин қочишга ўзга бир роҳ истадим.

### **Ғафур Ғулом**

Шак яқин, Муҳдис, буларнинг барчаси мендан йироқ,  
Бен эса салқин шаробли хийра коргоҳ истадим.

### **Чўлпон**

Бул жавобни мен қабул қилдим чиройлик қиз каби,  
Май ила, мутриб ила шоҳона даврагоҳ истадим.

### **Ғафур Ғулом**

Бир қоронғулик чўкди охир вожиб ул-автоддин,  
Бен реал кўкдин буларнинг қалбига моҳ истадим.

### **Чўлпон**

Кўз ўнгимда ҳар замон Хайём қиларди жилвалар,  
Бир кеча масту аласт ўлмоқни валлоҳ истадим.

### **Ғафур Ғулом**

Теврагим дўзах, беҳишт, аърофларнинг шубҳаси,  
Шу чигалларни ечирга бунда Оллоҳ истадим.

### **Чўлпон**

Ушбу жойдин кетсайдик бирор сайфияга,  
Лолазор тоғ бағрида улвий саҳаргоҳ истадим.

### **Ғафур Ғулом**

Лола жомидек қизил майгун дудоқлар бўсасин,  
Яхши ҳам эсга тушурдингизки, ногоҳ истадим.

## **Чўлпон**

Лола жомидин йироқ тушгач бу Чўлпон найласин,  
Ноилжоз созимни тўхтатдим, қароргоҳ истадим.

## **Ғафур Ғулом**

Ҳар қароргоҳида соз бўлганда мен унга Ғулом,  
Сиз каби гапга тушунган марди огоҳ истадим.

1935

## ЎЛКАМИЗДА БАҲОР

*(Май кунларида)*

Бас энди:  
Табиат уйқуга хўп қонди  
Ва маъсум гўдакдай  
Кўзини уқалаб  
Уйқудан уйғонди.

Қонларга жаволангоҳ бўлишди томирлар,  
Ўйноқи қонларга тўлишди томирлар.  
Томирлар тинимсиз, томирлар ўйинда;  
Қиз-Баҳор, ниҳоят, гуллаган қўйинда.

Шиплардан уябоп жой излаб  
Ўйларга ўзини урмоқда қалдирғоч,  
Ўлканинг энг керак сўзини ташувчи  
Тилеграф симида бемалол  
Дам олиб турмоқда қалдирғоч.

Музлардан бўшалди ариқлар,  
Баҳорнинг у севар қўли-ла  
Рассомлик йўли-ла  
Чиройлик қилиниб ямалди  
Табиат танида йиртиқлар,  
Ёриқлар.  
Сандиққа қўл солди дарахтлар:  
Сеплари селкиллаб ёйилди;  
Кўнгиллар севинчдан бойилди.



Ариқлар – заробачи оталар,  
 Қирғоқлар – уларнинг қизлари;  
 Илож йўқ бўлмаса  
 Қизларнинг нозлари...  
 «Иш куни» олишиб ариқлар сувлардан –  
 Ўзлари шод, хандон! –  
 Қизларга сарф қилиб беришди,  
 Сарпалар келишди,  
 Ясанди қирғоқлар,  
 Йўқ энди койишлар, фироқлар!

Фасллар гўзали баҳорда  
 Ҳар куни тонг чоғи наҳорда  
 Талалар яшнайдди иш билан.  
 Эркиннинг эгаси ботир қўл  
 Меҳнатдан роҳатга солиб қўл,  
 Чекидан ошмайди иш билан.

Меҳнатнинг ҳордиғи ёнида;  
 Иш қилиб чарчаган онда  
 Ҳар қўлни силовчи қўллар бор!  
 Бу янги, азамат дунёда  
 Ишлаган ҳар билак озода,  
 Меҳнатдан роҳатга йўллар бор!

Бас энди:

Табиат уйқудан уйғонсин,  
 Увушган гавдалар қуёшда  
хўп ёнсин,
 Дам олган билаклар меҳнатда  
хўп қонсин.

## ҲОЖАР

Ҳожар – колхоз аъзоси,  
Ўзи кўп чаққон.  
Чаққон бўлгани учун  
Ҳаммага ёққан.

Ўтган йилги чопиқда  
Эрлардек чопган.  
Ҳатто кўп эркакларга  
Пичинглар отган.

Ҳожар терим чоғида  
Хирмонда ётган.  
Кўшиқ айтиб илк саҳар  
Элни уйғотган.

Ҳожар – эски зарбачи,  
Белгича таққан.  
Зарбали ишлаш билан  
Ҳаммага ёққан.

Ҳожар ўзи чиройлик,  
Шуҳрат таратган.  
Кўп йигитлар шу шуҳрат  
Таъмини тотган.

Кўрганларнинг кўнглида  
Мутлоқ ўт ёққан.  
Аммо у ўт Холматни  
Ортиқроқ «чаққан».

Холмат бир кун хирмонда  
Бир сўз узатган.  
У ҳам бир сўз қайтариб  
Ерга қаратган.

Холмат ўзи соз йигит,  
Қизларга ёққан.  
Аммо эринчак бўлиб  
Хунук ном таққан.

Сўнгра Холмат у номни  
Иш билан ёпган.  
Шундан кейин Ҳожар ҳам  
Ўзгача боққан.

Колхозда тўй қилганлар,  
Севинчлар оққан.  
Бу куёв ҳам бу қайлиқ  
Ҳаммага ёққан.

Ҳожар бой қизи эмас,  
Йўқсул бир деҳқон.  
Аммо бўз кўйлак кийиш  
Эсидан чиққан.

## ШАҲРИМИЗНИНГ ҚУЛОЧИ

Қулоч отади шаҳар,  
Қулочлари кенг.  
Уч газмикин, билмадим,  
Нималарга тенг!

Кечмишини бўғади  
Ўз қўли билан.  
Ўсади, кенгаяди  
Туз йўли билан!

Харобалар устидан  
Қўяди қадам.  
Чунки бойқуш бўлишдан  
Қутулди одам!

У одам шаҳримизнинг  
Янги соҳиби.  
Шаҳарлар яратишда  
Зўр устоз каби.

Бузади, аямайди  
Яратмоқ учун.  
Жаннатга айланажак  
Шаҳримиз бир кун!

Хаёлдаги жаннатлар  
Чангга айланди.  
Мияга жаннат каби  
Шаҳар жойланди!

Қулоч оч, улкан шаҳар,  
Қулочингни ёй!  
Ишласин ҳавозалар  
Йил – ўн икки ой...

## **БАЙРАМДА ШАҲРИМИЗ**

Турди роҳат уйқусидан шаҳримиз эрта саҳар,  
Тушди истиқболига олтин қуёшдан зарралар.

Тилладан япроқ тақинди, боғчаларда парклар,  
Жонли селга очди йўл алвон кийинган арклар.

Дарёдек тошди қизил байроқ билан улкан шаҳар,  
Кулди япроқлар каби қувнаб яшарган чеҳралар.

Отга минган мард йигитлар, танка минган қаҳрамон,  
Барча қувноқ чеҳраларга ёв ҳужуминдан омон!

Қанча лочин осмонда... Мангу қайрилмас қанот –  
Сулҳпарвар ўлкамизга ёв ҳужуминдан нажот.

Уйқудан турган шаҳарнинг чеҳраси қандай ёруғ!  
Ялладан тинмайди бир дам... жилдириб оққан ариқ!

## БАНДИ

(А.С.Пушкиндан)

Мен, қулликда ўстирилган ёш бургут,  
Ўтираман зах зиндонда ноумид.  
Мунгли дўстим теразамнинг остида  
Қанот қоқиб луқма чўқиш қасдида.  
Чўқиб қўйиб теразага қарайди,  
Худди мендек ўйлаганга ўхшайди,  
Менга қараб овоз солиб чорлайди,  
У демоқчи: «Учишайлик, қани, юр!  
Эркин қушмиз; фурсат келди, хўп фурсат!  
У ергаким, тоғлар бутун зумуррат.  
У ергаким, поёни йўқ кўк денгиз,  
Учишамиз фақат шамол иккимиз!»

## КЎЗЛАР ТЎҒРИСИДА

Мен дедим: «Яхши қиз, кўзда кўп гап йўқ!»  
Фақат кўнглим ўлгур қабул этмайди...  
«Кўзнинг қудратини тонма, – деди ул, –  
Унинг мақтовига сўзлар етмайди!»

Кўнгилнинг бу сўзи тўғри, албатта,  
Шеърда кўзларнинг мақтови билан  
Ўша мақташларни битталаб териб,  
Бир жойда ўқишсак бир кун сен билан!

Бурунлар мен ўзим қора кўзларни  
Ўз қора бахтимга ўхшатар эдим.  
Энди кўнгил билан бир бўлиб туриб,  
«Қўй, шоир, беҳуда гапларни! – дедим. –

Чўллар чаманларга айланган жойда  
Нега шоир бахти қора бўлармиш?!  
Йўқ, шоир, ўлкада қора кўзлар кўп,  
Бошқача ташбеҳлар топишга тириш!»

Шу чоқда ҳар қандай қоп-қора кўз ҳам  
Ёзги кечалардек енгил ва юмшоқ;  
Қулишдан ҳеч қачон тўймайди у кўз,  
Ёшларнинг кўнглидай бардошсиз... ўйноқ!

Шу чоқда кўз ўзи кўнгилга тилмоч,  
Ёнади кўнгилнинг дардлари билан.  
Шу учун, яхши қиз, қора кўзларнинг  
Мақтови шеъримда яна ҳам баланд!

## БҮРИ БИЛАН ҚЎЗИЧОҚ

(Италия – Ҳабашистон уруши)

*Куч-қувват, уруш қуроллари ва бошқа асбоб-ускуналарга қараганда Италияни «фил», Ҳабашистонни «қил» деса бўлади. Италия фашизми тўймас аждаар-ку! Шундай бўла туриб бутун дунёга қийқириқ соладики: «Дод, Ҳабашистоннинг дастидан! Мени ейман дейди!»*

*Мунақа фашистларча ҳаракатлар кўпроқ даррандалар орасида бўларди ва ўшаларга келишарди. Номлари ҳам «дарранда», ахир, уларнинг! Шу дарранда кайфиятини машҳур рус мақолчи шоири Крылов яхши тасвир қилади.*

*Биз шунинг таржимасини берамиз.*

\* \* \*

«Дарахтнинг мўртини қурт ейди доим»,  
Тарихда мисоллар жуда кўп мунга.  
Тарих тўғрисида қолиб лекин жим,  
Эртакни сўзлаймиз – қулоқ сол шунга:

Ёзнинг иссиқ бир кунда қўзи борди сув ичгали,  
Ўз жонига қасд қилгандан хабари йўқ унинг ҳали.  
Ўша жойда оч бўрининг юрганини билмайди у,  
Қўзичоқни кўрар-кўрмас бўри чопиб қолади-ку!  
Ўз қасдини қонунга ҳам бир оз уйдирмоқчи бўлиб  
Қичқиради қўзичоққа икки қўзи қонга тўлиб:



– Сен ифлосни биламан мен!  
 Тумшуғингни сувга тиқиб  
 Тоза сувни булғатасан!  
 Сув юзига келиб чиқиб  
 Тагидаги ҳамма лойлар,  
 Тоза бир сув ичолмайман  
 Бу ариқдан йиллар, ойлар!  
 Бу ишингга чидолмайман,  
 Тутиб олиб бир ямлайман!  
 Қўзи деди:  
 – Эй хурматлик,  
 Арзимни бир тингласалар:  
 Менинг ҳеч бир гуноҳим йўқ,  
 Менга ғазаб қилмасалар!  
 Юз қадамча пастдаман мен  
 Жанобингиз ичган жойдан.  
 Менинг асло хабарим йўқ  
 Сув бетига чиққан лойдан!  
 – Демак, менинг гапим ёлғон?  
 Дунёда йўқ мундай бўҳтон!  
 Шошма ҳали сен, баччағар!  
 Уч йил бурун жуда дағал  
 Бир гап қилиб эдинг менга,  
 Кўрсатаман энди сенга!  
 – Ўтган йили туғилдим-ку!  
 – Ундай бўлса, акангдир у!  
 – На акам бор, на укам бор!  
 – Гап тўқима, эй баччағар!  
 Уруғингдир, аймоғингдир,  
 Бирон оғиз маймоғингдир.  
 Улардан ҳам тонасанми?  
 Бу осонми? Бу осонми?  
 Сиз ҳаммангиз бир бўласиз,  
 Доим менга қасд қиласиз!  
 Ҳамманг менга бир дардисар,  
 Ҳаммасига сен жавобгар!

– Тақсир, менинг айбим нима?

– Жим тур энди, кўп гапирма!

Суриштириб ўтиришга вақтим бормиди?

Қорнинг очса, овқат бўлса, танланармиди?..

Айбинг шуки, учраб қолдинг қорним очганда,

Шундай қилиб, кўзичоқни еди ўрмонда.

## ДЎСТ ВА ДУШМАН

*Жияним Марғубга*

Қўзи айтур: «Эй Марғуб, мени сақла бўридан,  
Мен ҳам сенга жой берай ўтлоғимда тўридан!»

Бўри айтур: «Эй Марғуб, қўзичоқни менга бер,  
Шунда сени мақтарман: Марғуб – ботир, Марғуб – шер!»

Қўзи айтур: «Эй Марғуб, у бўрига ишонма,  
Унинг ҳеч бир сўзига, эсинг бўлса, алданма!

Икковимиз дўст бўлиб далаларда юрамиз,  
Келди давру даврон деб ҳур оила қурамиз!..»

Бўри айтур: «Эй Марғуб, мен кўп яхши одамман,  
Номим фашист, оғзим қон, бош кесишга бардамман.

Сенга калла кесишни, қон тўкишни ўргатай,  
Қўзиларга жанг очиб, майдонда от ўйнатай!»

Марғуб айтур: «Эй бўри, сен душмансан, сен олчоқ!  
Менинг севган дўстимсан, эй барралик қўзичоқ!..»

## БИРИНЧИ САНЪАТ НИШОНДОРИ ЎРТОҚ УЙЎУРГА

Саҳна санъатини бола чоғидан  
Меҳрибон онадек парвариш қилдинг.  
Асабинг метиндан пишиқроқ эди,  
Биламан, шунда ҳам қанча сиқилдинг!

Бутун ёшлигингни саҳнамиз олди,  
Ёшлик ғайратини сен унга бердинг.  
«Туркистон табиби» ўйналар экан,  
«Саҳнамиз «Ҳамлет»га етади!» – дердинг.

Бирга қадам ташлаб инқилоб билан  
Саҳна санъатини шунча юксалтдинг.  
Элни севинтириб қандай порлади  
Энг буюк асари В.Шекспирнинг!

Бугун олдингилар сафига ўтиб  
Қандай гўзал жойни олди саҳнамиз.  
Ниҳоят, сени ҳам олдинги сафда  
Фахрий нишон билан кўрдик ҳаммамиз.

Кўнгилда қутлайман! Бу улўф нишон  
Янги ютуқлардан хабар демақдир.  
Ўзбек санъатининг қизил байроғин  
Тобора юқори кўтар демақдир!

## БУ ЎЛКАНИНГ КЎКЛАМИ

*(Кавказ хотиралари)*

Бу ўлканинг кўклами жуда ҳам намгарчилик,  
Қуёш булутлар билан ўйнашади, шекиллик.

Қачон кўрсам, яширинган ўйинқароқ боладай  
Мени энтиктирмоқчи ўйнашиб, алдай-алдай...

Мени алдарсан, қуёш! Мени алдаш осонроқ,  
Нишондорни алдаб кўр, шунда сенга берай ҳақ.

У ҳавонинг нозини назарига илмайди,  
Масковда ваъда берган, бошқа гапни билмайди.

Булут ерни қамчилаб осмон бўйи сузаркан,  
Бемаҳал хуруж қилиб мўлжалларни бузаркан,

Нишондорнинг юзлари жилмаяди бепарво,  
«Қўрқитолмайсан, – дейди, – сен бизни, инжиқ ҳаво!»

Адирларга қарайди: ҳар томон яшил буғдой!  
«Нима қилайин, – дейди, – булутларни мақтамай?

Ризқимизни уларнинг хуружидан оламиз,  
Шу томчилар остида кўкаради даламиз!»

Боя дўллар остида чошиб ўтди ишига,  
Ҳаво тушолармиди нишондорнинг пешига?

Қуёш ҳали инидан тузук-қуруқ чиқмасдан,  
Булут ҳўл лунгисини қаттиққина сиқмасдан,

Майсалар эрта билан дилдирашиб қараркан,  
Совуқ шамол танларни қашлоғичга тараркан,

Далаларда нишондор баҳорни боғлаб олган,  
Далада бир жон борми ҳавога назар солган?

Жўхори доналари холис олтиндай тоза,  
Бежирим қурутганлар офтобга ёза-ёза.

Қора ернинг бағрига кўмилдилар доналар,  
Ҳа, қуёш, кўкдагилар кўп ёмон алданалар.

Бу ўлканинг эгаси бутунлай янги одам,  
Қўядими ғурури тиласин кўкдан ёрдам?

У сенинг кўкларингни ўз амрига олажак,  
Аччиғинг келган бўлса, оловингни баланд ёқ!

У сенинг оловингдан мўл-кўл ҳосил олажак,  
Сени ҳам бора-бора ўз йўлига солажак!..

## ЯХШИ БОР, УСТОЗ!

*Максим Горькийга*

Яхши бор, бизни етим қўйган буюк устозимиз!  
Яхши борким, сендан олгай руҳини ижодимиз.  
Сен ўзинг кўрдингки, турмуш чиркидан топдик нажот,  
Энди биз эркин Ватан, юксак Ватан авлодимиз.

## ЭРОН ҚИЗИ

(А.Лоҳутийдан)

Тонг ели, тушса йўлинг, эссанг агар Эрон сари,  
Барча Эрон қизларига сўйла шоирдан салом.  
Шу баланд тоғ орқасида гуллаган ҳар бир ери  
Ўзбекистон ҳам яшарки, кенгаяр, порлар мудом.

Бунда алдов, зулм йўқолган, эркили меҳнат яйрар,  
Ҳар тарафда олий турмушнинг чироғи яшнаган.  
Бунда қизлар порлаган юзлардан артмишлар ғубор,  
Қоп-қора зиндон деворидай «кафан»ни ташлаган.

Бир куни тонгда очилган ғунча гуллар шод-шод  
Қопламиш чодир туманидан қуёшга чиқдилар.  
Ҳамма кулган, қувнаган, ҳар бир тараф шонли парад,  
Бу менинг қалбим қайнаб, оғриқ-ла ҳайқирмоқ тилар.

Ўйладим мен бошқа мазлум қўшни Шарқнинг борлигин,  
Ундагилар энди ҳам бидъатга бўлганлар асир.  
Ўксиниш ёши бўғузимга тиқилди бир йиғин,  
Босди Эрон қизлари-чун манглайим номусли тер.



## **БУЛБУЛ ВА ГУЛ**

*(А.С.Пушкиндан)*

Баҳор чоғида холи боғда бир зулматли тун эрди,  
Ғариб булбул фиғон айлаб: «Гулим, раҳм айлагил», – дерди.

Бироқ ул гул қулоқ солмас эди фарёду афғона,  
Ғақат ором оларди ноладин тўлғона-тўлғона.

Сени ҳеч севмаган бир гул учун, эй шоирим, сен ҳам  
Ёнарсан, ўртанарсан, дод этарсан тинмайин бир дам.

Қўй энди, беҳуда дод этма, оҳинг унга етмайди,  
Қарайсан, яшнаган бир гул, фақат додингга етмайди.

## ИЗОҲЛАР

Чўлпоннинг бой адабий меросида шеърят муҳим ўринни эгаллайди. Чўлпон бадий ижоднинг барча тур ва жанрларида самарали ижод қилганига қарамай, ўзини, аввало, шоир деб билган ва шеърятни нафақат шоир қалбида, балки борлиқда, реал воқелиқда кечаётган барча жараёнларга фаол муносабат билдира олувчи ижод майдони ҳисоблаган.

Чўлпоннинг дастлабки шеърӣ асарлари 1914 – 1918 йилларга оид бўлиб, улар Тошкент, Қўқон, Боғчасарой шаҳарларида нашр этилган газета ва журналларда дунё юзини кўрган. У бутун ҳаёти давомида фақат «Уйғониш» (1922), «Булоқлар» (1923), «Тонг сирлари» (1926) ва «Соз» (1935) шеърӣ тўпламларининггина нашр этиш имконига эга бўлган. Шоирнинг «Жўр» деб номланган ва нашр этилиш арафасида турган сўнгги тўплами 1937 йилда ҳибсга олингани муносабати билан куйдириб ташланган. Унинг бир қатор шеърлари эса «Ўзбек ёш шоирлари» (1923), «Гўзал ёзғичлар» (1925) ва «Адабиёт парчалари» (1926) мажмуаларида, шунингдек, Тошкент, Самарқанд, Қўқон, Қозон, Боку ва бошқа шаҳарларда нашр этилган газета, журналларда эълон қилинган.

Шуни афсус билан қайд этиш лозимки, биринчидан, ўтган асрнинг 10 – 20-йилларида чоп этилган бу нашрларнинг тўла сақланмаганлиги, иккинчидан, Чўлпон қўлёзма шеърларининг ўз вақтида хуфялар томонидан ўғирланиб йўқотилгани, учинчидан, қамалиш хавфи остида яшаган шоир томонидан куйдириб ташлангани, тўртинчидан, юқорида айтилганидек, «Жўр» тўплами қўлёмаси ва гранкаларининг йўқ қилиб юборилгани сабабли, шоирнинг шеърӣ мероси бизгача тўла етиб келган эмас.

Биз Чўлпон асарларининг ушбу нашрини тайёрлашда шоирнинг имкон қадар барча шеърӣ асарларини жамлаб, уларнинг илк нашрларига асосланган таянч матнларини яратишга ҳаракат қилдик. Бу ишни амалга оширишда Чўлпон шеърӣ асарларининг янги нашрларини тайёрлашда эришилган ютуқлардан фойдаландик. Шу муносабат билан биз шоирнинг «Баҳорни соғиндим» (1988) тўпламини нашрга тайёрлаган Иброҳим Ҳаққулга, «Яна олдим созимни» (1991) тўпламини нашрга тайёрлаган Наим Каримов ва Шерали Турдиевга, «Асарлар» уч жилдигининг 1-жилди (1993)ни нашрга тайёрлаган Замира Эшоновага, «Гўзал Туркистон» тўпламини нашрга тайёрлаган Бойбўта Дўстқораевга, шунингдек, Рустамжон Тожибоев ва бошқа адабиётшунос олимларга самимий ҳурматимизни изҳор этамиз.

**Баҳор авваллари.** Қачон ёзилгани маълум эмас. «Садои Туркистон» газетасининг 1914 йил 20 март сонида босилган.

**Туркистонлик қардошларимизга.** 1914 йил Андижонда ёзилган ва «Садои Туркистон» газетасининг 1914 йил 18 апрель сонида «Абдулҳамид» имзоси билан чоп этилган. «Садои Туркистон» газетаси идораси ушбу шеър билан бирга 12 ёшли М.Санжарбекнинг мактубини ҳам қуйидаги сўзлар билан муштарийлар эътиборига ҳавола қилган: «Дунёнинг қайси бир четига кўз солсак ва қайси миллатнинг аҳволига назар қилсак, ул миллатнинг саодати, ривож ва тараққийси учун бошлаб шул миллатнинг ёшлари ва ёш фикрли қаҳрамонлари сабаб бўлмақдадирлар. Оларнинг ёш кўнгиллари ҳар бир нарсадан ғолиб бўлуб, ғафлат, жаҳолат қалъаларини зўр ила уриб йўқ қилмак орзусида бўлурлар. Ҳам баъзилари орзуларига муваффақ бўлуб, бутун бир миллатнинг ёши, қариси, эри ва хотинига ёлғуз ўзлари раҳбар бўлурлар. Ёшгина қалблари ила ёруғлик ва илм, маориф нурига бошларлар. Бундай ёшлар ҳар бир мамлакатда, оз-кўп, ўзига яраша бордир. Алҳамдулилло, бизим Туркистон турклари орасидан ҳам шундай ёшларимиз ва ёш фикрли болаларимиз кўринмакка бошлади. Далил учун ўшли 12 яшар М.Санжарбек афанди ила андижонли 15 яшар Абдулҳамид афандини кўрсатув етса керак. Зерда шуларнинг мактубларини айнан дарж этмакни мувофиқ тоңдик».

Филология фанлари номзоди Рустамжон Тожибоев томонидан топилиб, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 1992 йил 9 октябрь сонида эълон қилинган.

**Умид.** «Қаландар» имзоси билан ёзилган ушбу шеър «Шўро» журналининг 1914 йил 10-сонида эълон қилинган. Баҳодир Каримов томонидан нашрга тайёрланиб, «Гулистон» журнали 2000 йил 3-сонида эълон қилинган.

*Тиёр эдим* – тиймоқ сўзи билан боғлиқ бўлиб: 1) бирор иш-ҳаракатни тўхтатишни; 2) кутиш, тергаб йўлга солиш маъноларини англатади. Чўлпон «Юк ўрнига ўсмирларни тияр эдим» сатрида юк ўрнига ўсмирларни (карвон билан келган ёшларни) кутиб олардим демоқчи бўлган.

*Эронлар* (эранлар) – эрлар, мардлар.

Биринчи марта қайта чоп этилмоқда.

**Маърифатпарвар бобомиз муҳтарам Исмоил Гаспринский ҳазратлари ҳақинда таъзияномамиз.** Исмоил Гаспринскийнинг вафоти муносабати билан ёзилган ушбу шеър «Садои Фарғона» газетасининг 1914 йил 24 сентябрь сонида «Андижон. 16 ёшлик талаба» имзоси

билан босилган. Шеърнинг сўнгги байтида келтирилган «Ҳамидий» тахаллусидан унинг Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпонга мансублиги англашилади.

## 1917

**Қизил байроқ.** 1917 йил 26 апрелда ёзилган. «Иштирокиюн» газетаси ушбу шеърни 1919 йил 74-сонда қуйидаги изоҳ билан қайта эълон қилган: «Бу шеър апрелнинг 26-синда 1917 йилда ёзилган ўлуб, биродар Низомиддинга бағишланмишдир... Бу биринчи марта Хўқандда чиқуб турган «Юрт» журналинда босилгон эди».

*Низомиддин Асомий* (Низомиддин Асомиддинович Хўжаев, 1886 – 1942) – ўтган асрнинг 10 – 20-йилларида мустамлакачилик зулмига қарши кураш фаолларидан бири. «Турон» театр тўдаси томонидан саҳналаштирилган спектаклларда артист сифатида иштирок этган, «Асомий» тахаллуси билан шеърлар ёзган.

Лазиз Азизоданинг ёзишича, «Н.Хўжаев февраль инқилобини шодлик билан қарши олади. Унинг иш миқёси кенгайиб, жамоат ишларига фаол қатнашади. Инқилобнинг биринчи кунларидаёқ (аниқроғи, 1917 йил 26 апрелда – *муҳаррир*) темирўлнинг 13-участкасидаги ишчиларни ҳамда шаҳарнинг бошқа ишчи ва хизматчиларини тўглаб намойиш уюштиради» (Азизода Л. Инқилоб курашчиси. – Тошкент, 1968. – Б.12).

Шеър шу воқеа муносабати билан ёзилган.

*Ризвон* – 1) розилик, мамнуният; 2) жаннат. Бу ерда жаннат маъносида.

*Тақвият* – қувват олиш, ёрдам бериш.

**Ўзбеклар ҳам Туркистон.** Биринчи марта 1917 йилда Қўқонда Ашурали Зоҳирий томонидан нашр этилган «Юрт» журналининг 3-сониди (август ойи) эълон қилинган. Қўқонлик музей ходими Турғунали Ёрматовнинг саъй-ҳаракати билан топилиб, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталигининг 1991 йил 6 декабрь сониди қайта чоп этилган.

*Олги* – олдинги, эртанги.

*Булунлиқ* – яйлов.

*Ратина* – русча «ряд» («қатор») сўзининг бузилгани.

*Бурчулманг* – безовта бўлманг.

*Пичратмоқ* – ифлос қилмоқ.

*Биграк* – жуда.

*Тўзмади* – чидамади.

**Озод турк байрами.** Туркистон Мухториятининг эълон қилиниши (1917 йил 29 октябрь) муносабати билан ёзилиб, «Эл байроғи» газетасининг 1917 йил 13-сониди эълон қилинган. Шунингдек, варақа тарзида

нашр этилиб, шаҳар аҳолиси ўртасида тарқатилган ва Мухторият мад-ҳияси сифатида қўйланган.

Қўқон шаҳридаги Адабиёт музейи фондида сақланаётган варақа матни асосида «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталигида Наим Каримов томонидан биринчи марта қайта эълон қилинган.

**Шулай битамиз!** 1917 йил охирларида Чўлпон Заки Валидийнинг таклифи билан Бошқирдистон Мухторият ҳукуматида ўрнатилган мақсадида Оренбургга борган. Сочма (мансура) шаклида ёзилган ушбу хат шоирнинг шу кунлардаги умр йўлдоши Моҳирўйга бағишланган. Моҳирўй татар қизи бўлганлиги сабабли, Чўлпоннинг бу мансура-хатида татар тилига хос унсурулар устуворлик қилади.

*Отач* – хўроз.

*Яқтилик* – нур, ёруғлик.

## 1918

**«Келди қарға, очди оғзин, қичқириб ғоголади...»** 1918 йил бошларида Оренбургда ёзилган.

Туркистон Мухторияти большевикларга қаршли қўшин ва арман дашноқлари томонидан тугатилганидан сўнг Чўлпон Заки Валидийнинг таклифи билан Бошқирдистон Мухторият ҳукуматида ташкил этиш учун Оренбургга борган. З.Валидий хотираларида шу ҳақида бундай маълумот берилган: «Қўқонда тузилиб, февраль ойида (1918 йил) советлар томонидан тарқатиб юборилган Туркистон Миллий ҳукумати аъзоларидан Убайдулла Хўжаев, шоир Абдулҳамид Сулаймон (Чўлпон), кейинроқ Бухоронинг ҳарбий нозири бўлган Абдулҳамид Орипов, Тошкент эи-лиларидан Мирмуҳсин, Хива ва Бухородан келган айрим кишилар биз тарафда эди. Абдулҳамид Орипов чет эл ишлари билан шуғулланди. Шоир Абдулҳамид Сулаймон менинг саркотибим бўлиб ишлади» (Аҳмад Заки Валидий Тўғон. Бўлинганни бўри ер. – Тошкент, 1997. – Б. 55 – 56).

Ушбу шеър Чўлпоннинг Оренбургдаги ҳаёти даврида ёзилган.

**Шарқ нури.** 1918 йилда ёзилган ва биринчи марта «Ўзбек ёш шоирлари» тўпламида, сўнгра Чўлпоннинг «Яна олдим созимни» ва бошқа тўпламларида қайта эълон қилинган.

*Мулламур Воҳидов* (1885 – 1918) – татар маърифатпарвари ва инқилобий йиллардаги йўлбошчиси. 1918 йил 13 январда Ички Россия мусулмон ишлари халқ комиссари этиб тайинланиши билан Шарқ мусулмон халқларининг миллий манфаатларини ҳимоя қилиш билан фаол шуғуллана бошлаган. У шу йилларда Россия тасарруфидаги мусулмон халқларнинг тараққийпарвар раҳбарлари сингари марксизм таълимоти-

ни Шарққа олиб киришдан аввал Шарқ халқлари менталитетини ҳисобга олиш лозим деган ғоя билан чиққан.

*Инсонликка саодатнинг бирдан-бир*

*Тугри йўлини кўрсатгучи Маркеди.* – Ўз Ватанининг мустақил бўлишини орзу қилган Чўлпон 1917 – 1918 йилларда миллий инқилобчилар таъсирида бўлган. Аммо у Мулланур Воҳидов ва Шарқ халқларининг бошқа раҳбарлари сингари марксизмни Шарқ учун бегона таълимот деб ҳисоблаган.

*Томуг – дўзах.*

*Фаллоҳлар – Миср деҳқонлари (Чўлпон изоҳи).*

*Конфуций – Хитойда машҳур дин (Чўлпон изоҳи).*

*Зардушт – машҳур зардушт ҳоким (Чўлпон изоҳи).*

*Нича (Нице) – машҳур олмон файласуфидир. Зардушт фалсафасини ошнқ даражасида суяр эди (Чўлпон изоҳи).*

*Аламут – Ҳасан сайёҳнинг қалъасидир. Ҳасан сайёҳ эса Исмоилия мазҳаби зўрларидандир (Чўлпон изоҳи).*

*Ал-Ҳумро саройи – Испаниянинг Гранада вилоятида араблар ҳукмронлиги даврида (XIII – XIV асрлар) қурилган қизил тошлардан ишланган сарой назарда тутилмоқда.*

*Шом – Суриянинг қадимги номи.*

*Нишонур – Эроннинг шимоли-шарқдаги шаҳар.*

*Хайём – Умар Хайём (1048 – 1122), буюк форс шоири, математик олими ва файласуфи.*

*Чин-Мочин – Хитой.*

*Бедил – Мирзо Абдулқодир Бедил (1644 – 1721), буюк мутафаккир, шоир ва файласуф.*

## 1919

**Ўзбегим.** «Иштирокиюн» газетасининг 1919 йил 9 февраль сониди босилган.

**Гўзал.** 1919 йил февралда Тошкентда ёзилган. Дастлаб «Иштирокиюн» газетасининг 1919 йил 21 февраль сониди, кейинчалик «Ўзбек ёш шоирлари» тўпламида эълон қилинган. 1987 йилдан бошлаб Чўлпон асарлари таркибида ҳамда унга бағишланган газета ва журнал саҳифаларида қайта нашр этиб келинади.

**Янги Шарқ.** Фарғона (Скобелев) шаҳрида «Янги Шарқ» газетасининг чиқиши муносабати билан ёзилган ва шу газетанинг 1919 йил 1 июнь сониди «Андижонли Чўлпон (Искобилиф)» имзоси билан эълон қилинган.

*Маликаси Ҳинднинг, Миср хоқони...* – Ҳинд маликаси. Миср хоқони Англиядир (*Чўлпон изоҳи*).

*Тулуб этар* – чиқар, кўринар, балқар.

Адабиётшунос Рустамжон Тожибоев томонидан топилиб, «Миллий тикланиш» газетасининг 1998 йил 25 август сонида қайта нашр қилинган.

**Ким хор?** «Янги Шарқ» газетасининг 1919 йил 2 август сонида «Қаландар» тахаллуси билан чоп этилган.

«Паматник» – Искобилиф шаҳринда, шаҳар боғчасининг ўртасиндаги сўппайиб турган машҳур империалист Искобилиф генаралнинг қора ҳайкалидир (*Чўлпон изоҳи*).

*Меҳнаткашнинг «4»-инчиси* – ўтган асрнинг 20-йилларидаги сайловларда иштирок этган маҳаллий халқ вакиллари «тўртинчилар» деб аталган.

Адабиётшунос Рустамжон Тожибоев томонидан топилиб, «Миллий тикланиш» газетасининг 1998 йил 25 август сонида қайта эълон қилинган.

**Шамол нимадан пайдо бўладур?** 1919 йил августида ёзилган. Дастлаб «Адабиёт парчалари» тўпламида «Қаландар» тахаллуси билан эълон қилинган.

Ҳажвий шеърда тилга олинганлар: *Шалаянин* – машҳур рус артисти. *Қориев, Иманский, Валиевлар* – Ўзбекистонда фаолият кўрсатган татар артистлари, *Арабли* (Араблинский) – озарбайжон артисти.

Ушбу шеър «Ватан» газетасининг 1993 йил 12 апрель ва «Муштум» журналининг 1993 йил 8-сонида қайта чоп этилган.

**Менинг товушим.** «Иштирокиюн» газетасининг 1919 йил 21 октябрь сонида «Абдулҳамид Сулаймон» имзоси билан босилган.

«*Чигатой гурунги*» – 1919 – 1921 йилларда Фитрат раҳбарлигида фаолият кўрсатган адабий-бадний уюшма.

*Кўнгилнинг гизоси* – кўнгил озиғи.

**Юриш марши.** 1919 йил 15 ноябрда ёзилган ушбу шеър «Иштирокиюн» газетасининг шу йилдаги 20 ноябрь сонида «Андижонли Абдулҳамид Сулаймон» имзоси билан босилган. Шеър тагида «Усмонжиқ юри муборак ватан» мисрали куйларинда ёзилмишдир» деган изоҳ берилган.

**Ҳой оч камбағал!** «Иштирокиюн» газетасининг 1919 йил 16 ноябрь сонида босилган. Чўлпон шеърда «тезотар» сўзига «пулемёт», «тоқлари» сўзига эса «гумбаз» деб изоҳ берган.

**Ўч!..** 1919 йил 25 ноябрда Тошкентда ёзилган ва «Иштирокиюн» газетасининг шу йилдаги 7 декабрь сонида босилган.

*Муҳаммад Саид* – шоирнинг яқин дўстларидан бири, шоир ва журналист Саид Аҳрорий (1895 – 1931), таниқли журналист ва таржимон Холида Аҳророванинг отаси.

**Ҳукм кунда.** 1919 йили Тошкентда ёзилган. Дастлаб «Иштирокиюн» газетасининг 1919 йил 26 декабрь сониди, сўнг «Асарлар»нинг 1-жилдида ва «Гўзал Туркистон» тўпламида босилган.

## 1920

**Қизил Байналмилал.** Биринчи марта «Иштирокиюн» газетасининг 1920 йил 6 март сониди босилган. Чўлпоннинг «Яна олдим созимни» тўпламида қайта нашр қилинган.

*Қизил Байналмилал* – 1919 йил 26 мартда ташкил этилган Коммунистик Интернационал (Коминтерн). 1- ва 2-Интернационалдан фарқли ўлароқ, Коминтерн ўз олдига ишчилар синфи ва меҳнаткашлар оmmasининг асосий қисмини пролетариат диктатураси учун курашга сафарбар этиш вазифасини қўйган. 1943 йилда ўз фаолиятини тўхтатган.

Низомиддин Хўжаев 1919 – 1920 йиллардан бошлаб большевикларнинг мазлум халқларга эрк ва ҳуррият бериш ҳақидаги ваъдаларига ишониб уларнинг таъсир доирасига тушган. Ўз навбатида, дўсти Чўлпонни ҳам жаҳон афкор оmmasининг инқилобий ҳаракати яхши самаралар беришига ишонтирган.

**Тонг.** Тошкентга «Қизил Шарқ» поёзди келиши муносабати билан 1920 йил 13 мартда ёзилган. Дастлаб «Тонг» журналининг 1920 йилдаги 1-сониди, кейин «Асарлар»нинг 1-жилдида чоп этилган.

**Хаёли.** 1920 йил апрелида Тошкентда ёзилган ва дастлаб «Ўзбек ёш шоирлари» тўпламида, кейинчалик Чўлпоннинг «Яна олдим созимни» ва бошқа тўпламларида нашр этилган.

**Шарқ қизи.** 1920 йил апрелида Тошкентда ёзилган ва дастлаб «Иштирокиюн» газетасининг шу йил 23 апрель сониди, шунингдек, Чўлпоннинг «Уйғониш» ва бошқа тўпламларида нашр этилган.

**Табиятга.** 1920 йил 29 апрелда Тошкентда ёзилган ва дастлаб «Ўзбек ёш шоирлари» тўплами, кейинчалик шоирнинг «Яна олдим созимни» ва бошқа тўпламларида нашр этилган.

*Саидалихон* (Саидалихўжа) – Чўлпоннинг тошкентлик дўстларидан бири. Адабиётшунос Бойбўта Дўстқораевнинг гувоҳлик беришича, унинг фамилияси Нормухаммадий бўлиб, 1925 йилда Эски шаҳардаги таълим ва тарбия техникумининг «Тонг юлдузи» деворий газетасида «Мактабимизда ташкилот ишлари» деган мақоласи чоп этилган. Агар шу маълумот ҳақиқатга яқин бўлса, у 20-йилларнинг бошларида дастлаб Эсон афанди Мусаев раҳбарлик қилган таълим ва тарбия техникумида Ойбек, Миркарим Осим, Субутой Долимов сингари талабалар билан бирга ўқиган чиқади. Айрим манбаларга қараганда, у ўша йилларда



хорижий мамлакатлардан бирига қочиб кетган. Унинг кейинги тақдири тўғрисида аниқ маълумот йўқ.

**Пўртана.** Дастлаб «Ўзбек ёш шоирлари» тўпламида, сўнг «Асарлар»нинг 1-жилдида эълон қилинган. Мазкур нашрларда берилган маълумотга қараганда, шеър 1920 йилнинг май ойида ёзилган. Лекин шеър мундарижаси унинг 1920 йил август – сентябрь ойларида, яъни шоирнинг Бокуга Шарқ халқлари қурултойига борган кезларида ёзилган дейишимизга имкон беради.

**Улуғ Британиянинг бу кунги ҳокимиятига.** «Иштирокиюн» газетасининг 1920 йил соналаридан бирида, кейинчалик шоирнинг «Яна олдим созимни» ва бошқа тўпламларида эълон қилинган.

*Темза* – Англиядаги дарё.

*Ланкастар* (Ланкастер) – Англиядаги шаҳар.

**Улуғ йўлда.** Бу шеърнинг илк бор қачон ва қаерда эълон қилингани маълум эмас. У «Ўзбек ёш шоирлари» ва «Адабиёт парчалари» тўпламларида «Бокуга Шарқ қурултойига келганда» номи билан чоп этилган. Мазкур нашрдаги қайдга қараганда, шеър 1920 йил 4 августда Тошкентда ёзилган. Аммо шеър мазмуни ва «Бокуга Шарқ қурултойига келганда» деб номлангани унинг 1920 йил августининг сўнгги кунларида Бокуда ёзилганидан шаҳодат беради. Шеър кейинчалик шоирнинг «Баҳорни соғиндим», «Яна олдим созимни» ва бошқа тўпламларида қайта эълон қилинган.

*Шарқ қурултойи* (Шарқ халқлари қурултойи) 1920 йил август ойи охири – сентябрь ойи бошларида Бокуда ўтказилган. Унда Ўрта Осиё, Кавказ ва Ички Россиядан ташқари Туркия, Эрон, Ҳиндистон, Афғонистондан ҳам вакиллар иштирок этишган. Афсуски, қурултойга раҳбарлик қилган большевиклар Шарқ халқлари вакилларининг эрк ва ҳуррият йўлида бирлашишлари, янги ҳаёт бошлашларига йўл қўйишмаган.

**Ёруғ юлдузга.** 1920 йил 19 августда Бокуда ёзилган. Дастлаб «Ўзбек ёш шоирлари», сўнгра шоирнинг «Баҳорни соғиндим», «Яна олдим созимни» ва бошқа тўпламларида қайта эълон қилинган. Шеър тагига унинг ёзилган жойи «Баҳри Ҳазар» деб қайд этилган.

*Баҳри Ҳазар* – Каспий денгизи.

**Қаландар ишқи.** Дастлаб «Ўзбек ёш шоирлари» тўпламида эълон қилинган ва шеър тагига «Боку, 3-инчи кўноқ, сешанба» деб ёзилган. Кейинчалик «Тирик сатрлар» тўпламида, «Шарқ юлдузи» журналининг 1987 йил 12-сонида, шунингдек, Чўлпоннинг бошқа тўпламларида қайта нашр этилган.

**Тортишув тонги.** 1920 йил октябрида Тошкентда ёзилган. Дастлаб «Ўзбек ёш шоирлари» тўпламида, сўнгра Чўлпоннинг «Баҳорни соғиндим», «Яна олдим созимни» сингари тўпламларида қайта эълон қилинган.

**Маҳмудхўжа Бехбудий хотираси.** 1920 йилда ёзилган. Дастлаб Чўлпоннинг «Булоқлар» тўпламида, сўнгра «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталигининг 1990 йил 23 март сонидан шoirнинг бир неча шеърлари билан бирга адабиётшунос Наим Каримов томонидан қайта эълон қилинган. Кейинчалик Чўлпоннинг «Яна олдим созимни» ва бошқа тўпламларида чоп этилган.

**Маҳмудхўжа Бехбудий** (1875 – 1919) – Туркистондаги миллий уйғониш ҳаракатининг асосчиси, биринчи ўзбек драматурги, журналист ва ношир.

**Парча.** 1920 йилда ёзилган ва дастлаб «Ўзбек ёш шoirлари» тўпламида эълон қилинган. Кейинчалик Чўлпоннинг «Яна олдим созимни» ва бошқа тўпламларида қайта чоп этилган.

**Шарққа кўпроқ.** 1920 йил 12 июнда Андижонда ёзилган ва «Янги Шарқ» газетасининг 1920 йил 20 август сонидан илк бор эълон қилинган. Кейинчалик Чўлпоннинг «Яна олдим созимни» ва бошқа тўпламларида қайта чоп этилган.

**Кўмакчилар.** Тошкентда чиққан бир саҳифалик «РосТА» деворий газетасининг 1920 йил 20 ноябрь сонидан «Кўзойнак» имзоси билан нашр қилинган. Кейинчалик таниқли педагог Йўлдош Абдуллаев томонидан топилиб, Чўлпоннинг «Гўзал Туркистон» тўпламида қайта эълон қилинган.

**РусТА** – Россия телеграф агентлиги томонидан Тошкент шаҳрида 1919 йил 26 декабрдан бошлаб дастлаб Чўлпон, кейинчалик Фотиҳ Сулаймон, Ғози Юнус ва яна Чўлпон муҳаррирлигида чиқа бошлаган деворий газета.

**Врангель** – Пётр Николаевич (1878 – 1928), рус армиясининг генерали.

**Погон** – «погон» сўзининг бузилган нусхаси.

## 1921

**Ай қашшоқ!** 1921 йил 8 январда Тошкентда ёзилган ва «РусТА» деворий газетасининг 1921 йил январь сонларида Чўлпоннинг «Ёш болалар» шеъри билан бирга эълон қилинган. Бу ҳар икки шеър Йўлдош Абдуллаевнинг «Шoirнинг озодлик орзулари» (Ўзбекистон овози, 2003 йил 29 ноябрь) мақоласи билан бирга қайта эълон қилинган. Муаллиф мазкур шеърларнинг топилиш тарихи тўғрисида бундай маълумотни берган: «... яқинда Халқ таълими вазирлигига қарашли Республика педагогика илмий кутубхонасида кўп йиллардан бери қўлга олинмаган араб алифбосидаги «РусТА» газетасини кўриб қолдим. Ўзбек тилида қоғознинг

фақат бир томонига босилган газета 1921 йилнинг 1-сонидан 221-сонига-ча бир муқовага тўпланган эди... «РусТА»нинг мен ўрганиб чиққан 1921 йилги сонлари Тошкент вилоятининг «Турон» кутубхонасига тегишли бўлиб, 1926 йилда муқоваланган, кейинчалик мазкур бир йиллик тўплам Республика педагогика илмий кутубхонасига ўтказилган».

**Ёш болалар.** 1921 йил 13 январда Тошкентда ёзилган ва «РусТА» деворий газетасининг 1921 йил январь сонларида Чўлпоннинг «Ай қашшоқ» шеъри билан бирга эълон қилинган. Йўлдош Абдуллаевнинг саъй-ҳаракати билан топилиб, «Ўзбекистон овози» газетасининг 2003 йил 29 ноябрь сонида қайта эълон қилинган.

**Уйқу.** 1921 йил февралда Тошкентда ёзилган ва дастлаб «Ўзбек ёш шoirлари» тўпламида, кейинчалик Чўлпоннинг «Яна олдим созимни» ва бошқа тўпламларида қайта эълон қилинган.

**Кампирнинг Тўйчиси.** 1921 йил мартда ёзилган бу шеър дастлаб «Болалар дунёси» журналининг 1921 йил 1-сонида босилган, сўнгра Чўлпон «Асарлар»ининг 1-жилдида қайта эълон қилинган.

**Тилак йўлида.** 1921 йил 21 мартда ёзилган. «Армуғон» (1922) тўпламида босилган.

**Капалак.** 1921 йил мартда ёзилган бу шеър дастлаб «Болалар дунёси» журналининг 1921 йил 2-сонида босилган, сўнгра Чўлпон «Асарлар»ининг 1-жилдида қайта эълон қилинган.

**Кураш.** 1921 йили Тошкентда ёзилган ва дастлаб «Ёш Шарқ» газетасининг 1921 йил 7 мартда чиққан 2-сонида «Қаландар» тахаллуси билан босилган. Сўнгра «Қизил байроқ» газетасининг 1921 йил 8 март сонида, «Уйғониш», «Адабиёт парчалари», «Баҳорни соғиндим» ва Чўлпоннинг бошқа шеърий тўпламларида қайта нашр этилган.

**Наврўз кунида.** 1921 йил 27 апрелда Тошкентда ёзилган бу шеър дастлаб Чўлпоннинг «Уйғониш», сўнгра «Гўзал ёзғичлар», «Баҳорни соғиндим», «Яна олдим созимни» тўпламларида қайта эълон қилинган. Шеърнинг «Уйғониш» тўпламидаги матнида «Наврўз куни – Биринчи май дунё байрамидир» деган изоҳ берилган.

**Мен ва бошқалар.** 1921 йил апрель ойида Тошкентда ёзилган. Дастлаб «Уйғониш», «Гўзал ёзғичлар» тўпламларида, кейинчалик «Ёшлик» (1987 йил 10-сон) журнали, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталиги (1987 йил 4 декабрь), «Тирик сатрлар», шунингдек, шoirнинг «Яна олдим созимни» ва бошқа тўпламларида қайта нашр этилган.

**«Милтираган хира чироқсен, йўқсил...»** 1921 йил майида ёзилган ушбу шеър «Гўзал ёзғичлар» тўпламидаги Чўлпон саёҳатномасидан олиниб, илк бор «Яна олдим созимни» тўпламида алоҳида шеър сифатида берилган.

«**Хаёл, хаёл... Ёлғиз хаёл гўзалдир...**» 1921 йил майида ёзилган ушбу шеър ҳам «Гўзал ёзғичлар» тўпламидаги Чўлпон саёҳатномасидан олиниб, илк бор «Яна олдим созимни» тўпламида алоҳида шеър сифатида берилган.

**Юрт қайғуси.** 1921 йил 9 июнда Фитратнинг шу номдаги туркум шеърлари таъсирида ёзилган. Мазкур шеърнинг ўз вақтида бирор даврий нашрда эълон қилингани тўғрисида маълумот учрамайди. 1922 йили Германияга ўқишга юборилган Саттор Жабборнинг турк ва немис олимлари томонидан нашрга тайёрланган «Қуртулиш йўлида» (2000 йил, Франкфурт) китобидан олинди.

**Ағдарилиш.** «Бухоро ахбори» газетасининг 1921 йил 10 июль сонида босилган. Бухоролик кекса журналист Абул Бозоров томонидан топилиб, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталигининг 1991 йил 24 май сонида, кейинчалик шоир «Асарлар»-ининг 1-жилдида қайта эълон қилинган.

**Суйган чоқларда.** 1921 йилда ёзилган бу шеър дастлаб «Ўзбек ёш шоирлари», кейинчалик Чўлпоннинг «Яна олдим созимни» ва бошқа тўпламларида қайта нашр этилган.

**Клеопатра уйқуси.** 1921 йил 17 августда Бухорода ёзилган бу шеър дастлаб Чўлпоннинг «Тонг сирлари» тўпламида босилган, кейинчалик шоирнинг «Яна олдим созимни» ва бошқа тўпламларида қайта нашр этилган. Шеърнинг 1926 йилдаги нашрида «Клеопатра» номли сочма ҳикоямнинг тизма шаклидир» деган изоҳ мавжуд. «Клеопатра» ҳикояси эса «Билим ўчоғи» журналининг 1923 йил 2 – 3-сонларида, кейинчалик «Ёшлик» журнали ва шоир «Асарлар»-ининг 2-жилдида қайта эълон қилинган.

*Клеопатра* (Клеопатра, милоддан аввалги 69 – 30 йиллар) – Мисрнинг сўнгги маликаси, птоломейлар сулоласидан. Ақл-заковатли ва маърифатли малика сифатида шуҳрат қозонган. Юлий Цезарнинг, унинг ўлиmidан сўнг эса Марк Антонийнинг маъшуқаси. Миср Октавиан Август қўмондонлигидаги Рим қўшинлари томонидан эгаллангач, ўзини ўзи ўлдирган. Бадий адабиёт, кино, театр ва тасвирий санъат асарларида Клеопатра образи яратилган.

**Халқ.** 1921 йил 8 сентябрда Бухорода ёзилган. Дастлаб «Уйғониш», «Адабиёт парчалари» тўпламларида эълон қилинган. Кейинчалик «Ёшлик» (1987 йил 10-сон), «Фан ва турмуш» (1988 йил 3-сон) журналлари, «Тирик сатрлар», Чўлпоннинг «Баҳорни соғиндим», «Яна олдим созимни» ва бошқа тўпламларидан жой олган.

**Кел бери.** 1921 йил 21 сентябрда Бухоронинг Девонабоғ деган жойида ёзилган. Дастлаб «Уйғониш»да, сўнгра шоирнинг «Яна олдим созимни» ва бошқа тўпламларида қайта чоп этилган.

**Мен қочмадим.** 1921 йили Бухорода ёзилган. Дастлаб «Булоқлар» тўпламида, кейинчалик «Ёш ленинчи» (1990 йил 22 февраль) газетасида, шoirнинг «Яна олдим созимни» ва бошқа тўпламларида қайта чоп этилган.

**Улуғ йўловчига.** 1921 йилда ёзилган. Дастлаб «Учқун» (1923 йил 1-сон) журнали ва «Булоқлар» тўпламида, кейинчалик «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталиги (1990 йил 23 март), шунингдек, шoirнинг «Яна олдим созимни» ва бошқа тўпламларида қайта нашр этилган. Шеър Чўлпоннинг А.М. исмли замондошларидан бирига бағишланган.

**Куз.** 1921 йил 4 ноябрда Бухорода ёзилган. Дастлаб «Уйғониш», «Адабиёт парчалари», сўнгра Чўлпоннинг «Баҳорни соғиндим», «Яна олдим созимни» ва бошқа тўпламларида қайта эълон қилинган.

**Тарихдан.** «Бухоро ахбори» газетасининг 1921 йил 3 ноябрь сонида босилган.

**Бузилган ўлкага.** 1921 йили Андижонда ёзилган. Дастлаб Чўлпоннинг «Булоқлар», сўнгра «Яна олдим созимни» ва бошқа тўпламларида қайта эълон қилинган.

**Амалнинг ўлими.** 1921 йили ёзилган. Дастлаб «Булоқлар»да, сўнгра «Ёш ленинчи» (1990 йил 22 февраль) газетасида, шунингдек, шoirнинг «Яна олдим созимни» ва бошқа тўпламларида қайта эълон қилинган.

**Ёнғин.** 1921 йили ёзилган. Дастлаб Чўлпоннинг «Булоқлар», сўнгра «Яна олдим созимни» ва бошқа тўпламларида қайта эълон қилинган.

**Кетдинг.** 1921 йили ёзилган бу шеър Чўлпоннинг дўсти, атоқли адабиётшунос олим ва драматург Иззат Султоннинг акаси Раҳматулла Султонов хотирасига бағишланган. Дастлаб шoirнинг «Булоқлар», сўнгра «Яна олдим созимни» ва бошқа тўпламларида қайта нашр этилган.

**Ўлимдан кучли.** 1921 йили ёзилган ва «Булоқлар» тўпламида эълон қилинган.

**Ишқ йўли.** 1921 йили ёзилган ва дастлаб Чўлпоннинг «Булоқлар», кейинчалик «Яна олдим созимни» ва бошқа тўпламларида қайта нашр этилган.

**Яна қор.** 1921 йили ёзилган. Дастлаб «Булоқлар», «Адабиёт парчалари», сўнгра Чўлпоннинг «Яна олдим созимни» ва бошқа тўпламларида қайта нашр этилган.

**Яшайиш.** 1921 йили ёзилган. Дастлаб Чўлпоннинг «Булоқлар», сўнгра «Яна олдим созимни» ва бошқа тўпламларида қайта нашр этилган.

**Гўзал Фарғона.** «Фарғонали А» имзоси билан «Янги Туркистон» журналининг 1927 йил 2 – 3-қўшма сонида босилган. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 2009 йил 10 апрель сонида эълон қилинган Баҳодир Каримов табдилидан олинди.

**Гўзал Туркистон.** 1922 йилда ёзилган деб тахмин қилинади. Туркияда истиқомат қилаётган туркистонлик ҳофиз Муҳаммад Собир Коргарнинг икки жилдлик «Туркистон халқ мусиғи» китобида эълон қилинган. Шеър матни адабиётшунос Ҳамидулла Болтабоевнинг «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталиги (1992 йил 22 май)да босилган «Бирлаш, халқим, келгандир чоғи...» мақоласига илова қилинган. Туркиялик айрим адабиётшуносларнинг фикрига қараганда, мазкур шеър Чўлпоннинг «Гўзал Фарғона» шеърининг Туркистон Миллий Қўмитаси аъзолари томонидан ўзгартирилган нусхаси бўлиб, хориждаги туркистонликларнинг расмий йиғилишларида куйланиб келади.

## 1922

**Кулмак истадинг.** 1922 йил 4 январда Бухорода шоир ҳарбий хастахонада даволанаётган кезларда ёзилган. Дастлаб Чўлпоннинг «Уйғониш», кейинчалик «Яна олдим созимни» ва бошқа тўпламларида қайта нашр этилган.

**Ётоқдан.** 1922 йил 21 январда Бухорода шоир ҳарбий хастахонада даволанаётган кезларда ёзилган. Дастлаб «Булоқлар», кейинчалик «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталигининг 1990 йил 23 март сониде, Чўлпоннинг «Яна олдим созимни» ва бошқа тўпламларида қайта нашр этилган.

**Мулла Бозор** (Абдул Бозор) – Чўлпоннинг бухоролик танишларидан бири. Чўлпоннинг «Бухоро ахбори» газетасидаги фаолиятини ёритувчи мақола ва материалларни эълон қилган журналист.

**Фано** – йўқлик, жисман йўқ бўлиб, руҳан Оллоҳ билан қўшилиб кетиш.

**Қизариш.** 1922 йил 5 февралда Бухорода шоир ҳарбий хастахонада даволанаётган кезларда ёзилган. Дастлаб Чўлпоннинг «Уйғониш», кейинчалик «Яна олдим созимни» ва бошқа тўпламларида нашр этилган.

**Оғриганда.** 1922 йил 16 февралда Бухорода шоир ҳарбий хастахонада даволанаётган кезларда ёзилган. Дастлаб «Уйғониш», кейинчалик «Фан ва турмуш» журналининг 1988 йил 3-сониде, шунингдек, Чўлпоннинг «Яна олдим созимни» ва бошқа тўпламларида қайта нашр этилган.

**Қиш кечалари.** 1922 йил 29 февралда Чоржўйда ёзилган. Дастлаб «Адабиёт парчалари», сўнгра Чўлпоннинг «Яна олдим созимни» ва бошқа тўпламларида қайта эълон қилинган.

**Ўтли сув.** 1922 йил 23 мартда Тошкентда ёзилган. Дастлаб «Уйғониш»да, «Инқилоб» (1922 йил 4-сон) журнали ва «Адабиёт парчалари»да,

сўнгра шоирнинг «Яна олдим созимни» ва бошқа тўпламларида қайта нашр қилинган.

**Севги ва салтанат.** 1922 йилда ёзилган. Дастлаб «Қизил байроқ» газетасининг 1922 йил 13 апрель сонидида, сўнгра Чўлпоннинг «Яна олдим созимни» ва бошқа тўпламларида нашр қилинган. «Қизил байроқ» газетасида ушбу шеър матнидан сўнг бундай изоҳ берилган: «Бу парча Чўлпон ўртоқнинг ҳануз босилмаган ва ўйналмаган «Чўпон севгиси» отли манзум томошасиндан олингандир».

**Ўрда** – шаҳарнинг хон ва подшолар ҳамда уларни қўриқлайдиган аскарлар жойлашган қисми.

**Шу кунда.** 1922 йил 22 мартда Тошкентда ёзилган. Дастлаб «Қизил байроқ» газетасининг 1922 йил 25 март сонидида, Чўлпоннинг «Тонг сирлари», кейинчалик «Яна олдим созимни» ва бошқа тўпламларида эълон қилинган.

**Бинафша.** 1922 йил мартда Тошкентда ёзилган. Дастлаб «Инқилоб» журнали (1922 йил 3-сон)да, «Булоқлар» ва «Адабиёт парчалари»да, кейинчалик «Тирик сатрлар» тўплами, «Ёшлик» (1987 йил 10-сон) ва «Шарқ юлдузи» (1987 йил 12-сон) журналларида, шунингдек, Чўлпоннинг «Баҳорни соғиндим», «Яна олдим созимни» ва бошқа тўпламларида нашр этилган.

**Кўклам қайғиси.** 1922 йил 31 мартда Тошкентнинг Қўйлиқ туманида ёзилган ва илк бор «Қизил байроқ» газетасининг 1922 йил 7 апрель сонидида, сўнгра «Булоқлар» тўпламида эълон қилинган. Кейинчалик «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталиги (1990 йил 23 март)да, шунингдек, Чўлпоннинг «Яна олдим созимни» ва бошқа тўпламларида қайта нашр қилинган.

**Барг.** 1922 йил 3 майда Бухорода ёзилган. Дастлаб «Уйғониш»да, сўнгра «Бир тилла қўнғиз» номи билан «Адабиёт парчалари»да, сўнгра шоирнинг «Яна олдим созимни» ва бошқа тўпламларида нашр этилган. Шеърнинг «Адабиёт парчалари»даги матни тагига «1922 йил 1 май. Чоржўй» сўзлари ёзилган. «Уйғониш»даги «Олтинли қўнғизни болалар ушлашиб» сатри «Адабиёт парчалари»да «Бир тилла қўнғизни болалар ушлашиб» деб ўзгартирилган.

**Сендан йироқда.** 1922 йил 11 апрелда Тошкентда ёзилган. Дастлаб шоирнинг «Уйғониш», сўнгра «Баҳорни соғиндим», «Яна олдим созимни» ва бошқа тўпламларида нашр этилган.

**Виждон эрки.** 1922 йил 9 июнда Самарқандда ёзилган. Дастлаб «Уйғониш» ва «Адабиёт парчалари»да, сўнгра шоирнинг «Баҳорни соғиндим», «Яна олдим созимни» ва бошқа тўпламларида нашр этилган.

**Шарафли хизмат.** 1922 йил 7 июлда Тошкентда ёзилган. Дастлаб «Қизил байроқ» газетасининг 1922 йил 27 июль сонидида, сўнгра Чўлпон-

нинг «Тонг сирлари», «Яна олдим созимни» ва бошқа тўпламларида нашр қилинган. Шеърнинг «Тонг сирлари»даги нашрига шоир томонидан қуйидаги изоҳ берилган: «Бу нарса безгак иситмасининг 38,2 даражасида «айтиб бериш» йўли билан ёзилган. Чўлпон».

*Саъдия Тўташ* – ўтган асрнинг 20 – 40-йилларида машҳур бўлган ўзбек драма театри артисти Маъсума Қориева (1902 – 1946).

Мазкур шеър Маъсума Қориеванинг ўзбек саҳна санъати равнақи йўлидаги ўн йиллик хизмати шарафига ясалган бенефис куни ўқилган.

